ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти

О. УСМОНОВ
Ш. ҲАМИДОВ

# ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИ ТАРИХИДАН МАТЕРИАЛЛАР

## (XIX асрнинг охири—XX асрнинг бошлари)

Тошкент
Ўзбекистон ССР „Фан" нашриёти
1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу глоссарий олдига қўйилган мақсад - XIX асрнинг охири - XX аср бошларида ўзбек тили лексикасида содир бўлган ўзгаришларни, хусусан рус тилининг ўзбек тили тараққиётига кўрсатган таъсирини конкрет лексик материаллар асосида кўрсатиб беришдан иборат. Глоссарийда келтирилган барча сўзлар, иборалар, терминологик бирикмалар ва уларнинг дублет формалари босма ва қўлёзма манбаларидан, архив материалларидан келтирилган цитаталар асосида далиллаштирилган ҳамда уларнинг фонетик, морфологик ва лексик вариантлари қайд этилган.

Китоб тилшунослар, таржимонлар, олий ўқув юртларининг филология факультетлари студентлари ва аспирантлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар:

ЎзССР ФА академиги Ш.Шоабдураҳмонов, филология фанлари докторлари Ф.Абдуллаев, Ш.Шукуров

Тақризчилар:

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори А.А.Азизов

Филология фанлари кандидати К.Каримов

У 70103-1469 / М 355(04) - 81   124 - 80   4604000000

© Ўзбекистон ССР "Фан" нашриёти, 1981 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУҚАДДИМА

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўзбек тили рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан кирган сўзлар ҳисобига анча бойиди. Ўзбек тили лексикасидаги бу ўзгариш XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг чор Россиясига қўшиб олиниши натижасида мамлакат ҳаётида юз берган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда ўзбекларнинг руслар билан бевосита алоқага киришувлари билан боғлиқ эди.

Агар асрлар мобайнида араб-форс тиллари ўзбек тилининг тараққиёти ва бойишида асосий манбалардан бири ҳисобланиб келган бўлса, энди бу даврдан бошлаб рус тили ҳам ўзбек тилининг ривожланишида муҳим роль ўйнай бошлайди. Натижада шу даврдан бошлаб бутун бир аср давомида рус тили ўзбек тили тараққиётига зўр таъсир кўрсатмоқда.

Рус тилининг ўзбек тили тараққиётига таъсири бу тилдан фақат сўзлар олишдангина иборат бўлмасдан, балки ўзбек тилининг кенг миқёсда бойишига, сўз ясаш ва семантик системасининг кенгайишига ҳам кучли таъсир кўрсатади. Натижада рус тили ўзбек тили лексикасининг бойиши ва тараққиётида энг бой ва асосий манбалардан бирига айланади. Шунинг учун ҳам ўзбек тили тараққиётида, хусусан унинг лексикаси ва терминологиясининг бойишида рус тилининг прогрессив роли масаласи ўзбек тилшунослигининг энг муҳим ва актуал проблемаларидан бири бўлиб қолди. Бу проблемани тўғри ва ҳар томонлама илмий асосда ёритиш эса ўзбек тилшунослиги олдида турган бир қанча назарий ва практик аҳамиятга эга бўлган масалаларни тўғри ҳал этишда ёрдам беради.

Бироқ бу проблемани ҳал этиш учун аввало инқилобгача бўлган даврда рус-ўзбек тилларининг ўзаро муносабати, рус тилининг ўзбек тили тараққиётига таъсири масаласини чуқур ва илмий асосда ўрганишни тақозо қилади.

Бу ерда айтиш керакки, рус тилининг ўзбек тили тараққиёти ва бойишидаги роли ҳозиргача ҳам ҳар томонлама чуқур илмий тадқиқот объектига айланмай келади. Агар биз проф. А.К.Боровковнинг бундан қарийб қирқ йил муқаддам нашр этилган ва ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган асарини[1] ҳамда филология фанлари кандидати Ҳ.Жўраевнинг шу масалага бағишланган, бироқ ҳалигача нашр этилмаган кандидатлик диссертациясини мустасно қилсак, газета ва журналларда чиққан айрим мақолалардан ташқари, бу проблемага бағишланган бирорта ҳам фундаментал иш яратилмади.

Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, авторлар мазкур темани махсус ўрганишни зарур ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам ўрганилаётган даврда ўзбек тили лексикасида содир бўлган ўзгаришларни ўрганиш, хусусан рус тили ва рус тили орқали Европа тилларидан кирган сўзларнинг қандай йўллар билан ўзлаштирилганлигини, ўзлашма сўзларнинг составини, сони ва характерини,

---

1 Б о р о в к о в А.К. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 гг. Ташкент, 1940.

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг типларини ёритиш ҳамда бу сўзларнинг фонетик, морфологик ва семантик ўзлаштириш йўлларини, шунингдек русча сўзлар ва ибораларни нусхалаштириш (калькалаштириш) принципларини аниқлаш бир неча йиллар давомида олиб борган ишимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак.

Бу проблемага бағишланган бизнинг ишимиз икки қисмдан иборат. Ўқувчиларга тақдим қилаётганимиз ушбу биринчи қисми глоссарий формасида бўлиб, иккинчи қисми эса тадқиқот ва кузатишларни ўз ичига олади

x x

x

Глоссарийнинг умумий характери ва тузилиш принциплари ҳамда глоссарийга асос қилиб олинган транслитерациянинг тузилиши қуйидагичадир.

Глоссарийда бош сўзлар, сўз бирикмалари ҳамда составли терминлар алифбо тартибида берилди. Бироқ уларни ўша даврда энг кўп қўлланилган ёки кейинги даврларда барқарорлашган формасига яқинроқ варианти биринчи ўринда берилиб, бошқа фонетик ёки тавсифий ҳамда баъзи бир синонимик (дублет) вариантлари эса унинг кетидан берилди. Бош сўзлар ва уларнинг фонетик ёки синонимик вариантлари транслитерация қисмида параллель [//], арабча қисмида эса [~] ишоралари билан ажратиб кўрсатилди, масалан:

банкä بانکه ~ баник بانیك ~ банк بانك ~ банкäханá بانکه خانه
<рус. "банк" - банк.

болус بولوس ~ болис بولیس ~ بولس ~ болуст بولوست ~ болуш بولوش
<рус. "волость; волостной, волостной управитель" - волость, бўлис; волость (бўлис) оқсоқоли.

вагзал واگزال ~ вäгзал وکزال ~ вäғзал وغزال ~ вағзал واغزال
~ атäш äрабä вагзали آتش عرابه واکزالی ~ вагзал, йä"ни атäш äрабä мäнзили واگزال یعنی آتش عرابه منزلی <рус. "вокзал" - вокзал.

глубус // гулубус گلوبوس ~ глабус گلابوس ~ глубус деган куррä گلوبوس دیگان کره ~ глубус-куррä گلوبوس کره ~ глубус, йä"ни куррäи зäмин گلوبوس یعنی کرهٔ زمین <рус. "глобус" - глобус.

грамафон // грамафун گراما فون ~ грамофон // грамофун گراموفون ~ ғрамафан غراما فان <рус. "граммофон" - граммофон.

даруханä داروخانه ~ дару мäғазини داروماگازینی ~ дару мäғазäси دارومغازه سی
<рус. "аптека" - дорухона.

дäвлäт думаси دولت دوماسی ~ государственный дума گوسودارستوینی دوما
<рус. "государственная дума" - давлат думаси.

Бош сўзлар ўзларининг барча фонетик вариантлари билан биргаликда бир луғавий мақола доирасида жамлаб берилди. Лекин уларнинг серистеъмол варианти биринчи ўринда келтирилди:

авғуст آوغوست ~ август آوگوست <рус. "август" - август.

паспурт پاسپورت ~ пашпурт پاشپورت ~ башпурт باشپورت ~ пашпурт, йа"ни белетхäт پاشپورت یعنی بیلیت خط <рус. "паспорт" - паспорт.

қäнал قنال ~ қанал قانال ~ кäнал کنال ~ канал کانال
~ қäнал, йä"ни қазилган ариғ قنال یعنی قازیلگان اریق <рус. "канал" - канал.

курс قورس ~ курс کورس <рус. "курсв" - курс.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мäгнит ماگنیت ~ мäгнит مغنیت <рус. "магнит" - магнит.

мужик موژیك ~ мужик موجیك ~ мужик орус موجیك اوروس ~ мужик, йä"ни деҳқан موژیك یعنی دهقان <рус. "мужик" - деҳқон, рус деҳқони.

Бош сўзларнинг фонетик ёки синонимик вариантлари ҳам зарур ҳолларда алифбо тартиби бўйича ўз ўрнида алоҳида луғавий мақола тарзида берилиб, улар шу сўзларнинг асосий вариантига ҳавола қилинди, масалан:

башпурт باشپورت - қ. паспурт.

вäгзал وگزال ~ вäгзал وغزال - қ. вагзал.

грамафон غرامافون - қ. грамафон.

Келтирилган сўз ёки терминнинг маъно ёки фонетик вариантларини тасдиқлаш учун ўша даврнинг турли босма ва қўлёзма манбаларидан мисоллар келтирилди ва хронологик тарзда берилди. Шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан келтирилган мисоллар эса бу қоидадан мустасно тарзида луғавий мақоланинг бош қисмида берилди.

Бироқ рус тилидан кирган сўзларнинг параллель равишда қўлланилган ўзбекча эквивалентлари (аналоглари), синонимик дублетлари мустақил бош сўзлар сифатида алоҳида берилди, масалан:

пайиз پایز ~ пайизд پایزد ~ пойизд پویزد <рус."поезд" - поезд.

атäш äрабä آتش عرابه <рус. "поезд" - поезд.

параход پاراخود ~ пäраход پراخود ~ пäрахот پراخوت ~ фäрахот فراخوت ~ пäраход, йä"ни кемä پراخود یعنی کیمه ~ фäрахот, йä"ни атäш кемä فراخوت یعنی آتش کیمه <рус. " пароход" - пароход.

атäш кемä آتش کیمه <рус. "пароход" - пароход, кема.

министир مینستر ~ مینیستیر <рус. "министр" - министр.

вазир وزیر <рус. "министр" - министр.

Ўзбек тилининг интернационал (Европа тилларига мансуб) сўзлар ҳисобига бойишида асосий манба рус тили ҳисобланади. Бироқ бу сўзларнинг маълум қисми ўзбек тилига ўша даврда ҳам рус тили, ҳам озарбайжон ва усмонли турк тиллари негизида кириб келганлигидан уларнинг ҳар иккала варианти ҳам алоҳида-алоҳида луғавий мақола тарзида берилди, масалан:

кангрис کانگریس <рус. "конгресс" - конгресс.

қонғира قونغرا <озар.-турк. ( <рус."конгресс") - конгресс.

камитет کامیتیت ~ кäмитет کمیتیت <рус. "комитет" - комитет.

қомитä قومیته <озар.-турк ( <рус. " комитет") - комитет.

демакратийä دیماکراتیه <рус. "демократия" - демократия.

дäмуқраси دموقراسی <озар.-турк ( <рус. "демократия") - демократия.

палитсийä پالیتسیه ~ цäлитсийä پلیتسیه <рус. "полиция; полицейский" - полиция; полициячи.

полис پولیس <озар.-турк ( <рус. "полиция") - полиция.

Рус тилидан ўзлаштирилган сўзлар ва терминлар билан бир қаторда уларнинг ўзбекча аналоглари, тавсифий ёки қиёсий эквивалентлари ҳам мус-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тақил бош сўзлар сифатида келтирилди. Лекин улар ҳам алоҳида-алоҳида луғавий мақола тарзида берилди, масалан:

гимназийӓ گيمنازيه ~ гимназийӓ деган мӓдрӓсӓ گيمنازيه ديگان مدرسه ~ гимназийӓ-мӓдрӓсӓ گيمنازيه مدرسه <рус. "гимназия" - гимназия.

мӓдрӓсӓ مدرسه ~ гимназийӓ-мӓдрӓсӓ گيمنازيه مدرسه <рус. "гимназия; среднее учебное заведение" - гимназия; ўрта ўқув юрти.

иниститут اينيستيتوت ~ иниститут деган мӓдрӓсӓ اينيستيتوت ديگان مدرسه <рус. "институт" - институт.

кӓттӓ мӓдрӓсӓ كته مدرسه <рус. "институт; высшее учебное заведение" - институт; олий ўқув юрти.

кирасин كيراسين ~ كراسين ~ кироснн كيراسين ~ кирасин йаг كيراسين ياغ ~ кирасин май كيراسين ماى кирасин деган йер йаги كيراسين ديگان يرياغى <рус. "керосин" - керосин.

лӓнпӓмай لنپه ماى ~ лӓнпӓ йаги لنپه ياغى <рус. "керосин" - керосин.

фӓнар йаги فنار ياغى <рус. "керосин" - керосин.

Омонимлар араб рақамлари воситасида бир-бирларидан ажратилиб, мустақил луғавий мақола тарзида берилди:

иштат[I] اشتات <рус. "штат" - штат.

иштат[2] اشتات <рус. "штат" (геогр.) - штат.

нотӓ[I] نوطه ~ نوته <рус. "нота" (муз.) - нота.

нотӓ[2] نوطه ~ نوته <рус. "нота" (дипломатическая) - нота.

партийӓ[I] پارتيه <рус. "партия" (политическая) - партия.

партийӓ[2] پارتيه <рус. "отряд; часть; группа" - отряд; тўда, қисм; группа.

Омоформалар (омонимлашган сўзлар) ҳамда айрим сўзларнинг бир-бирларидан анча кескин фарқ қиладиган мустақил маънолари ҳам араб рақамлари воситаси билан ажратилиб, мустақил луғавий мақола тарзида берилди:

атӓш ӓрабӓ[I] آتش عرابه <рус. "поезд" - поезд.

атӓш ӓрабӓ[2] آتش عرابه <рус. "конка" - конка.

вӓкил[I] وكيل <рус. "депутат" - депутат.

вӓкил[2] وكيل <рус. "делегат" - делегат.

вӓкил[3] وكيل <рус. "агент" - агент, вакил.

қит"ӓ[I] قطعه <рус. "часть света; материк" - қитъа; материк.

қит"ӓ[2] قطعه <рус. "часть" - қисм.

мӓжлис[I] مجلس <рус. "собрание" - мажлис.

мӓжлис[2] مجلس <рус. "митинг" - митинг.

мӓжлис[3] مجلس <рус. "палата" (законодательная) - палата.

Бош сўзларнинг аниқлаб берилган маънолари бир-бирларига яқин бўлса вергуль билан, маънолари бир-бирларидан анча фарқланса нуқтали вергуль билан ажратиб кўрсатилди, масалан:

башчи باشچى <рус. "руководитель" - бошчи, йўлбошчи, раҳбар.

башсизлик باشسزلق <рус. "беспорядки; анархия" - тартибсизлик, тўс-тўполон; анархия.

карханӓ كارخانه <рус. "завод; предприятие; мастерские" - завод; корхона; устахона.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир лексик маъно доирасида турли грамматик категориялар (масалан, от, сифат) келиб қолган ҳолларда ҳам улар нуқтали вергуль билан ажратилди, масалан:

иликтир ايليكتر ~ اليكتر <рус. "электричество; электрический" - электрия; электр.

иштиракийун اشتراكيون <рус. "социалист; революционер; революционный" - социалист; революционер; революцион.

Бош сўзнинг аслида қайси тилга мансублиги ёки унинг қайси тилдаги қандай сўзга эквивалент бўлиб келаётганлигини < ишораси билан кўрсатилди, масалан:

губирнатур گوبرناتور <рус. "губернатор" - губернатор.
ёрмийа ارميه <рус. "армия" - армия.
орду اوردو <озар.-турк. -армия.
памешчик پامیشچیك <рус. "помещик"- помешчик.
алпавут آلپاووت <тат.
артист آرتيست <рус. "артист" - артист.
муқаллид موقلليد <форс. - тақлид қилувчи.

Маълумки, айрим юнонча сўзлар (масалан, فلسفه фалсафа, جغرافيه жуғрафийа, موسيقى мусиқий ва ш.к.) ўзбек тилига аслида араб тили орқали кириб келган. Уларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилаётган философия, география, музика вариантлари эса рус тили орқали ўтган. Шунга кўра ишда бундай сўзларнинг этимологик жиҳатдан икки томонламалик хусусияти кўрсатиб ўтилди, масалан:

мусиқий موسيقى ~ мусиқа موسيقه <ар.-юн. - мусиқий, музика (<рус. "музыка").

музика موزيكه ~ музиқа موزيقه ~ музика موزيكا ~ музиқа موزيقا ~ музик موزيك <рус. "музыка" - музика.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида бевосита рус тилидан ўзлаштирилган, бироқ эски ўзбек тилида мавжуд бўлган қайтма ўзлашмаларнинг аслида рус тилига туркий-форсий тиллар орқали ўтганлиги ҳам тегишли ишоралар воситаси билан кўрсатиб ўтилди, масалан:

истакан استكان <рус. "стакан" (<қад.турк. اوستكان устакан ~ توستكان тостакан ~ توستاغان тостаған) - стакан.
чамадан چمدان <рус. "чемодан" (<форс. جامه دان жамадан) - чамадон.
нефт نيفت <рус. "нефть" (<форс. نفت нафт) - нефть.

Ўша даврда рус тилидан ўзлаштирилган ва эндигина ўзбек тилига кириб ўзлашиб бораётган сўзларнинг имлосида барқарорлик бўлмаганлигидан бундай сўзлар турлича, ҳатто бир хиллари 7-8 хил ёзилиб келарди. Шунга кўра бундай сўзлар манбаларда қандай имло ва график шаклда ёзилган бўлса, ўша имло ва график шакл сақланди, масалан:

истанса استه نسه ~ استنسه ~ истанса استانسه ~ истансийа استه نسيه ~ истансийа استانسيه ~ стансийа ستهنسه рус. "станция" - станция.

салдат سالدات ~ صالدات ~ салдат سالدات ~ сәлдат سالدات ~ солдат صولدات ~ سالدات ~ صالدات <рус. "солдат" - солдат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

микрäскоп میکرسکوب ~ میکروسکوب ~ микраскоп میکرا سکوب ~ микраскаф میکرا سکاف ~ микроскоп میکرا سکوب ~ микрäскоп деган машинä میکرسکوب دیگان ماشینه ~ микрäскоп машинäси میکرسکوب ماشینه‌سی ~ микроскоп намлик дурбин میکروسکوب نامليك دوربين ~ микраскоп-дурбин میکرا سکوب دوربین < рус. "микроскоп" - микроскоп.

Имлодаги ҳар хилликлар рус тили орқали кирган сўзлардагина эмас, балки мавжуд сўзларни қўллашда ҳам (баъзан традицион имлога риоя қилмаслик ҳоллари) учраб туради. Бундай ҳолларда ҳам уларнинг хато ва тўғри ёзилиши кўрсатиб ўтилди, масалан: اعزا ~ اعضا ӑ"за каби.

Маълумки, араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида ёзилган текстларни транскрипциялаш ниҳоят даражада мушкул иш. Шунга кўра биз бу ишда иложи бўлган ўринларда транскрипцияга яқинлаштирилган ҳолда (масалан, کیمنازیه гимназийӑ сўзидаги к // г каби) транслитерация қилишни афзал кўрдик.

Транслитерация асосидаги алифбо тартиби глоссарийда қуйидагича берилди:

а - мадли алиф آ
ӑ - фатҳали алиф اَ
б - ب
в - و
г - گ
ғ - غ
д - د
е - касрали алиф [ʼ] ى
ж - ژ
җ - ج
з - ذ
и - касрали алиф اِ
й - ى
к - ك
қ - ق
л - ل
м - م
н - ن
о - заммали алиф ا
п - پ
р - ر
с - ث، س، ص
т - ت، ط
у - заммали алиф ا
ф - ف
х - خ
ҳ - ح، ه
ч - چ
ш - ش

www.ziyouz.com kutubxonasi

[нг - [ڭ]

апостроф [ʼ]

Шундай қилиб, глоссарийда специфик араб ҳарфларига қуйидагича транслитерация белгилари олинди:

мадли алиф [آ] - а
фатҳали алиф [اَ] - ä
касрали алиф [اِ] - и, е
заммали алиф [اُ] - о, у
вов [و] - в, у, о
ё [ی] - й, и, е
фатҳали ё [یَ] - йä
касрали ё [یِ] - йи, йе
заммали ё [یُ] - йу, йо
фатҳали айн [عَ] - ä
касрали айн [عِ] - и
заммали айн [عُ] - у

ص [с̣], ث [с̱] — س - с

ط [т̣] - ت - т

ض [з̣], ظ [з̣], ذ [з̱] } ز - з

Сўзларни транслитерация қилишда маълум даражада ўрганилаётган даврдаги ўзбек тилининг талаффуз нормаларини мумкин қадар тиклашга, ўша даврда сўзлар қандай талаффуз қилинган бўлса, ёзувда ҳам худди шундай акс эттиришга ҳаракат қилинди. Бу жиҳатдан биз қўллаган транслитерация кўп ҳолларда транскрипцияга анча яқиндир, масалан:

سود сод // суд <рус. "суд"- суд.
صوتکه ~ سوتکه соткä // суткӓ <рус. "сутки" - сутка.
صومکه ~ سومکه сомкä // сумкä <рус. "сумка" - сумка.
بوتکه боткä // будкä <рус. "будка" - будка.
دومه думä // домä <рус. "дума" - дума.
سروك суруг // сурук <рус. "срок" - муддат.

Эски ўзбек ёзувида мавжуд, бироқ араб тилининг специфик товушларини ифодаловчи ص [с̣], ث [с̱]; ض [з̣], ظ [з̣], ذ [з̱]; ط [т̣] ҳарфлари техникавий сабабларга кўра транслитерациямизда акс эттирилмади. Бироқ бош сўзлар ва уларнинг фонетик вариантлари арабча ёзувда бу ҳарфлар аслига кўра сақланди:

ص [с̣]: صلات ~ سلات сäллат, صالدات ~ سالدات сәлдат;
باصمه‌خانه ~ باسمه‌خانه басмäханä; اصلاح ~ اسلاح ислах;
ث [с̱] ثانیه санийä;
ض [з̣] ضابط забит, ضابوت ~ زابوت забут;
ظ [з̣] تنظیمات тäнзимат;
ذ [з̱]: ذال ~ زال зал; ذکون ~ زکون зäкун; ذکونچی ~ زکونچی зäкунчи, ذزمت хизмäт;
ط [т̣] طاوار ~ تاوار тавар; طیاره‌چی ~ تیاره‌چی тäйäрäчи;
راپورط ~ راپورت рапурт.

Арабча ҳарфларнинг транслитерацияси шартли характерга эга ( ب б // п, ك к // г, ج ж // ч каби). Бироқ айрим ҳолларда уларни транскрипцияга яқинлаштириб бердик, масалан:

ب б // п - کوب коп, توب топ, اشتراب иштäрäп, میکرسکوب микрäскоп.
ك к // г - گیمنازیه гимназийä, گوبرناتور губирнатур, گاراداوای гäрадавай, واگزال вагзал.
ج ж // ч - پامیشچیك памешчик, میشچان мешчан, طیارچی тäййарäчи.

Араб ёзувида бир хил ёзилиб икки хил ўқилиши мумкин бўлган ёки талаффуз нормалари ҳали муқаррарлашмаганлиги туфайли икки хил талаффуз этилган сўзлар бизнинг ишимизда транскрипцияда берилди. Бироқ ўз даври учун анча умумлашиб, ўзлашиб қолган варианти биринчи ўринда берилди, масалан:

انگلتره ингилтäра // äнгилтäрä
آزق азуқ // азиқ
دومه думä // домä
اسپرافکه испäрафкä // испрафкä
کلوب кулуб // клуб <рус. "клуб"
گلوبوس гулубус // глубус <рус. "глобус".

Араб ёзувида икки хил ёзилиб бир хил талаффуз қилинадиган сўзлар ҳам манбаларда ёзилишига кўра транскрипция қилинди, масалан:

صلدات ~ سلدات сäллат <рус. "солдат".
اسپیرت ~ اسپرت испирт <рус. "спирт".

Ишда келтирилган баъзи бир географик номларнинг ҳам ўша давр ёзувида ишлатилган вариантлари бир луғавий мақола остига олиниб изоҳ қилинди ва энг кўп қўлланилган орфографик варианти биринчи ўринда берилди, масалан:

Америқä آمیریقه ~ Америкä آمیریکه ~ Äмерикä امیریکه ~ Äмерика امیریکا ~ Äмриқа امریقا / <рус. "Америка" - Америка.
Африқä آفریقه ~ Африкä افریکه ~ Äфрика افریقا <рус. "Африка" - Африка.

Ўзбек тилида ишлатилган русча сифатлардаги -нвй қўшимчасини тушум келишиги қўшимчаси -ни билан қориштириб юбормаслик учун асосан -ний формасида берилди, масалан:

تاوارنی پایز таварний пайиз, تاوارنی واگون таварний вагон.
پاچوتنی اسموتریتیل пачотний исмотритил, اسبیریگاتیلنی کاسسه исбиригателний кассä ва ш.к.

Сўзларни транслитерациялашда от-сифат ясаб келадиган арабча -ийä (-ия) элементи воситаси билан عسکر äскäр, عسکریه äскäрийä, عسکریه باشلوغی äскäрийä башлуғи, عسکریه کسلخانه äскäрийä кäсäлханä, ایلیکتر иликтир, ایلیکتریه иликтирийä, ایلیکتریه قوتی иликтирийä қуввäти, ایلیکتریه چراغ иликтирийä чирағ типида ясалган сўзлардан айримларининг арабча ёзувда мавжуд атоқли отлар билан омографик сўзлар сираси ҳосил қилиб келиши ҳисобга олиниб, дифференциация қилинди. Маъно ва ишлатилиш ўринларига қараб, улар турдош отлар категорияси сифатида талқин қилинди, масалан:

روس рус - روسیه русийä: روسیه‌لر русийäлäр, روسیه طبیبی

www.ziyouz.com kutubxonasi

русийа табиби, روسیه دوختوری русийа духтури, روسیه تیلی русийа тили, روسیه مکتب خانه‌سی русийа мактабханаси, روسیه داملاسی русийа дамласи ва ш.к.

اوروس орус - اوروسیه орусийа: اوروسیه خلقی орусийа халки, اوروسیه تیلی орусийа тили, اوروسیه مکتبی орусийа мактаби, اوروسیه طبیبی орусийа табиби ва ш.к.

ایلیکتیر иликтир - ایلیکتیریه иликтирийа: ایلیکتریه عرابه иликтирийа ёраба, ایلیکتریه چراغ иликтрийа чираг, ایلیکتیریه قوتی иликтирийа куввёти ва ш.к.

Шу тарзда ҳосил бўлган омографлар бош сўз сифатида келса, глоссарийда ажратиб кўрсатилди ва улардан бири атоқли от бўлса, транслитерацияда бош ҳарф билан ёзилиб, тафовутлари ёзувда ҳам акс эттирилди, масалан:

русийа روسیه <рус. "русский; русские" - русча, руслар.

Русийа روسیه <рус. "Россия" - Россия.

Муаллифлар қарийб бир аср давомида яратилган обидаларни, босма қўлёзма манбаларни ва инқилобга қадар ўзбек тилида чиққан барча газета, журналларни кўриб чиқиб, улар асосида бой картотека бунёдга келтиришда яқиндан кўмаклашган илмий ходима А.Ҳамитовага, шунингдек, мазкур ишни нашрга тайёрлашда ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирган филология фанлари докторлари Ф.Абдуллаев, Ш.Шоабдураҳмонов ва Ш.Шукуров ўртоқларга, ҳурматли домла И.А.Киссенга ҳамда ЎзССР ФА А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти терминология бўлими ходимларига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирадилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## АРАБ ГРАФИКАСИ АСОСИДАГИ ЭСКИ ЎЗБЕК АЛИФБОСИ

| Арабча ҳарфлар | Ҳозирги ўзбек алифбосида ифодаланиши | Транслитерация белгиси | Арабча ҳарфлар | Ҳозирги ўзбек алифбосида ифодаланиши | Транслитерация белгиси |
|---|---|---|---|---|---|
| ا[1] | | | | с | с |
| آ | о | а | | з | з |
| ب | б | б | | т | т |
| پ | п | п | | з | з |
| ت | т | т | | | |
| ث | с | с | | ғ | ғ |
| ج | ж | җ | | ф | ф |
| چ | ч | ч | | қ | қ |
| ح | ҳ | ҳ | | к | к |
| خ | х | х | | г | г |
| د | д | д | | л | л |
| ذ | з | з | | м | м |
| ر | р | р | | н | н |
| ز | з | з | | | |
| ژ | ж | ж | | ҳ | ҳ |
| س | с | с | | | |
| ش | ш | ш | | апостроф | [ʼ] |

1 фатҳали алиф آ - а̌, касрали алиф اِ - и, е (э), заммали алиф اُ - у, о (ў)

2 фатҳали айн عَ - а̌, касрали айн عِ - и, заммали айн عُ - у. Айн [ع] ўзбек тилида сўз бошида талаффуз этилмайди ва ёзувда ҳам ифодаланмайди. Лекин сўз ўртасида ва охирида келган айн (ع) апостроф ['] билан ифодаланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА УЛАРНИНГ ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАРИ

| | |
|---|---|
| А.Қодирий, БК | - Абдулла Қодирий. Бахтсиз куёв. 4 пардалик фожиа. Тошкент, 1915. |
| Авез, ТА | - Авез Ўтар. Танланган асарлар. Тошкент, 1956. |
| Авлоний, МШ, I | - Абдулла Авлоний. Адабиёт ёхуд миллий шеърлар. I жилд. Тошкент, 1912. |
| Авлоний, МШ, II | - Абдулла Авлоний. Адабиёт ёхуд миллий шеърлар. II жилд. Тошкент, 1915. |
| Авлоний, МШ, III | - Абдулла Авлоний. Адабиёт ёхуд миллий шеърлар. III жилд, Тошкент, 1916. |
| Авлоний, МШ, IУ | - Абдулла Авлоний. Адабиёт ёхуд миллий шеърлар. IУ жилд. Тошкент, 1916. |
| Ажзий, МИ | - Ажзий (Саидаҳмад Сиддиқий). Мироти ибрат. Тифлис, 1914. |
| Бадрий, Аҳ. | - Абдулла Бадрий. Аҳмақ. Бир пардалик кулгулик театру. Самарқанд, 1915. |
| БГА | - Баёзи гулшани ашъор. Тошкент, 1911. |
| Беҳбудий, ПҚ | - Маҳмудхужа Беҳбудий. Падаркуш. Самарқанд, 1913. |
| БМ | - Баёзи муҳалло. Тошкент, 1911. |
| БМА | - Баёз - мажмуаи ашъор. Тошкент, 1911. |
| БМФ | - Баёз маа ҳажвиёти мавлоно Муқимий маа мавлоно Фурқат. Хуқанд, 1913. |
| БМЎ | - Баёзи мулло Ўтаб. Тошкент, 1907. |
| БЯ | - Баёзи янги. Тошкент, 1910. |
| БХ, 1910 | - Баёзи Ҳазиний. Тошкент, 1910. |
| БХ, 1912 | - Баёзи Ҳазиний. Тошкент, 1912. |
| ДА | - Туркистон вилоятидаги фуқароларнинг амалдорларига таъйин бўлғон дастуриламал. Маргилон, 1888. |
| Даврон, ТВГ | - Иброҳим Давроннинг "Туркистон вилоятининг газити" саҳифаларида босилган мақолалари. |
| Деҳқон | - "Деҳқон" (журнал). Тошкент, 1915. |
| Дума | - Дума сайлов тартиби ва анинг ҳукуматининг умумий фармони. Тошкент, 1917. |
| Ёдномa | - Ёднома дафтари ва айёмнома ва ҳам савдогарларга зарур хабарлар. Тошкент, 1910. |
| Жангнома | - Алимқули жангномаси. Қўлёзма. ЎзФА ШИ, инв. № 8616. |
| Жугрофия | - Жуғрофияи риёзий. Мураттиб Муҳаммадҳожи Каримий Фахриддинов. Тошкент, 1914. |
| Завқий, ТА | - Завқий. Танланган асарлар, Тошкент, 1958. |
| Завқий, Фонуз | - Завқий. Фонуз. Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв.№7521. |

www.ziyouz.com kutubxonasi

| | |
|---|---|
| ЗВО | - Самойлович А. Вотвагонний пассажир (песенка-сатира ташкентских сартов). Отдельний оттиск из Записок Восточного отделения императорского русского археологического общества. Т.XIX,I9I0. |
| Ибрат, ТХ, | - Ибрат (Исхоқхон). Тарихи хуррият. Қаранг: "Тарихи маданият", I9I7. Қўлёзма. ЎзФА ШИ, инв. № I0II7. |
| Ибрат, ШТ | - Ибрат (Исхоқхон). Шеърлар тўплами. Наманган, I9I3. |
| Камий, ТХ, | - Камий. Табрики хуррият. I9I7. |
| Кенгаш | - "Кенгаш" (газета). Тошкент, I9I7. |
| Колумб | - Колумб турмуши - Америка иқлимини топқон Колумб деган бир Ёврупо халқдин уламо одамнинг не тариқа умр кўргани хусусида. "Туркистон вилояти газити"-нинг I892-I893 йиллардаги сонларидан олинган алоҳида нашри. ЎзФА ШИ, инв. № 7II. |
| МС, I903 | - Муаллимул-соний (хрестоматия). Тошкент, I903. |
| МС, I907 | - Муаллимул-соний. Тошкент, I907. |
| МТФ | - Муҳаммад Фозилбек қози Муҳаммад Отабек ўғли. Мукаммал тарихи Фарғона. ЎзФА ШИ, инв. № 597I. |
| МТФ | - Муҳаммад Фозилбек қози Муҳаммад Отабек ўғли.Мукаммал тарихи Фарғона. Қўлёзма. ЎзФА ШИ, инв. № 597I. |
| Муин, Кўкнори | - Ҳожи Муин ибн Шукрулло. Кўкнори. Бир пардалик кулгу. Самарқанд, I9I6. |
| Муин, МХ | - Ҳожи Муин ибн Шукрулло. Мазлума хотин. Самарқанд, I9I6. |
| Муин, ЭМ | - Ҳожи Муин ибн Шукрулло. Туркистон маишатидин олинган эски мактаб, янги мактаб исмли уч пардали тиётир рисоласи. Самарқанд, I9I6. |
| Мухторий, ККБ | - Шокир Мухторий. Ким қози бўлсун. Қўқон, I9I6. |
| Муқимий, АТ | - Муқимий. Асарлар тўплами. I-2-томлар. Тошкент, I960. |
| Муқимий, ДМ | - Муқимий. Девоний Муқимий маа ҳажвиёт. Тошкент, I9I0 |
| Наж. | - Нажот (газета). Тошкент, I9I7. |
| Наливкин, СПХ | - Наливкин В.П. Сартовско-персидская хрестоматия. Ташкент, I887. |
| Наливкин, ТК | - Наливкин В.П. Терма китоб (хрестоматия). Тошкент, I894. |
| Нодим, ДН | - Нодим. Девони Нодим (терма баёз). Қўлёзма. ЎзФА ШИ, инв. № 4I79. |
| Оз. | - "Озиё" (газета). Тошкент, I908. |

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ойина - "Ойина" (журнал). Самарқанд, 1913-1914.

ОСН - Туркистон вилоятида ер-мулк, олиқ-солиқ низомномаси. Туркистон вилоятидаги халқларни забт ва рабт қилмоқ, яъни бошқармоқ хусусида низомнома. Тошкент, 1888.

Робинзон - Робинзон ҳикояси. Мутаржим Муҳаммад Фозилбек Отабек ўғли. Тошкент, 1911.

Сабзазор - С а б з а з о р. "Садойи Туркистон" муштарийларина ҳадя (тўплам). Тошкент, 1914.

САД - Современные среднеазиатско-турецкие документы из Ташкента. Ташкент, 1915.

Сам. - "Самарқанд" (газета). Самарқанд, 1913.

Сатторхон, ХН - С а т т о р х о н А б д у г а ф ф о р о в. Хотиранома. "Туркистон вилоятининг газити" (ТВГ), 1891-1892 йиллар.

Сидқий, БИ - С и д қ и й Х о н д а қ л и қ и й (Сирожиддин Махдум). Базми ишрат (шеърлар тўплами). Тошкент, 1916.

Сидқий, БРИ - С и д қ и й Х о н д а қ л и қ и й (Сирожиддин Махдум). Буюк Русия инқилоби. Тошкент, 1917.

Сидқий, РК - С и р о ж и д д и н М а х д у м С и д қ и й. Работчилар келиши. Тошкент, 1917.

Сидқий, ТҲ - С и д қ и й Х о н д а қ л и қ и й (Сирожиддин Махдум). Тоза ҳуррият. Тошкент, 1917.

СПХ - Н а л и в к и н В.П. Сартовско-персидская хрестоматия. Ташкент, 1887.

С.Турк. - "Садойи Туркистон" (газета). Тошкент, 1914.

С.Фарғ. - "Садойи Фарғона" (газета). Қўқон, 1914-1915.

СШ - Савғоти Шавкат. Тошкент, 1914.

Тавалло, ОБН - Т а в а л л о (Тўлаган Хўжамиёров). Оламга бир назар. Тошкент, 1916.

Тавалло, ОБҲ - Т а в а л л о (Тўлаган Хўжамиёров). Овруполилар ҳунари билан бизнинг ҳунаримизнинг фарқи. Тошкент, 1916.

Тар. - "Тараққий" (газета). Тошкент, 1916.

ТБ - Терма баёз (қўлёзма). ЎзФА ШИ, инв. № 4182.

ТВГ - "Туркистон вилоятининг газити". 1870-1916 йиллар.

Тирик сўз - "Тирик сўз" (газета). 1917.

ТРҚ - Тарихи Русияи қадим. Тошкент, 1906.

Тўж. - "Тўжжор" (газета). Тошкент, 1907.

Турон - "Турон" (газета). Тошкент, 1917.

Турк эли - "Турк эли" (газета). Тошкент, 1917.

Тўй - Н у с р а т у л л а (М и л л и й) и б н Қ у д р а т у л л а. Тўй. Самарқанд, 1914.

ТҲ - "Тоза ҳуррият" (газета). Тошкент, 1917.

Ф. 1009 - Личный фонд Остроумова (ЎзССР Давлат архивида).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФМС – Туркистон гинирол губурнатури Розенбахнинг Фаргона музофотига қилгон сафари баёни. Тошкент, I889.

ФСЯ – А л е к с е е в З. Фрази на сартовском языке. Ташкент, I884.

Фуркат, ТА – Ф у р қ а т. Танланган асарлар. I–П томлар.Тошкент, I959.

Фуркат, ТВГ – Фурқатнинг "Туркистон вилоятининг газити" саҳифаларида босилган ўз таржимаи ҳоли ҳамда шеър ва мақолалари.

Хурш. – "Хуршид" (газета). Тошкент, I906.

Шаҳидий, Маҳр. – А б д у л р а у ф Ш а ҳ и д и й. Маҳрамлар. Наманган, I9I2.

Эл.бай. – "Эл байроғи" (газета). Тошкент, I9I7.

Ўзб. ад. – Ўзбек адабиёти (тўрт томлик). IУ том. I-китоб. Тошкент, I960.

Қози рапортлари – Тошканд шаҳар ҳокимиға Сиёз қозиларининг ропуртлар дафтари (қўлёзма ҳужжатлар). I90I, ЎзФА ШИ, инв. № 6II3.

Ҳамза, ДН – Ҳ а м з а Ҳ а к и м з о д а Н и ё з и й. Девони Ниҳоний. Қўлёзма. I903-I9I4, ЎзФА ШИ, инв. № 8989.

Ҳамза, АТ – Ҳ а м з а Ҳ а к и м з о д а Н и ё з и й. Асарлар тўплами (икки томлик). Тошкент, I960.

Ҳамза, ЕА – Ҳ а м з а Ҳ а к и м з о д а Н и ё з и й. Енгил адабиёт (Бошланғич мактаблар учун дарслик). Қўлёзма. ЎзФА ШИ, инв. № 7628.

Ҳамза, ЗҲ – Ҳ а м з а Ҳ а к и м з о д а Н и ё з и й. Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари. Тошкент, I9I6.

Ҳамза, МА – Ҳ а м з а Ҳ а к и м з о д а Н и ё з и й. Мухторият ёки автономия. Тошкент, I9I7.

Ҳамза, МШ – Ҳ а м з а Ҳ а к и м з о д а Н и ё з и й. Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуи. I, I9I5; П-У, I9I6; УI-УП, I9I7.

Ҳамза, ЯС – Ҳ а м з а Ҳ а к и м з о д а Н и ё з и й. Янги саодат ёхуд миллий рўмон. Тошкент, I9I5.

ҲМ – И н о я т у л л о М и р з а ж о н ў ғ л и. Ҳисоб масъаласи. Тошкент, I9I3.

Ҳур. – "Ҳуррият" (газета). Тошкент, I9I7.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ГЛОССАРИЙ

www.ziyouz.com kutubxonasi

А

абунӓ آبونه ~ ӓбунӓ ابونه <озар-турк. ( <рус. "подписка")- обуна. Русчӓ ва мусулманчӓ билатурганлӓрни қӓлӓм вӓ абунӓ илӓ ианӓтдӓ болмақлӓри вожибдур (Ойина, 1913, 10, 237; "Сӓдойи Фӓрғанӓ" гӓзитӓсигӓ абунӓ (муштӓрий йазилмақ) фӓқӓт числӓ бошидӓн мумкиндир (С.Фарг., 1914, 27); 1915-нчи йил учун ӓбунӓ дӓфтӓри ачиқ (Деҳқон, 1915, 2,1).

аванс آوانس <рус. "аванс" - аванс. Йуз минг пудлӓргӓ қӓдӓр аванс-пешӓки ақчӓгӓ сатуб қойуб, вӓқтидӓ йеткуралмӓсдин... (С.Фарг., 1914, 22).

авахтӓ آواخته ~ абахта آباختا ~ авақ اواق <рус."гауптвахта; арестный дом, тюрьма" - авахта, ҳарбий қамоқхона, турма. Ғодӓйиб сибир қиламиз дебан, бир авахтӓгӓ салмӓдинг бӓринг (Завқий, ТА,44); Ташкӓнд шӓҳридӓ турмӓдӓ, йаъни абахтадӓ йатибдур (ТВГ, 1897,16); Худа корсатмӓсин, ӓгӓр булӓрнинг айагини тилиб йубарсӓк, дӓррав приступгӓ ӓрз қилиб, бизни авакқӓ қӓматӓрдилӓр (Муин, ЭМ, 7); Тартӓрлӓр еди зулм ели ӓлбӓттӓ авакгӓ (Хур., 1917, 12); Авакдӓ ӓҳли зиндан бойлӓ дерлӓр... Авӓкда икки киш уч йаз отургани енди аз (Жангнома, 108).

август آوگوست ~ август آوغوست <рус. "август" - август. 3-нчи августдӓ йазилган хӓтингиз он уч сом ӓхчӓ билан 13-нчи октабирдӓ тегди (Муқимий, АТ, П, 135); Русийӓнинг бӓрчӓ балӓлӓри август айиғӓчӓ дӓм алиб, август айиндӓ окушни башлайдурлар (ТВГ, 1887, 26); Ӓризӓ бергучи 1912-нчи йилиндӓ 7-нчи августда Халпашша Ӓбдурӓсул қизи қолум қойдум (САЦ, 31, 60); Ушбу августни 24-нчи кунидӓ мӓзкур Ӓбдуллӓбай менгӓ хусумӓт қилиб, мӓзкур сигиримни тӓнидим (САЦ, 32, 48).

авийатур اویاتور <рус. "авиатор" - учувчи. Фрӓнсӓнинг (авийатур) лӓри, йӓ"ни асмандӓ учадурган адӓмлӓри (С.Фӓрг., 1914, 83).

Аврупа اوروپا <озар-турк. Avrupa ( <рус. "Европа") - Европа. Ул Аврупа адӓмлӓри илм йолиғӓ ӓйлӓр жӓдӓл, Бизлӓр чапан, кокрӓк ачуқ, мӓҳрӓм болалмӓймиз ҳӓнуз (Дилафкор, Ўзб. ад., 309); Кор, Аврупа ӓҳли недӓн оқирлӓр илму фӓн, Кокрӓк ачиб сизлӓр чӓпӓн, инсан болалмӓйсиз ҳӓнуз (Тавалло, ОБН, 2); Дунийӓнинг енг мӓ"рифӓтли ва енг сӓн"ӓтли вӓ енг қуввӓтли қит"ӓси Аврупадур вӓ анинг ӓҳалиси рус вӓ фӓрӓнг қӓвмидур (МС, 1903, 84).

аврупаий آوروپائی <форс. ( <рус. "европеец") - европалик. Туркийӓнинг енг кӓттӓ уруш кемӓси... аврупаийларни ӓндишӓғӓ салган (Ойина, 1915, 11, 278); Аврупаийлӓр дерки, мусулманлӓр ихласини қӓбул қилмайдур (Ойина, 1914, 23, 346).

аврупали آوروپالی <озар-турк. ( <рус. "европеец") - европалик. Йа бир мусулман балӓси низамий мӓктӓб формӓсидӓ йурсӓ мӓсхӓрӓ қиладурлӓр, ӓгӓр извашчик вӓ йа қарӓ меҳнӓткӓш болиб, аврупалилӓрнинг ески либасини кийсӓ... ҳеч ким бир нимӓ демайдурки, бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

кăмали наданлик вă дунйадăн хăбăрсизликдур (Беҳбудий, ПК, 7); Аврупалилăр... турли алати ҳăрбийă ийад етмăкдăдурлăр (Ойина, 1913, 29, 569).

аврупачă آوروپاچه <озар. - турк. ( <рус. "европейский, по европейски") - европача, европачасига. [Мăҳмудхан] хипча бойлик, хушмойлăб... бутун аврупачă кийинган, хусусий муăллим алиб оқумиш, тăрбийă кормиш (Ҳамза, ЗҲ, 5); Мăҳмудхан хужрăси аврупачă зийнăтлăнгăн, бир тăрăфдă ишкаф, ичидă китаблăр (Ҳамза, ЗҲ, 2); Меҳманханă мăнзăрăси аврупачă шăклдă, бир четдă кăрават, ортăдă бир "мийиз" (стол) билан 3-4 курси турибдур (Муин, ЭМ, 27).

авуксийун آوکسیون ~ авуксийун, йă"ни ашкарă сăвда اوکسیون یعنی اشکاره سودا <рус. "аукцион" - аукцион. Ҳăр хил нăрсăлăрни... авуксийун, йă"ни ашкарă сăвда билан сатилсă боладур (ТВГ, 1897, 48); Ушбу биринчи нойабирдă йăкшăнбă куни ертă бирлăн 10 сайтдин башлăб мăзкур вистафкăга тăăллуқ павилйон, йă"ни авуксийун бирлăн сатилăр деб (ТВГ, 1890, 83).

агинт آگینت ~ ăгинт اگینت <рус. "агент - агент, вакил, айғоқчи. Ташкăнд шăҳридă ăгинт, йă"ни иш башқăриб тургучи натарийус Тумиинтсуфдир (ТВГ, 1892, 17); Гувах қăтаридă болган ăгинтлăр протакол йазибдурлăр (ТВГ, 1904, 24); Йаврупа ăгинтлăри оз кози бирлăн коруб, Йаврупа гăзитлăридă ул вақеă хусусидă йазадурлăр (ТВГ, 1904, 25);

аграном آگرانوم аграном آگرانوم <рус. "агроном" - агроном. Ҳăр қăндăй мăслăҳăт керăк болсă, аграномлăргă, инструктурлăргă, йă"ни зираăт тă"лимини корсатиб турадурган торăлăрдăн сорăгăйсизлăр (Деҳқон, 1915, 4,4); Туркистан олкăсидă йерсув мăс"ăлăлăри хусусидă тийушли тăдбир ва низамат тузувга йубарилган мусулман аграном (йер-сув илми мутăхăссиси) Мăҳдий Афăнди Ҳанишиф Ташкăндгă келуб хизмăтигă кирииди (Кенгаш,1917, 10).

адвакат آدواکات ~ адвакăт آدواکت - қ.ăдвакăт.

азот آزوت <рус, "азот" - азот. Азот деган шăй бардурким, ул шăй екин екин екадурган жайгă салинсă, ул жайни хоп кучлик қиладур (ТВГ, 1884, 13); Ҳăва тăркиб тапилган нăрсăлăрнинг кислород вă азотдин башқă бă"зи жузвлăри козгă корунадур (ТВГ, 1889, 44); Ҳăва корунмайдурган бир қăнчă жузвдин мурăккăбдур; ăлăрнинг енг кăттă жузвлăрининг бири кислород вă бири азот деб аталадур (Ёднома, 85).

азуқ // азиқ آزوق <рус. "продовольствие" - озиқ-овқат. Орунбургдăн Ташкăндгă азуқ йубармăк мăс"ăлăсининг нăтиқăси тă"мин етилди (Эл бай., 1917, 13).

азуқă қомитăси آزوقه قومیته سی ~ азуқă камитети آزوقه کامیتیتی <рус. "комитет продовольствия" - озиқ-овқат комитети. Азуқă қомитăсининг ешигидă бир коп адăм қăтар болиб нăвбăтда турган еди (Ҳур., 1917, 10); Кози ăчиқ болган рус вăтăндашлăримиз... ҳăр

www.ziyouz.com kutubxonasi

иердä азуқä камитети бäрпа қилурғä тиришдилäр (Кенгаш, 1917, 14).

айруплан // айроплан · آيروپلان ~ äйруплан ايروپلان ~ айраплан آيراپلان <рус. "аэроплан" - аэроплан, самолёт.

Чиқди биравлäр асман,
Машинäси айруплан,
Сизлäр трамвайдäн ҳäман,
Нечун тушалмäйсиз ҳäнуз
(Тавалло, ОБН);

Äндä қäнчä адäмлäр айраплан деган асмандä учуб йурадиган äрабäни сувнинг ичигä тушиб ғäрқ болғанлäрини вä башқä суратлäрни ... кордум (ТВГ, 1911, 62); Туркийä ҳукумäтининг тäклифини қäбул қилиб, айрупланлäри илä Тунис арқäли Тäрабнисга кетибдур (ТВГ, 1911, 96); Симсиз тилиграфғä охшäш ушбу вäқтдä.. файдäлик иш, йä"ни ҳäвадä учадурган айруплан намли äлаҳидä äсбаб бар (ТВГ, 1912, 86); Гирманийä айрупланлäри (ҳäва машинäлäри) рус äскäри тäрäфидин милтиқ билан атилмақдäдур (С.Фарғ., 1914, 47).

академийä آكاديميه ~ äкадимийä اكاديميه ~ акадимийа آكاديميه <рус. "академия" - академия. Петирбург шäҳридäги акадимийä деган мäдрäсäдä... (ТВГ, 1883, 15); Кийиф шäҳридä äкадимийä деган Русийäнинг... кäттä улуғ мäдрäсäсидä... (ТВГ, 1883, 15); Äкадимийä деган енг кäттä мäдрäсä... (ТВГ, 1889, 23).

акйан آكيان <рус. "океан" - океан. Äмерикä иқлими бирлäн Йаврупа иқлимининг арасидä Äтлантичиски акйан деган кäттä денгиз бардур (ТВГ, 1886, 2),

аксийа آكسيه <рус. "акция" (экон.) - акция. Ушбу аксийäлäр сатилиб, ҳäммä пайлäр теккандин сонг (ТВГ, 1898, 34).

аксийанер آكسيانير ~ äксийанер اكسيانير <рус. "акционер" - акционер, акциядор. Ушбу аксийäни алгäн адäмлäрни "аксийанер" деб аталадур (ТВГ, 1898, 34); Ҳäм" болган дäстмайä аксийанерлäргä тääллуқ болиб... (ТВГ, 1898, 34); Ушбу йерлäрни беш нäфäр äксийанер... äҳалидäн ижäрäгä алибдурлäр (С.Фарг., 1914, 19).

аксийäнерниң жамийäт آكسيانيرنى جمعيت <рус. "акционерное общество" - акционерлар (акциядорлар) жамияти. Бе ат йурадурган афтамабел äрабäлäрни йургузмақлиқғä аксийäнерниң жäмийäт ачар емишлäр (ТВГ, 1909, 28).

ақоп آقوپ <рус. "окоп" - окоп. Немис ақоплäриндä äшулä, хурсäндлик, музиқа ҳäм (ура) сäдалäри ешитилур екан (Турон, 1917, 1).

ақсуйäклäр آق سويكلر <рус. "дворяне" - дворянлар, оқсуяклар, зодагонлар. Улäмäлäр вä кäттä байлäр ва кäттä деҳқанлäр вä ақ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

суйäклäр (Тар., 1906, 3); Бä"зи гурухлäрнинг, чунанчи аксуйäк вä байлäрнинг бä"зи имтийаз вä хах, мäхсуслäри мäнсух вä мä"тäл болгäйлäр (Тар., 1906, 9).

актармä آقتارمه <рус. "обыск" - тинтув. Беш нäфäр бенгаллик адäмлäрнинг хавлилäридä актармä (тинтув) болиб, хäр хил китаблäр, кагäзлäр, милтиклäр мусадäрä килинибдур (С.Фарг., 1904, 13).

актор آقتور <у.-турк. ( <рус. "актёр") - актёр. Ташкäнд йашлäридин мурäккäб бу акторлäр хäйäти йäнги умидлäр ойандирмäккä башлäдилäр (С.Турк., 1914, 54).

акшам дäрсханäси آقشام درسخانه‌سی <рус. "вечерные курсы; вечерная школа" - кечки курс; кечки мактаб.

Äгäрдä акшам дäрсханäси Хокäнддä ачилиб, йäнä йаш муäллимлäр илтифат етмäсäлäр... тäнкид бäлки тäкбих етмäк сäзадур (Ойина, 1913, 10, 236).

алай آلای <озар-турк. ( <рус. "полк") - полк.

Биринчи пулäмут вä пийадä алайлäри икки фиркäгä айрилгандур (Хур., 1917, 20); Филландийä вä Мускувä алайлäри уруш мäйданигä äскäр фäвжлäри йубармакдäн бойин тартибдурлäр (Хур., 1917, 20).

алати хäрбийä آلات حربیه <рус. "военные снаряжения, вооружение" - - харбий курол-аслахалар.

Аврупалилäр... турли алати хäрбийä ижад етмäкдäдурлäр (Ойина, 1913, 29, 569).

алим عالم ~ алими зäманий عالم زمانی <рус. "ученый; специалист" - олим; мутахассис.

Алими зäманий болмак учун балäлäрни äввäл мусулманий хäт вä сäвадини чикариб, сонгрä хукумäтимизнинг низамий мäктäблäригä бермак керäкдур (Бехбудий, ПК).

алкишлäр آلقشلر <озар-турк. alkislar ( <рус. "аплодисменты")- олкишлар.

Шаир äфäндининг созлäри кат-кат алкишлäр илä капланур (Хур., 1917, 12); Муштäрäк мажлисининг бу иши алкишлäргä йарар бир батурликдур (Хур., 1917, 28).

алман آلمان <озар-турк. alman ( <рус. "немец") - немис.
Алманлäр... истехкамат вä истинадгахлäр бина етмакгä башлäб, йäнгидäн хужум килмишлäр (Турон, 1917, 4); Алман дäвлäти мä"лум килибдурким, алман сäфири вäтäнигä келиб йетмäгунчä Хитай сäфири Берлиндäн чикäалмäс (Хур., 1914, 4).

Алманийä хукумäти آلمانیه حکومتی <озар.-турк. ( <рус."германское правительство") - Германия хукумати.

Мухарибäнинг äввäллäриндä гäзитäлардä муталää килиндики, Алманийä хукумäти умум äхалигä йер алмäси (кäртушкä) йемаккä äмр килгäн еди (Хур., 1917, 21).

алпавут آلپاوت алпавут-байар آلپاوت بایار <тат. ( <рус. "помещик"- бой, помещчик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алпавут вä байлäрдäн мурäккäб олган кадит фирқäси (Тар., 1906, 9); Черкав, манастир ҳäм алпавут йерлäри... хäлқ қолигä отмаги керäк (Кенгаш, 1917, 11).

**алфавит** آلفاویت <рус. "алфавит" - алфавит, алифбо. Сäйловгä малик адäмлäрни алфавит тäртиби билан мусавидä қилур (Дума, 16).

**амал** آمال <рус. "идея; идеал" - идея; идеал. Федиратсийä идийäси (амали) жумҳурийäтгä мäҳкäм бир äсас болуб хизмäт етадур (Турон, 1917, 5); Ишчи вä салдат шоралäри идийä (гайä, амал) ҳиҳäтиндäн жудä йäхши муäссäсäлäр болсäлäр ҳäм, аларнинг Туркистандäгилäрин билуб болмäйдур (Кенгаш, 1917, 8).

**Америкä** آمیریقه ~ Америкä آمیریکه ~ Äмерикä امیریکه ~ Äмрика امریکا ~ Äмрика امریقا <рус. "Америка" - Америка.

Тäрäққий йолинä йурмиш Йаврупадин сен ибрäт ал,
Фунуни илми Йапуну Äмриқäдин сен ибрäт ал
(Авлоний, МШ, 1915, 19);

Äмерикä иқлимини тапган Колумб деган бир Йаврупа хäлқидин улäма адäмнинг не тäриқä умр корганининг хусусидä (ТВГ, 1892, 6); Шериклäримдäн бири атäсини параходдä Äмриқанинг Мäрака деган жäнубигä барадурганин хäбäр берди (Робинзон, 11).

**анбархана** آنبارخانه ~ амбархана آمبارخانه <рус. "склад" - омбор, склад.
Оттуз беш анбархана ичидäги нäрсäлäр бирлäн набуд болубдур (ТВГ, 1883, 42); Йäнä анбарханäлäр йоқлиги сäбäбли нечä йуз минг пуд мал-тавар йуклäри... набуд болäр емиш (Тар., 1906, 16); Лекин уруш äслäҳäлäрининг амбарханäлäригä от қойубдур (ТВГ, 1913, 54).

**антиқа** <у.-турк. antik ( <рус. "античный") - антиқа.
Сиддиқий Хäндäқлиқидäн Ҳислат ешангä тäқдим етилмиш бир антиқä гäзäлдур (СШ, 36).

**апера** آپیرا <рус. "опера" - опера.
Вақеäн: Йаврупа тийатру тäмашалäриндä турли ойунлäр, мäсäлäн (апера) вä (апериткä) кäби ойунлäрни коруб, фäҳшханä орни гуман қилурлäр (Оз., 1908, 1).

**апиратсийä** آپیراتسیه <рус. "операция" (мед.) - операция.
Гирманийäнинг "Иштäтин" шäҳридä сонг конлäрдä гäриб äмäлийäи жäррахийä (апиратсийä) йасалубдур (С.Фарг., 1914, 33); Апиратсийä йасалган адäм олум жäзасигä хукм қилинган бир мäҳбус екан (С.Фарг., 1914, 33).

**април** آپریل ~ äприл اپریل ~ африл آفریل <рус. "апрель" - апрель.
Ушбу хäт априлни äввäлиндä йазилди (Муқимий, АТ, П, 126); Ушбу келадурган африл ичиндаги боладурган сийазгä оз арä-

www.ziyouz.com kutubxonasi

миздӓн... муллӓ Нӓҳмиддинхоҗӓ қазини сӓдрнишинликгӓ... тӓ"йин вӓ муҳӓррӓр ӓйлӓдик (Қози рапортлари, 65); Мӓзкур фӓрмайиш бирлӓн думӓ сӓйлави 28-нчи ӓприлгӓ тӓ"йин болубдур (Тар., 1906, II).

аптик آپتیک ~ аптик деган дарухана آپتیک دیگان داروخانه <рус. "аптека" - дорихона, аптека.

Ифлас ҳӓвалӓрдӓн кундӓн-кунгӓ дӓрманлӓри кетӓбашлайдур, шундақ болсӓ ҳӓм фелдшир вӓ йаки духтургӓ вӓ йаки аптик деган дарухангӓ бармӓйдурлӓр (ТВГ, 1895, 15); Вӓ аптик вӓ доқтур вӓ ҳибзисиҳӓт тейишли ишлӓр (ТВГ, 1911, 73).

аристокраси آریستوقراسی <озар.- турк. aristokrasi ( < рус. "аристократия") - аристократия, асилзода.

Бунинг устигӓ ҳӓр мӓмлӓкӓтдӓ (аристокраси)нинг зидди болмӓқ узрӓ (дӓмукраси - ҳакимийӓти аммӓ ӓсасигӓ мустӓнид) фикрлӓр пӓйда болди (Турк эли, 1917, 3).

артизиан кудуги آرتیزیان قودوغی ~ артизианиски кудук آرتیزیانسکی قودوق ~ артизианиски нам кудук آرتیزیانسکی نام قودوق <рус. "артезианский колодец" - артезиан кудуғи.

Ошӓндақ кудуклӓрни артизианиски деб атӓйдурлӓр... Ошӓндақ кудуқлӓр копайиб йатибдур (ТВГ, 1886, 15); Мӓзкур сувни йернинг устигӓ чиқармақ хусусидӓ коп терӓн артизийаниски нам кудуклӓр кавлӓб... сувлӓрни чиқарибдурлӓр (ТВГ, 1895, 27); "Бирадӓран Гиринуф" ширкӓти тӓрӓфидин бир артизиан кудуги қазилмишдур (С.Турк., 1914, 22).

артилерийӓ آرتیلیریه ~ артилерийиски آرتیلیریسکی <рус. "артиллерия;артиллерийский" - артиллерия; артиллерияга оид.

Русийӓ ӓскӓрлӓри топ вӓ милтиқ атадурган йергӓ муттӓсил артилерийиски рӓвишчӓ, йӓ"ни топ ӓскӓрлӓригӓ қӓрӓгӓн кӓттӓ бағ мӓйдан сӓвда бирлӓн сатиладур (ТВГ, 1884, 10); Мӓасий дӓрйасини онг тӓрӓфидӓ бизнинг дӓлӓ артилерийӓси (топ атадурган ӓсбаб) Гирманийӓни уч жуфт йӓнги бӓтарийасини ҳӓлак қилди (С.Фарг., 1914, 74).

артист آرتیست ~ ӓртист ارتیست <рус. "артист"- артист.

Истудентлӓрдин башқӓ енг мӓшхур профисирлӓр вӓ ӓдиблӓр вӓ артист вӓ артисткӓлӓр вагзални ӓйлантуруб алибдурлӓр (ТВГ, 1910, 88); Артистлӓрнинг ҳӓмӓсини тӓбрик этуб... (С.Турк., 1914, 54); Тийатирханӓлӓрнинг ӓртистлӓри вӓ бизлӓр тӓам йеб болганимизчӓ ҳӓр хил ойунлӓр қилиб вӓ ӓшулӓлӓр ӓйтиб турдилӓр (ТВГ, 1916, 86).

асари ӓтиқӓ آثار عتیقه <рус. "памятники древности; памятники старины" - осори атиқа; қадимги ёдгорликлар.

Асари ӓтиқӓ, йӓ"ни ески зӓманлӓрдӓн вӓ ески зӓман адӓмлӓридин қалмиш биналӓр, йӓ"ни имарӓтлӓр, нишанташлӓр, ӓслӓқӓлӓр, ӓқчӓлӓр вӓ гӓйри ӓшйалӓр (МС, 1903, 95).

Асийа آسیا <озар.- турк. Азуа ~ Азийа آزیا ~ Ӓзийӓ ازیه ( <рус. "Азия") - Осиё.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Коп зӓмандур иаврупаилилӓргӓ болдик ашна,
Курми не болди бизим зулмӓтдӓ қалди Асииа
(Авлоний, МШ, П, 8);

Бул намӓ"лум иерлӓр Ӓзиiӓ иқлимиrӓ тӓӓлуқдур (ТВГ, 1892, 8); Қит"ӓлӓрнинг енг улуги Ӓзиiӓ қит"ӓсидур вӓ енг кичиги Афистралиiа қит"ӓсидур (МС, 1903, 81); Қуруқ иерлӓр беш улуг қит"ӓдур, буларнинг бири Азииа, бири Аврупа... қит"ӓсидур (МС, 1907, 89).

Асииаи Вӓсӓти آسیا وسطی <рус. "Средняя Азия" - Ўрта Осиё.
Асииаи Вӓсӓти қит"ӓсиндӓ атӓш ӓрабӓ йолини тӓшхис қилгучи камисиiӓлӓр болди (ТВГ, 1879, 23); Туркистан Асииаи Вӓсӓти ва иаинки Турани зӓминдӓн ибарӓт (Оиина, 1913, 1,2).

ат қуввӓти آت قوّتی ~ атнинг қуввӓти آتنینگ قوّتی ~ ат кучи آت کوچی <рус. "лошадиная сила" - от кучи.
Анинг қуввӓтидӓ 225 атнинг қуввӓти бардур (ТВГ, 1909,8); Вӓ ҳӓм нефт дивигатил машинӓси 6 ӓдӓддӓн та 40 ат қуввӓтлик машинӓ болиб, ӓрзан бӓҳа илан сатиладур (ТВГ, 1909, 8); Оттиз икки минг ат кучигӓ малик машинӓ (С.Турк., 1914, 16).

ат оиуни آت اویونی ~ ат оиунханӓси آت اویونخانه‌سی <рус. "цирк" - цирк.
Чунанчи, Петирбург шӓҳридӓ боладурган тсирк деган, иӓ"ни ат оиунханӓсиrӓ 23-нчи иӓнвӓрдӓ бир нечӓ ҳурмӓтлик депутатлӓрни, ҳурмӓтлик Ликушин (Ликошин) торӓ баш болиб алиб бардилӓр (ТВГ, 1895, 42); Чунанчи, домӓханӓ жаиини ат оиуни учун 500 сомгӓ қоиибдур (ТВГ, 1913, 55).

атӓш آتش <рус. "огонь" - ўт (ўт очиш, ўқ отиш).
Саҳил топлӓригӓ қарӓб, оз топлӓридӓн атӓш ачмақгӓ башлӓдилӓр (Хур., 1917, 19).

атӓш ӓраба[I] آتش عرابه <рус. "поезд" - поезд.
Бул вилаиӓтлӓргӓ атӓш ӓрабӓлӓр пӓида болиб, Туркистан (гулистан) болӓ башлӓди (ТВГ, 1900, 2); Атӓш ӓрабӓнинг кирӓси ҳам ӓрзан боладур (МС, 1903, 67); Атӓш ӓрабӓ бир саӓтдӓ 25 чӓқиримдӓн та 80 чӓқиримгӓчӓ иол иурадур вӓ ҳӓм ҳӓр бир вагони миқдари 600 пуд иук котарадур (МС, 1903, 72); Булгар атӓш ӓрабӓлӓри истӓнсӓ арқӓли оталмӓй қалибдур (ТВГ, 1913, 54); Петирбургдӓн атӓш ӓрабӓ илан тоrри иуриб Мӓскавгӓ келур (Жугрофия, 17).

атӓш ӓрабӓ[2] آتش عرابه <рус. "конка" - конка (от қўшиб юритилган трамвай).
Ат бирлӓн иурадурган атӓш ӓрабӓдӓ ҳӓм адӓм кӓм иурадур (ТВГ, 1897, 15).

атӓш ӓрабӓ иоли آتش عرابه یولی ~ атӓш ӓрабӓ иол آتش عرابه یول <рус. "железная дорога" - темир йўл.
"Мӓ"лум боладурки, Асииаи Вӓсӓти қит"ӓсиндӓ атӓш ӓрабӓ иолини тӓшхис қилгувчи камисиiӓлӓр болди (ТВГ, 1879, 23); Атӓш ӓрабӓ иолни кормақ учун бир жӓмӓӓ ӓнжирнаилӓр келган емишлӓр (Тар., 1906, 2).

www.ziyouz.com kutubxonasi

**атäш кемä** آتش کیمه <рус. "пароход; корабль" - пароход; кема.

Андин атäш кемä билан Баку шäҳригä келтуруб сäвда қилибдурлäр (ТВГ, 1874, 15); Ғäзäли шäҳрининг йäқинидä турган "Ташкäнд" деган атäш кемä Амудäрйагä ҳäр хил йуклäр алиб бармақ учун Арал денгизи бирлäн җонäб кетубдур (ТВГ, 1885, 43); Äмерикä иқлимидан ...бир атäш кемä келибдур (ТВГ, 1892, 12).

**атäшханä** آتشخانه <рус. "паровоз" - паровоз.

Ингилтäрäдä атäш äрабäнинг икки пäраваз-атäшханäси äсбаби илан огурланибдур (Ойина, 1914, 13, 207).

**атистафкäгä чиқмак** آتستافکگه چیقماق ~ атистафкä бермақ آتستافکه بیرماق ~ äстафкä бермақ استافکه بیرماق <рус. "выйти в отставку" - истеъфо бермоқ, истеъфога чиқмоқ.

Бинабäрин, баш министир вä гäйри министирлäр атиставкäгä чиқмак учун äрзä берадурлäр (Тар., 1906, 3); Мäзкур министирлäрнинг бир нечäлäри нарази болиб, атистафкäгä чиқмақ учун äрзä бермаққä кетишибдурлар (Тар., 1906, 11); Палкавник Сакалиский җäнаблäри... исте"фа-атистафкä берибдурлäр (Ойина, 1913, 3, 218); 1906-нчи йили 26-нчи йäнвäрдäн кейин атистафкäгä чиқганлäр (С.Фарг., 1914, 59).

**атишмä** آتیشمه ~ атишув آتیشو <рус. "перестрелка" - отишма, отишиш.

Шäҳäрдä атишмä вä урушмäлäр барадур (Хур., 1917, 48); Башқä тäрäфлäрдä атишувлäр болуб турубдур (Турон, 1917, 1).

**атпуска** آتپوسکا ~ отпуска اوتپوسکا <рус. "отпуск" - отпуска.

Атпускагä кетган афитсерлäргä 24 саäт ичидä äскäрдäги оз оринлäригä келиб йетмäкгä äмр тäрқатилибдур (ТВГ, 1913, 9); Туркистан гинирал губирнатури... икки йäрим ай муддäтлик отпуска, йä"ни хизмäтлäрдин рухсäти алий алиб, Ташкäнд шäҳридин җонабдурлäр (ТВГ, 1913, 42).

**Афистралийа** آفستراليا <рус. "Австралия" - Австралия.

Қуруқ йерлäр беш улуг қит"äдур, булäрнинг бири Азийа, бири Аврупа, бири Äмерика, бири Äфрика вä бири Афистралийа қит"äсидир (МС, 1907, 89).

**Африқä** آفریقا ~ Äфриқä افریقه ~ Äфриқа افریقا <рус. "Африка" - Африка.

Ул вäқтдä Португалийä хäлқи... хäтта Äфрикä иқлимининг җäнуб тäрäфигä йуриб йетган еканлäр (ТВГ, 1892, 6); Қуруқ йерлäр беш улуг қит"äдур, булäрнинг бири Азийа, бири Аврупа, бири Äмерикä, бири Äфрика вä бири Афистралийа қит"äсидир (МС, 1907, 89).

**афтамабел** آفتامابیل ~ афтамобел آفتوموبیل ~ äфтамобел آفتاموبیل ~ äфтäмабел-äрабä افتمابیل عرابه ~ äфтомобел افتوموبیل <рус. "автомобиль" - автомобиль.

Бинглäрчä трамва, афтамабел, ҳäр йердä иликтир илä қäндил (Ажзий, МИ, 25); Афтамобеллäрнинг енг тезлик илä йурадурганлäри йäнгидин иҗад қилинди (ТВГ, 1909, 7); Иликтиричиски трамвай 5

www.ziyouz.com kutubxonasi

минг вӑ афтамабел 5 минг болуб, ҳаммаси ҳаракатда екан (ТВГ, 1910, 86); Аскӑр учун хӑлқдӑн афтамабел кӑби ӑрабӑлӑр йигмақлик ҳӑқидӑ фӑрмани алий нӑшр етилди (Ойина, 1913, 42, 1008); Бу йердӑн вагон сӑйаҳӑти тӑмам олиб, афтамабел сӑйаҳӑти башлӑнди (С.Турк., 1914, 3); Йол афтамобеллари вӑ йолчи ӑрабӑлӑри келтурилибдур (Ойина, 1914, 31, 615).

афтаномийӑ آفتانومیه ~ ӑфтаномийӑ افتانومیه <рус. "автономия" - автономия, мухторият.

Кадетлӑр есӑ ҳукумӑтдӑн қорқганлӑридӑнму йаки бир башқӑ сӑбӑбдӑнму (учридителний собранийӑ)ни бунинг илӑ бӑробӑр (афтаномийӑни) низамнамӑлӑридӑн чиқардилӑр (Тар., 1906, 9); Тортинчи номерида йазилибдурким, "Хуррийат" деган созни хусусан "ӑфтаномийӑ" деган ибарӑтнинг мӑ"ниси хусусидӑ йазган ибарӑт вӑ истатийӑни йӑхши фӑҳмлӑмӑй, бӑ"зи мӑҳлислӑрдӑ ҳӑр хил хӑйал вӑ ӑндишӑлӑрни қилурлӑр (Тар., 1906, 11); Аввӑл башдӑ Йапонийӑнинг вӑ"дӑси Карийӑни афтаномийӑлик бир ӑйалӑт қилмақчи еди (ТВГ, 1909, 57); Албанийагӑ ӑфтаномийӑ, йӑ"ни озичӑ турмақликкӑ имкан йоқдир (ТВГ, 1911, 36); Шунинг учун ул Русийӑнинг Мангулийӑни ӑфтаномийӑсини тӑсдиқ етмақигӑ қӑттиқ пратест қилди (ТВГ, 1913, 4).

фтаномийӑлик ӑйалӑт آفتانومیه‌لیک ایالت <рус. "автономная область" - автоном область.

Аввӑл башдӑ Йапонийӑнинг вӑ"дӑси Карийӑни афтаномийӑлик ӑйалӑт қилмақчи еди (ТВГ, 1909, 57).

ахтариш آختارش <рус. "обыск" - тинтув.

Иҷраийӑ қомитӑси сӑдри тӑрӑфидӑн Миркамилнинг ҳавлисидӑ ахтариш ваҷе болгандур (Ҳур., 1917, 11); Еран Сӑрҳӑдигӑ йӑқин бир авулдӑ салдатлӑр абиск (ахтариш) бӑҳанӑси лӑ бутун хӑлқни кибиткӑ (чадир)лӑрдӑн чиқармишлӑр (Турон, 1917, 3).

ашханӑ آشخانه <рус. "столовая" - ошхона.

Ул тäбиб нäйрäнгбазнинг қарнини йариб, ул санчкуни алиб қарнини қайтадин тикиб ул нäйрäнгбазни тузатиб йубарибдур (ТВГ, 1886,43); Алäр истол устидä пичақ вä санчку исте"мал қилмас еканлäр (ТВГ, 1888,38); Қашиқ вä санчку җайига бизлäр қоллäримизни исте"мал қиламиз (ТВГ,1893,45).

сапер ساپیر ~ сапйур ساپیور ~ сäпер=сäлдат سپیرسلدات ~ саперний салдат ساپیرنی سالدات <рус. "сапер" - сапер.

Саперний салдатлäр учун хам тегишли авқатлäрини йеткузуб беруб турдилäр (ТВГ,1893,30); Йапун саперлäри балтä илäн ул симни кесган вäқтдä торт хиссäдин уч хиссä йапун äскäри набуд болди (ТВГ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

1904,37); Сӓпер сӓлдатлӓр учинчи баталйоннинг сӓлдатлӓригӓ қӓраб милтиқ атӓ башлӓйдурлӓр (ТВГ,1906,28); Бу вӓган пӓнжӓрӓсининг ичидӓ ҳӓбсдӓ турган мӓҳбуслӓрни (сапйур), йӓ"ни мастиравай ӓскӓрлӓр васитӓси илӓ азад қилинмақлиг ҳахишини дӓмбӓдӓм истеҳкам етиб, мунтӓзил болиб турувимиз бир ачиқ изҳар қилиб болмайдурган муддӓа ерди (Тар.,1906,9).

сатсийал=демакрат ساتسيال ديماكرات ~ сасийал=демакрат ساسيال ديماكرات <рус. "социал=демократ" - социал=демократ.

Мӓзкур йӓраг вӓ силаҳлик адӓмлӓр сасийал=демакратлӓр, йаки сасийал ревалуссийанер жӓмаалӓрдин болсӓлӓр керак (Тар.,1906, 11); Мӓскавдӓ Грузиниски кочӓдӓ сатсийал=демакратлӓр камитетининг коп кӓттӓ мӓхфий басмӓханӓси тапилдубдур (ТВГ,1907,50).

сатсийал=демуқират рӓбачи фирқӓ ساتسيال ديموقرات رباچى فرقه ~ сасийал=демакрат партийӓси ساسيال ديماكرات پارتيهسى ~ сасийал=демакратичиски партийӓ ديماكراتيچسكى پارتيه <рус. "социал=демократическая партия" - социал=демократик партия.

Ӓмма Туркистан вилайӓтидӓ мӓвжуд тортинчи партийӓ сатсийал=демакратичиски партийӓ жӓмийӓтнинг тӓлӓби вӓ мулаҳазӓси билкул башқӓ хилдӓдур (Тар., 1906,7); Икки хил сасийал партийӓсигӓ тӓқсим қилӓмиз, йӓ"ни сасийал=демакрат партийӓси ҳӓм сасийал ревалуссийунерлӓр партийаси деб... (Тар.,1906,14); Сатсийал=демуқират рӓбачи фирқӓ жӓм"ийӓтигӓ Туркистан камитетининг рӓиси Налифкин: мен Туркистан камитетигӓ рӓис болган жиҳӓтиндӓн ишим копайиб кетди... дебӓрзӓ бермишдур (Турон,1917,11).

сатсийал=ревалутсийанер ساتسيال ريوالوتسيانير ~ сасийал=ревалусийанер ساسيال ريولوسيانير <рус. "социалист=революционер" (эсер) - социалист =революционер (эсер).

Мӓзкур йӓраг вӓ силахлик адӓмлӓр сасийал=демакратлӓр йӓки сасийал=ревалусийанер жӓмаалӓрдин болсӓлӓр керӓк (Тар.,1906,11); Сатсийал=ревалутсийанерлӓр (Тар.,1906,13); Бизлӓр ешитдугимизгӓ бинаӓн сатсийал=ревалутсийанерлӓр тӓрӓфидӓн думӓ ӓ"залигигӓ сайланган Демидуф... исте"фа берар емиш (Турон,1917,11).

сатсийализм ساتسياليزم <рус. "социализм; социалистический" - социализм; социалистик.

Сатсийализм гӓзитӓлӓри... (Тар.,1906,9); Ӓгӓр сатсийализм вӓ бил хассӓ гойа сатсийал=демуқиратизм нуқтӓи нӓзӓриндӓн мӓсӓлӓга бақуб дейур едилӓрки, ишчилӓр қисмининг файдӓси ҳукумӓтнинг мӓркӓзлӓшувиндӓдур (Турон,1917,10).

сатсийалист ساتسياليست <рус. "социалист" - социалист.

Ӓлӓрни сатсийалист дерлӓр (Тар.,1906,9); Кочӓлӓрдӓ кезган адӓмлӓр сатсийалистлӓр дийуб тутуб, намуслӓрни токадурган адӓмлӓр нӓ зӓман дунйадӓн котарилажӓқдурлӓр (Тар.,1906,17).

сатсийалистичиски ساتسياليستيچيسكى <рус. "социалистический" - социалистик.

Йашасун ревалйутсонний вӓ ҳӓм сатсийалистичиски Русийӓ!(Эл бай., 1917,8).

сахиб صاحب ~ ساحب <рус. "автор" - автор, муаллиф.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сахиби мäкалä тоғри созни йазубдур (Тар.,1906,6).

сахибхунäр صاحب هنر ~ صاحب هنر < рус. "владеющий каким-либо ремеслом, мастерством, техникой" - соҳибҳунар.

Ки бир саäтдä ул сахибхунäрлäр,
Уч айлик йердин алғайлäр хäбäрлäр
(Фуркат,ТВГ,1890,19; ТА,П,9);
Йäнä мундин болäк сахибхунäрлäр
Тäрики илму фäндин бахäбäрлäр
(Фуркат,ТВГ,1890,35; ТА,П,13).

сäбäк سبق < рус. "урок" - дарс.

Жäнаби Налифкин торä сäртийä тилини сäбäк берибдурлäр (ТВГ,1887, 8).

сäбзäват سبزوات < рус. "овощи" - сабзавот.

Пийаз вä башкä хäр хил сäбзäват (зелин)лäрни бир сäбäти бир сом, икки сом болди (С.Фарг.,1914,12).

сäвда вäзарäти سودا وزارتی < рус. "министерство торговли" - савдо министрлиги.

Сäвда вäзарäтиндä испикулатсийäгä кäрши тäдбирлäр килмäк тоғрисидä кенгаш мäжлиси болди (Турон,1917,11).

сäвда пäраходи سودا پراخودی < рус. "торговый пароход" - савдо пароходи.

Америкä мäмлäкäтидä хазир болган Йапунийäнинг сäвда пäраходи бош болуб, йä"ни салмаккä хеч бир йук вä хеч адäм болмай Йапун мäмлäкäтигä бош кäйтибдур (ТВГ,1904,18).

сäвет سویت - к. савет.

сäддирах سدّراه <форс. ( <рус. "плотина") - тўғон.

Мäзкур дäрйанинг акишини бир йол бирлан йургузуб вä болäк жайлäргä ташмайдурган килиб сäддирахини тосубдурлäр (ТВГ,1899, 2).

сäдр صدر < форс. ( <рус. "председатель")- раис.

Азукä комитäсининг сäдригä хäм äхвалатни тäфсил илä созлäдим (Хур.,1917,10).

сäдри ä"зäм صدراعظم < форс. ( <рус. "премьер-министр")- бош вазир, бош министр.

Сäдри ä"зäм муахäдäгä... имза килибдур (Ойина,1913,6,147).

сäдрнишин صدرنشین < форс. ( <рус. "председатель, главный начальник, управляющий") - раис, бошлиқ, бош бошқарувчи.

Дизäх шäхрининг сäдрнишини Муллабай Аманбай оғли тäнаб вä хираж пули йиғиштирган вäктдä беxудä вä йäман иш килгани учун орнидин мä"зул болуб ерди (ТВГ,1873,23); Замин думäсининг сäдрнишини (ТВГ,1875,9); Нижний Городскайä Йармаркäнинг камитетини сäдрнишини Маразуф... (ТВГ,1892,31).

сäйахäт سیاحت < рус. "путешествие" - саёҳат.

Бу йердäн вагон сäйахäти тäмам олуб, афтамабил сäйахäти башлäнди (С.Турк.,1914,3).

сäййар дäстäси سیار دسته سی < рус. "выездная труппа" - сайёр труппа.

Бу жäм"ийäт (тäлäбäлäргä йардäм жäм"ийäти")нинг файдäсигä тийатир хäвäскарлäридан мурäккäб бир "сäййар дäстäси" тäшкил етуб...

шäҳäрлäрдä... ақчä тапмақлик арзуси ҳäм бар (Ойина,1914,42,995); Иттифақ илä ҳäрäкäт еттан тäқдирдä... сäййар дäстäси тäшкил етмақлик кäби ишлäр қийин емас (Ойина,1913,42,995).

сäйлав سیلاو ~ сайлав سایلاو < рус. "выборы" - сайлов.

Қäчан ким, болди ҳаким äмри бирлäн ибтида сäйлав.
Äмäлдар äҳли башиғä болиб келди бäла сäйлав.
Терäклäр бäргидек титрäб, жäми"н қази=мингбаши
Дегäйлäрким: "йузини тескäри қил, ей худа, сайлав".
Сачиб қäрзи=қäвалä, пул котäриб, истäйуб мäнсäб,
Болалмäй коп кишини синдируб, қилди гäда сайлав
(Муқимий,АТ,П,II);

Ташкäнд шäҳрини думäханäсиғä глäснай сäйлави (ТВГ,1881,21); Мäзкур сайланиб чиқарулмиш вäкил адäмлäр йäнä оз ортäлäридин сайлав билан сайланмишлäрни сайлайдурлäр (Тар.,1906,2); Йäнäдäн ески ишбашилäр келиб бу сайлавимизни ҳäм пудратини алдилäр(Турон, 1917,17).

сäйлав йурти سیلاو یورتی ~ сäйлав участкäси سیلاواوچاستکه سی ~ сäйлав йери سایلاو یری < рус. "избирательный участок" - сайлов участкаси.

Кеч саäт 9 дä сäйлав йуртининг ешиги йапилур (Дума,1917,22);Озимизнинг файдäмизни, шäҳримизнинг абадлигини, арзуйимизнинг йäхши йолғä киришини истäгäн мусулманлäр сентабир айининг йеттисиндäн сäйлав йеригä келинглäр! (Хур.,1917,29); Бечарä зäҳмäткäшлäр вä äлäрнинг тäрäфдарлäридин бир нечä кишилäр сäйлав участкäлäридä шорачилäр (шораи исламчилäр) тäрäфидин урулдилäр, сокулдилäр (Хур.,1917,39).

сäйлав картучкаси سیلاوکارتوچکاسی < рус. (еск.) "избирательная карточка" (избирательный бюллетень) - сайлов бюллетени.

Ҳäр бир сäйлавчи... сäйлав картучкäси, йä"ни шäҳадäтнамä алäдур (Дума,8).

сäйлав округи سیلاواوکروگی < рус. "избирательный округ" - сайлов округи.

Бир бутун сäйлав округи тäшкил қилар (Дума,1917,4).

сäйлав участкаси سیلاواوچاستکه سی - қ. сäйлав йурти.

сäйлавчи سیلاوچی ~ сайлавчи سایلاوچی ~ сäйлағучи سیلاگوچی ~ сайлағучи سایلاغوچی < рус. "избиратель" - сайловчи.

Сайлавчилäрғä йубарган дä"вäтнамäлäр (Хурш.,1906,1); Сäйлавдä бäрабäр аваз бермақлиги бäрчä сайлағучилäр бир аваз бирлан бäрабäр сайлäсä керак (Тар.,1906,2); Сайланган адäмлäр оз аралäридин учинчи сайлавчилäрни сайлайдурлäр (Тар.,1906,5); Думағä сäйлавчилäрнинг испискäсини қäйси кундäн башлäб сäнамағини е"тибарғä алмақ... (ТВГ, 1912,26); Йäнги имарäт болган дäрсханäдä äсл нусхäдä сäйлағучилäр äмрлäри билäн äлäрнинг тäрäфлäридäн он нäфäр халислäри қол қойғандурлäр (Тирик сӯз, 1917,1); Ғиражданлäр! Сäмäрқäнд шäҳäр думасининг сайлави учун тä"йин болган камитет йақин фурсäтдä сäйлавчилäрни ройхäт қилмаққä башлäр (Хур.,1917, 25).

сӓйуз سیوز - қ. сайуз.

сӓламханӓ سلام خانه < рус. "приемный зал" - қабулхона.

Ул торӓлӓр устлӓридӓги палта, йӓ"ни чӓкмӓнлӓрини вӓ кӓфшлӓрини ва ул елчилӓрни башлӓб йурғучи икки ҳурмӓтлик худӓйчи сӓламханӓнинг дӓҳлизиғӓ кириб... (ТВГ,1906,14).

сӓлдат سلدات ~ صلدات - қ. саллат.

сӓлдатханӓ سلداتخانه ~ سلدات خانه ~ صلدات ~ салдатханӓ صالداتخانه < рус. "казарма" - казарма.

Йӓнгидин бина қилиниб турған салдатханӓ (ТВГ,1870,1); Ташкӓнд шӓҳридӓ... сӓлдатханӓдӓ бир нечӓ хил йифӓк қурти пӓрвӓриш қилиниб турубдур (ТВГ,1874,9).

сӓллат سلات ~ صلات ~ саллат سالات ~ صالات ~ сӓлдат سلدات ~ صلدات ~ салдат سالدات ~ صالدات < рус. "солдат" - солдат, аскар.

Йигиб йаш балӓлӓрни бӓ"ди ӓвқат,
Йӓғач милтиқ бериб ӓйлӓрди сӓллат
(Фурқат,ТВГ,1891,45; ТА,II,35);

Бӓ"зини ухлагандӓ кести кечӓ тӓмағин,
Қачти шӓбанӓ, қувди сӓллат етиб сурағин
(Нодим,ДН,228);

Низам растлӓб тӓмами турди ул дӓм,
Он икки мингчӓ сӓллат топчиғӓ зӓм
(Жангнома,14);

Ташкӓнд шӓҳридӓги коп сӓлдатлӓр учун мӓвзе" тӓййарланган ерди (ТВГ, 1872,10); Ач салдатлӓр... ул хатунни тутиб... ерини азад қилибдурлӓр (ТВГ,1892,28); Колумб оз сӓлдатлӓри бирлан... Португалийӓ мӓмлӓкӓтиға чиқибдур (Колумб,4); Саллатлӓрни чӓқариб алиб Аксенавғӓ айтди (ТВГ,1902,8); Он йетти ӓскӓрийӓ сӓлдатлӓр йӓрӓдар болубдур (ТВГ,1902,48); Бир салдӓт хизмӓтини тӓмам қилиб оз йуртиғӓ барайатиб ерди (МС,1903,44); Ал ҳал ҳӓр бир салдат фӓқӓт беш йил хизмӓт қиладур (МС,1903,86); Икки ӓфитсер вӓ еллик торт сӓлдат йӓрӓдар болди (ТВГ,1904,5); Коп вӓқтлӓр отди, ӓмма сӓлдат вӓ"дӓсидӓ туруб тухумнинг пулини йубармӓди (МС,1907,52).

сӓмӓвар[I] سموار ~ самавар ساماوار ~ صاماوار ~ сӓмавар سماوار < рус. "самовар" - самовар.

Болур тоғридӓ бир докан нӓмудар,
Улуғ бир ҳӓвздур йани сӓмавар
(Фурқат,ТА,II,110);

Сӓмӓвар қойсун, деб алиб кетиб,
Ешик, тешику дӓрчӓни беркитиб...
(Муқимий,АТ,II,21);

Тӓк"йӓлӓб, ҷӓрлӓр, сӓмавару ақӓр сув хуш ҳӓва,
Мунчӓ ҳам сераб екан абад алдинг, ахуним
(Муқимий,АТ,II,55);

Ул зӓифӓ вай йурӓк бӓғрим куйуб барадур деб хизмӓткарлӓрдин алдиғӓ чӓқириб, тез сӓмӓвар қойинглӓр вӓ мангӓ чай тӓййарлӓб беринглӓр дебдур (ТВГ, 1874,19); Сӓмӓварлӓр ҷошиш қилиб турубдур

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ТЬГ,1879,17); Ушбу вақтлардә ҳәмәгә сәмәвар рәсм болган (ТВГ, 1883,22); Сувнинг буги нимә еканини қайнаган қазан вә йа сәмәварга қарасангиз биласиз (ТЬГ,1889,44); Бир аздан кейин ешиккә чиқди, самавар қойдирилди (ТЬГ,1902,8).

сәмәвар[2] سماوار ~ сәмавар سماوار < рус. "чайхана, чайная" - самовар,чойхона.

Бариб қәрасам, торт-беш сәмәвар, мәзкур сәмәварларнинг сәҳнидә кийгизлар салинган (ТВГ,1908,52); Кишиләрни сәмаварда қәрәшганигә диққатмән (Сабзазор,38).

сәмәварчи سماورچی < рус. "чайханщик, содержатель чайханы; служитель в чайхане" - самовар (чойхона) эгаси; самовар (чойхона)да хизмат қилувчи.

Мәзкур деванәнинг зийафәти учун сәмәварчидин чай келтурмакгә баргандә мәзкур деванә нәмәтни астидин йигирмә торт сом пулини алмишдур (ТВГ,1876, 3); Абдилмәлик Ҳакимбай сәмәварчи огли йаши он бешдә... алти йил оқиган... (ТВГ,1892,23); Бир сәмәварчи доканигә коңуб... (ТЬГ, 1897,16); Сәмәварчи! Биртә чилим кетуринг! (Муин,Кўкнори,3).

сәмәварчилик سماورچیلیک < рус. "профессия или занятие чайханщика или служитель в чайхане" - самоварчилик (касби) билан шуғулланишлик; самовар (чойхона)да хизмат қилишлик.

Ҳәр қайси сәмәварчилик доканлардә ҳәр кечәси бир йуз, икки йуз адәм... сәҳаргәчә олтуруб, ҳәр хил вә ҳәр тәриқәдәги әнваи ойун вә тәмаша вә нәгаматләрни бәрпа әйләб, базгәшт қиләр едиләр(ТВГ, 1899,5).

сәнаат صناعت < рус. "ремесло; промышленное предприятие; промышленность" - касб-ҳунар; корхона; саноат.

Толди аләм нур илә йәнги сәнаатләр чиқиб
(Авлоний,МШ,П,21);

Бунләрнинг темур йоллари вә параходләри, завуд вә фабрикләри вә ҳәр турлик кари кәсб вә сәнаатләри бениҳайә копдур (МС,1903,84); Бу шаҳәрләрдә тижарәт вә сәнаат (ҳунәр) башқә Австрийә шәҳәрләридә болгандек әввәл дәрәжә тәрәққий қилган болсә ҳәм, ҳәр ҳалдә кәттә тижарәт мәркәзләриндән бири еди (С.Фарг.,1914,117).

сәнаатханә صناعتخانه < рус. "завод, фабрика, предприятие" - завод, фабрика, корхона.

Сәнаатханәләримизни ислаҳ етгучи... ләрни йетишдирмақ керак(Сийна,1913,7,155).

сәнайе" صنایع < форс. ( <рус. "промышленное предприятие; промышленность") - саноат корхонаси; саноат.

Аврупа... улум, фунун вә сәнайе" артурмақ йолидә тәрәққий қилмақдә еди (Сийна,1913,14,324).

сәнайи нәфисә صنایع نفیسه < у.=турк. sanajii nefise ( <рус. "изящные искусства; театральное искусство") - нафис санъат; театр санъати.

Сәнайи нәфисәни тақдир етуб, бәлки Масқувада рәсм музәханәси бол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган (Третйакуф галлирийа)син икки йуз беш минг киши кириб қараган (С.Турк.,1914,19).

сана سنه < рус. "год; дата; столетие" - йил; сана; аср.

Русийа давлатида миқдар икки йуз сана ҳукумат сордилар (МС,1903, 101); Чунанчи, аввал 1595=нчи санадин буйан қул болуб памишчик деган Русийанинг катта деҳқан байлариға хизмат қилиб келайаттан (МС,1903,111); 1908=нчи санада... маблаг 57 милйон сом пул зарур екан (ТВГ,1908,11).

санад سند < форс. ( <рус. "денежный документ, вексель, акция") - пул ҳужжати, вексель; акция.

Санад берилган адамлардан бири қолларидаги санадни йоқатсалар, тезлик бирла ширкат идарасиға ма"лум қилмаклари лазимдур (Турон, 1917,4).

санамхана صنم خانه < рус. "языческий храм, капище" - бутхона.

Севас тарафида... катта бир "санамхана тапилуб... Истанбул аҗайиб атиқаханасиға нақл алинубдур (Ойина,1914,38,9001).

сан"ат صنعت < рус. "ремесло, промысел; промышленность" - касб=ҳунар; саноат.

Коруб сан"ат бу йанглиғ ҳайрат айин,
Қолин тишлаб ҳалайиқ қилди таҳсин.
Аҗаб сан"атки бу дунйада камдур,
Вуҗуди келса ҳам ижада камдур
(Фурқат,ТВГ,1890,59; ТА,П,18).

сан"аткар صنعتکار < рус. "ремесленник, кустарь" - ҳунарманд, косиб.

Миллатға йана етмак учун, ислаҳ мактаб ва мадарис учун, деҳқан ва сан"аткарларға ривағ бермак учун (жам"ийати хайрийа)... фондлар, җаридалар, мажаллалар, нашрийатлар кеpакдур (Сам.,1913,31).

сан"ат мактаби صنعت مکتبی < рус. "ремесленное училище" - касб=ҳунар мактаби.

Ушбу имаратда сан"ат мактаби ачилур (Ҳур.,1917,32).

сандал صندل ~ سندل < рус. "стул, скамейка" - стул; скамейка.

Қойуб ул саҳн ара сандал ададсиз,
Ададлиғ болса ҳам бар ерди ҳадсиз
(Фурқат,ТВГ,1890,26; ТА,П, 22);
Сандали тартиб ила барпа қилиб,
Йа"ни а"ла авсату анда қилиб
(Фурқат,ТВГ,1890, 28;ТА,П,27);

санҗақ سنجاق < у.=турк. sancak ( <рус. "уезд; область") - уезд; область.

Самарқанд санҗақининг таҳсири башлиғи (Ойина,1913,9); Самарқанд уйазд (санҗақ)ининг Паҳлаванариқ наҳийасининг валастнайи...183 сом ақча ҳадйа қилибдурлар (Ойина,1913,31,609).

сантур صنتور ~ سنتور < рус. "рояль, пианино" - роял, пианино.

Бир заифа сантурға мутасадди болуб... (ТВГ,1894,2); Бир бакира қиз чиқиб, ошал катта сантурни чинан машқ қилдиким, анинг маҳирлиги хатирдин фарамуш болмасликиға далалатлар қилди (ТВГ,1894,2).

www.ziyouz.com kutubxonasi

сӓрбаз سرباز <рус. "солдат" - солдат.
Бир рот сӓрбаз (ТВГ,1885,12); Сӓрбазлӓр вӓ атлиг қӓзақлӓр(Тар. 1906,4); Сӓрбазлӓр вӓ атлиг қӓзақлӓр вӓ башқӓ ӓлӓргӓ охшаган қорукчилӓр (Тар.,1906,4); Ул қӓравулханӓдӓ хӓмӓ ӓқнаслӓрни вӓ хӓм сӓрбазлӓрнинг беш ӓдӓд берданкӓ милтиқларин алиб кетибдурлӓр (Тар.,1906,4).

сӓрбазханӓ سربازخانه < рус. "казарма" - казарма.
Сӓрбазханӓ, уруш кемӓси, ордугахдӓ... мӓстлик қилсӓлӓр... җӓза қилинадурлӓр (Ойина,1913,10,283).

сӓрвӓт егӓлӓри ثروت ایگه‌لری < рус. "владелец богатством, денежным капиталом, капиталист" - бойлик, капитал эгаси, капиталист.
Байлӓр, сӓрвӓт егӓлӓри (капитӓлистлӓр) ишчи вӓ мӓрдикарлӓрнинг хизмӓтини сатуб олуб, анинг бӓрабӓригӓ хизмӓт хӓқи берувчилӓр вӓ ишчилӓр хӓм оз куч вӓ хизмӓтлӓрин сотучилӓрдир (Кенгаш, 1917, 5).

сӓрдар سردار < рус. "командир" - сардор, командир; йўл бошловчи.
Алӓрни тогри йолгӓ салмак учун чарчамайтурган қӓмандир (сӓрдар) дӓркар боладур (С.Фарг.,1914,94).

сӓрдари лӓшкӓр سردار لشکر ~ сӓрдари кирам سردار کرام < рус. "главнокомандующий; полководец; командир" - бош қўмондон; саркарда; командир.

Емиш Русийӓгӓ сӓрдари лӓшкӓр,
Йуруб ӓмри билӓ бисйар ӓскӓр
(Фурқат,ТВГ,1891,44; ТА,II,34);

Ӓскӓр мудирлӓри, йӓ"ни сӓрдари кирам хӓзрӓтлӓри (С.Фарг., 1914, 67).

сӓрҗин سرجین ~ сарҗин سارجین ~ саржин سارژین ~ сажин ساجین ~ сажин سا ژین <рус. (эск.) "сажень" - саржин.
5734 сажин отун вӓ йа тартиб алинсӓ 258 минг 30 пуд отун лазимдур (ТВГ,1873,24); Мӓгриф тӓрӓфидӓ 33 сарҗин йер ушбу мӓзкур йерлӓрнинг ичидӓ уйлӓри бар (ТВГ, 1878,20); Биринчи қит"ӓнинг зираӓт вӓ безираӓт йери 95 десӓтинӓ, 1800 сӓрҗин бӓха қилинган (ТВГ, 1886,25); Уйлӓрнинг араси бирдӓк беш сӓрҗиндин қойулуб... сим тартилган (ТВГ,1892,1); Мӓзкур уйнинг (коп қӓвӓтли уйнинг) қӓтбӓ=қӓтлиги 19 ӓдӓддур вӓ ӓнинг бӓлӓндлиги миқдар тоқсан сӓрҗин вӓ шул уйнинг астидаги йернинг миқдари бир минг сӓрҗин мурӓббӓ"дур (Колумб, 82); уч сӓрҗин отун (ТВГ, 1894,32); Имарӓтнинг тегидин бир сӓрҗингӓ йӓқин чуқур болсӓ (ТВГ,1902,16); Волгӓнинг узунлиги уч йӓрим минг чӓқирим ва ени енг кӓмбӓр җайидӓ бир йуз сӓрҗин вӓ енг васе" җайидӓ 400 сӓрҗиндур (МС, 1903,90); Имарӓтнинг бӓлӓндлигин 54 сӓрҗин деб бӓйан қилдилӓр... Стуннинг узунлиги сӓккиз сӓрҗин, йӓ"ни 24 гӓз... (ТВГ,1911,10); Ӓрфӓлӓр...он беш сажинликдӓ осуб, баш тартиб турӓр ерди (Робинзон,20).

сӓркатиб سرکاتب < рус. "секретарь, главный секретарь" - секретарь, саркотиб.
Биринчи мӓс"ӓлӓ идарӓгӓ раис хӓм сӓркатиб сайламӓқ хусусидӓ бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

луб, бир агиздан раисликкä С. Муфтизадä жäнаблäри, сäркатибликкä есä муллäгази äфäнди Йунусмухäммäд оғли сайланди (Турон,1917,7); Ахмäд äфäндини сäркатиб муавинлигиндä хäмда шораи исламнинг тавушли ä"залигиғä умумий мäжлис бир агиздäн қäбул етди (Наж., 1917,8).

сäрмайä سرمایه < рус. "капитал, денежные средства" - капитал, пул маблаги.

Ширкäтга 500 сомдäн кäм емäс сäрмайä илä оз ä"залäри илä бир хуқуқгä малик вä башқä шериклäр алмақгä хäққи бардур (Турон, 1917, 4); Таййарäчилик қулубининг призиденти "Антарä" оз сäрмайäлäрдин таййарäчиликгä мäхсус мäктäб тä"сис қилибдур (С.Фарг.,1914, 21).

сäрхäд سرحد < рус. "граница" - чегара.

Андин йанäдä почтä äрабäсиғä тушиб... Кафказ сäрхäдиғä баргунчä бир йол илан барибдурлäр (Наливкин,ТК,I).

сäтхи äрз سطح ارض < рус. "поверхность земли" - ер юзи.

Бинабарин, сäтхи äрздä äввäлдäн бери болуб келган гäхавулат тäрихининг копраги хäванинг тä"сири илä хусулгä келмишдир (С. Турк., 1914,23).

сäфäрäтханä سفارتخانه < рус. "посольство" - элчихона.

Туркийä сäфäрäтханäсининг имами... дуа оқуб... мäжлиси тäмам болди (Сйина, 1913,15,254).

сäфинä سفینه < рус. "судно, корабль, пароход" - кема, пароход.

Кäттä бир алман сäфинäси... муз пäрчäлäри äрäсиндä бäндгä қалибдур (Сйина,1915,7,170).

сäфир سفیر < рус. "посол" - элчи.

Франсä сäфири... тäмаку тäлқанидäн... пешкäш қилди (Ойина,1913, I,20); Алман дäвлäти мä"лум қилибдурким, алман сäфири (Фунгинсä) вäтäниғä келиб йетмäгунчä Хитай сäфири Берлиндäн чиқä алмäс (Хур.,1917,4); Барчä келганлäр башлäридä рус сäфири (Миллер) болган халäтдä Бухаранинг хäмä кочäлäрини айлäниб, Регистанғä, тогри қушбеги сäрайиғä бардилäр (Хур.,1917,5).

сäхнä صحنه < рус. "сцена" - сахна.

Тийатру=äдäбийат кечäлäрида сäхнäдä қуйидä йазилмиш миллий ше"рлäрдäн бир бäйт бирлä йауи икки киши тäрафидан оқулуб, сонгидан коп кишилäр тäрäфидäн хор сазлäр илä жор қилиб иккинчи бäйт оқилур (Авлоний,МШ,Ш,15).

сберигателний кассä سبیریگاتیلنی کاسسا ~ сбергателний кäссä سبیرگاتیلنی کاسسه ~ сберигателнайä кассä سبیریگاتیلنایه کاسسا < рус. "сберегательная касса" - омонат касса.

Ташкäнд шäхридäги падшахлик банкäдаги сберигателний кассä, йä"ни пул сақланадурган жай (ТВГ,1884,31);Уйездлäрдäги хäзинäхäнäлäрдä сберигателний кассä деган пул сақлайдурган хäзинä ачилур емиш (ТВГ, 1889,3); Мäзкур ширкäтлик қäрзгä сбергателний кäссä намлиқ äлахидä кичик банкä ачиб... (ТВГ,1908,84); Сберигателнайä кассä намлик чäкäнä акчä қäрз бериладурган жай ачилди (ТВГ, 1911, 61).

www.ziyouz.com kutubxonasi

сбиргателнай дафтарча سبرگاتیلنای دفترچه < рус. "сберегательная книжка" - омонат касса дафтарчаси.

Мäзкур сäндуқни ачиб қäрасäлäр бир äдäд беш сомлик кагäз бирлан он бир äдäд сбиргателнай дäфтäрчä бар екан (ТВГ,1913,57).

сезон سیزون < рус. "сезон" - мавсум, фасл.

Петигорискидä дäваланмак сезони (фäсли) ачилди (С.Фарг., 1914, 12); Сезон ахириндä расчот вä атчот сорашуб... ақчä алмақдä (С. Фарг.,1914,22); Ушбу йилдä сезон (мäвсум) ҳäр йилдäгидäн илгäрирақ келди (С.Фарг.,1914,53).

сейäлкä سیلکه ~ сейäлкä деган машинä سیلکه دیگان ماشینه < рус. "сеялка"- сеялка.

Чигитни рäдлäб сефадурган сейäлкä деган машинäни тишлиги бардур (Деҳқон,1915,3,5).

секратар سکراتار ~ секратäр سکراتر ~ секритар سیکریتار ~ سکرتار < рус. "секретарь, котиб.

Мäнä бу жäнаб секритар äфäнди билäдилäр (Ҳамза,МА, 10); Секритар Поколуфни уйазднай судйä қиламäн (ТВГ, 1870,1); Äбдусäттар Äбдулгäффäр оглигä губерниски секритар чин (мäнсäб) мäрҳäмäт қилибдурлäр (ТВГ,1892, 29); Андин сонгрä, ошäл архийологичиски жäмаäнинг секритари муддäт бир йил ичиндä болган мäжлис вä äнинг ичидä бäйан қилинган вақеатлäрни оқуди (ТВГ, 1898,49); Мäзкур жäмаäнинг секратари Барис Петравич торäдäн сорäсäлäр боладур (ТВГ,1902,33); Ҳазирдäн тäжрибä (фрактика) учун Ташкäнд судебний палатасигä катиб (секратар) вäзифäсини äда қилиб турадурган болди (С.Фарг.,1915,121).

секратäрлик سکراترلیک ~ секритарлик سیکریتارلیک < рус. "должность, положение секретаря; секретарские обязанности" - секретарлик.

Ошäл тäриқäдä бир чиланни секратäрликкä беш йиллик қилиб сайлар еканлäр (Тар., 1906,16); Хоқäнд бержäсининг секритарлигинä киришган екан (С.Турк.,1914,3); Секритарлиқтä Мусабекуф äфäнди сайлäнди (С.Турк.,1914,21).

сексийä سیکسیه < рус. "секция" - секция.

Иккинчи кун праграммадäги мäсäлäлäргä айрим сексийä (шу"бä)лäр йасалди (Кенгаш,1917,10).

семинарийä سیمینار ~ семинарийä нам мäдрäсä سیمیناریه نام مدرسه ~ семинарийä деган мäдрäсä سیمیناریه دیگان مدرسه ~ семинарийä мäдрäсäси سیمیناریه مدرسه سی ~ семинарийä=мäдрäсä سیمیناریه مدرسه ~ семинарийä, йä"ни дарилмуäллимин سیمیناریه یعنی دارالمعلمین < рус. (эск.) "семинария" - семинария (ўрта махсус мактаб).

Семинарийä нам мäдрäсä (ТВГ, 1879,17); Сäвдагäрлäр семинарийä мäдрäсäсини кундузи бир саäтгäчä корсä боладур (ТВГ,1892, 32); Мäзкур семинарийäдä оқуб тäмам қилалмäдим, чунки кäсäл болуб семинарийäдин чиқиб қалдим (ТВГ,1893,26); Семинарийä деган мäдрäсäдä оқийдурган талиблäр учун (Наливкин, ТК,1); Тääжжуб емäсдурким, семинарийä=мäдрäсäдä бäйан болган дäрслäр ул жäнабгä кöпрақ мäгруб болубдур (ТВГ,1898,37); Гимназийä ва семинарийä=

www.ziyouz.com kutubxonasi

мäдрäсäлäрнинг дириктурлäри вä муäллимлäри ҳазир болуб... (ТВГ, 1902,9); Семинарийä=мäдрäсäнинг дириктури мäзкур мударрислäрнинг имтиҳан мäжлисигä тäклиф äйлäб, ҳäр қäйулäрини усталгä олтурғузубдурлäр (ТВГ, 1904,22); Бир нечä кишилäр мäзкур семинарийäни тäмам қилиб, йäхши мäртäбä тапиб йурганлäрини кордум (ТВГ, 1911, 61); Кäмалиддин äфäнди... Ташкäнд дарилмуäллимини (семинарийä)-сини тäмам етиб... едилäр (Сйина,1913,9,218); Русчä муäллимигä семинарийä, йä"ни дарилмуäллимим тäмам етган кишидäн алинсун (Сйина,1913,15,259); Семинарийä (дарилмуäллимин) (С.Турк.,1914, 16).

семнарист سیمنارییست < рус. (эск.) "семинарист" - семинарист.

Äндин кейин кäттä семнарист қилган äскäрийä мäшқни кордум (ТВГ, 1909,14).

сенат سینات ~ сенат деган кäттä мäҳкäмä سینات دیگن کتّه محکمه ~ сенати алий мäҳкäмäси سیناتِ عالی محکمه ~ сенат, йä"ни мäжлиси ä"йан سینات یعنی مجلس اعیان < рус. "сенат" - сенат (чор Россиясида энг олий маъмурий суд органи).

Русийä мäмлäкäтининг сенат деган кäттä мäҳкäмäсигä берилган фäрмäйиш (ТВГ,1892,11); Генва (Женева) шäҳридäги кäттä мäҳкäмä сенат äнинг бул тäрикä қилган хäйäлигä тääжжуб қилиб...дур(Колумб, 9); Бул зäм қилиниш мäҳкäмäни сенат деб атайдурлäр (Тар., 1906, 13); Гунаҳкар депутатлäрининг ишлäри Петирбург шäҳридäги сенати алий мäҳкäмäсидä корилабашлайдур (ТВГ,1907,90); Сенат қäраридäн бехäбäр адäмлäрнинг мусулманлäрни баш ачмақгä тäлäб вä тäклиф етканлäригä мусулманлäрни полислäр мудафää етсунлäр (Ойина,1914, 3,65); Сенат (мäжлиси ä"йан) тä"сис қилур (С.Турк.,1914,10); Ушбу мäжлисдä қäраладурган мäс"äлäлäрдäн бириси сенат (падшаликдä енг кäттä мäҳкäмä) мäҳкäмäсини ачмақлик хäқиндä болган лайиҳä екан (С.Фарг.,1914,15); Ҳукмгä... риза болмаған ҳалдä äрзäнамä сенатгä берилур (Дума,5).

сенатур سیناتور < рус. "сенатор" - сенат (сенат аъзоси).

Сенатур граф Пален жäнаблäри ҳазир болди (ТВГ,1909,38).

сензур سینزور < рус. "цензор" - цензор.

Иншаалла, сензурдин келсä беш қит"ä йер қуруқлик хäритäси вä Русийä мäмлäкäтининг хäритäси палушар куррä ва башқäлäрини илавä қилиб нäшр етмақгä нийäтимиз бардур (ТВГ,1905,13); Ул салдат немис сензурининг қäттиқлигидäн қутулмäқ илä шул созлäрни йазадур (С.Турк.,1914,52); Қитайдä - ҳукумäт тилиғирафгä сензур тä"йин етди, душмäн тäбаäсининг йазувлäри текширилуб турадур (Турон, 1907,2).

сентабир سینتابر ~ сентäбир سینته بر < рус. "сентябрь" - сентябрь.

Минг сäккиз йузу тоқсан еди йил,
Иккинчи сентабир айи йäнä бил
(Фуркат,ТВГ,1890,35; ТА,П,11);

Отган йил сентабирдä, йä"ни жумадилäввäл айиндä... (ТВГ, 1870, 1); Ушбу сентабир, йä"ни мизан айини йигирмä биринчисидä, йäк-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шäнбä кунидä Ташкäнд шäхридä... äлахидä сäйру тäмашалäр вä хäм латарийа ойини боладур (ТВГ,1897,35); Хидирбай огли билан Рисалäтбиби... ишлäри 10=нчи сентабирдä ... мäхкäмäгä тапшурилди (Қози рапортлари, 233); Бақий қалган 174 сомни мäнгä бермақлäрини умид қилäман, деб 1912=нчи йилиндä, сентабирни 12=нчи кунидä (САД,34).

сентралний камитет سینترالنی کامیتیت < рус. "центральный комитет" - марказий комитет.

24=нчи ийулдä Фравинтсийä дилигатлäрини иштираклäри илä Чигидзенинг тäхти рäйасäтиндä савет салдат вä рäбачилäрининг сентралний камитети болди (Турон,1917,11).

серб سیرب < рус. "серб" - серб.

Булгарлäрнинг серблäргä хужум қилмäқ плани илгаридин хазирланган екан (ТВГ,1913,51).

серк // сирк سیرك ~ тисерк // тисирк تسیرك ~ тисеркä تسیریکه ~ серкä سیرکه ~ серук سیروك ~ серукханä سیروك خانه ~ тисеркханä تسیرك خانه ~ серк ойунханäси سیرك اویون خانه سی ~ тисерк деган тäмашаханä تسیرك دیگان تماشاخانه ~ тисерк=тäмаша تسیرك تماشا ~ серк, йä"ни ат ойуни سیرك یعنی آت اویونی ~ тисеркä, йä"ни ат ойунлäрини корсатадурган тийатирханä تسیرکه یعنی آت اویونلارینی کورساتادورگان تیاترخانه < рус. "цирк" - цирк.

Ул шäхäрдä мен музей имарäтлäригä вä хäм тисерк деган тäмашаханäлäргä кириб, äндä гäлäти тäмашалäрни кордим (ТВГ,1888,5); Вä äндин серкä деган тäмашагä бариб тääжжублäр қилдук вä ойунлäрини кордук (ТВГ,1895,23); Чинанчи Петирбург шäхридä боладурган тисирк, йä"ни ат ойунханäсигä 23=нчи йäнвардä бир нечä хурмäтлик депутатлäрни хурмäтлик Ликушин (Лыкошин) торä баш болиб алиб бардилäр (ТВГ, 1895,42); Ташкäнд шäхридä сур намлик тисерк, йä"ни ат ойунлäрини корсатадурган тийатирханäдä хäр қäйу мäртäбä нихäйäтдä йäхши ойунлäрни корсатадур (ТВГ, 1898,10); ... вä хах серк ойунханäси... (ТВГ,1903,11); Адäмлäр нихäйäти коп äдäд мäзкур тисерк=тäмашагä бариб тисерк егäсигä коп файдä келтурубдур (ТВГ,1905,28); Тисеркханäдä бир нечä йолбäрс бирлан тисерк егäси ойун қилган вäқтдä мäзкур йолбäрс қäфäс ичигä кириб йиқилибдур (ТВГ,1906,57); Бу раст, чунки бизнинг балä=чäқäмиз ошäл кундä серукдä едилäр (Туж., 1907,10); Фуқäралäр ошäл кундä мäзкур бағдä хäм серукханäдä еди (Туж.,1907,10); 1915=нчи йилдä 7 йäнварда Хоқäнддä серк (ат ойуни) боладур (С.Фарг.,1915,100).

серк ойунлäри سیرك اویونلاری < рус. "цирковые представления" - цикр ўйинлари, цирк томсшалари.

Икки җайдä серк ойунлäри, адäмлäр тушäдурган каруселлäр, он бир äдäд хäр хил намлик ойунлäр болиб турубдур (ТВГ,1911,67).

серкчи // сиркчи سیرکچی < рус. "циркач" - циркчи, цирк артисти.

Ойунчи вä серкчи вä бäчä вä äйаллäрдин хäр уч=торт кундä йäнгилäри келиб турар еди (ТВГ,1913,47).

сибир سبیر ~ سیبیر ~ сибир жäзаси سیبیر جزاسی < рус. "Сибирь" (место ссыл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ки до революции) – сургун (инқилобгача Сибирь сургун ўрни бўлган).

Бир нечәләр асилди әни зәлаләтидин,
Бә"зи сибиргә кетди шәҳни сийасәтидин
(Нодим,ДН,228);

Сибиргә ҳукм йетибан салмиш ишкал (Жангнома,108); Айаг=қолдә кишан Сибиргә кетти (Жангнома,111); Шуңгә охшаш нимәрсәләр илан йардәм қилсә (қатурга) Сибир җәзасигә ҳукм боладур (С.Фарг., 1914,99).

сибир жараҳати سیبیر جراحتی < рус. "сибирская язва" – куйдирги.

Сибир җәраҳатигә бир адәм мубтәла болгандур (ТВГ,1906,31).

сибир қилмак سیبیر قیلماق ~ سبیر قیلماق < рус. (эск.) "послать в Сибирь" – сургун қилмоқ.

Тутуб ғази мубаризләрни бир=бир,
Асиб=атиб, қилиб бә"зисин Сибир
(Жангнома,91);

Мәбада җәраҳат қилсә бир йуз фәлақ уруб, уч йиллиқ сибир қиладур. Мәбада уруб қол=айаги вә баш=козини кәттәроқ җәраҳат қилсә вә синдурсә уч минг йоллиқ җайгә сибир қиладур (ТВГ,1905,50); Әгәр бир киши бир ата=анадән тугилган әкасини ва егәчисини урсә, әндаг кишини кәттә фәлақдә 90 фәлақ уруб, икки йәрим йиллик қәрардә сибир қиладур (ТВГ,1905,50).

сигнал سیگنال ~ сигнал, йә"ни хәбәр سیگنال یعنی خبر < рус. "сигнал"–сигнал, хабар.

Оз вәқтидә тохтайалмай сигнал, йә"ни хәбәр берадурган қәравулдин отуб, бир аз җайгә барганидин сонг бир җайдә релсә синиб бузулган җайи бар дебдур (Туж.,1907,2).

сигуртә سیگورته < озар.=турк. sigorta (< рус. "страхование")– страхование.

Истирахавай (сигуртә) қилмақ мәсәләси (Сам.,1913,4); Расийиски ҳәмал вә нәқл ҳәм истәрхәвай (сигуртә) ширкәтининг тә"сиси 1844=нчи илиндәдур (Сам.,1913,36); Америқадәги умумән сигуртә– истәрхаванийә ширкәтининг ҳисабигә уйи мәмләкәтдә 17 милйон уйләнмәган киши бар (Сам.,1913,43).

сийаз қазиләри سیاز قاضی لاری ~ сийазд қазиләри سیازد قاضی لاری ~ сийазд = җәм"ийәт қазиләри سیازد جمعیت قاضی لاری ~ сийезд қазиләри سیزد قاضی لاری ~ сийезд سیزد ~ сийаз سیاز < рус.(эск.) "съезд казиев" (судебная инстанция, следующая после туземного суда, казы) – қозилар анжумани, қозилар ҳайъати (қозилардан юқори босқичда турган судьялар ҳайъати).

Сийаздгә буйуринг деб илтимас қилган җиҳәтдин ҳаким әни илтимасини қәбул қилиб, сийазгә буйурубдур (Фурқат,ТА,П, 148); Мәзкур сийазгә тапшурулган ишләрни әксәри ҳәр хил малләрни огирләган хусусидәги дә"валәр коп болубдур (ТВГ, 1897,6); 4=нчи февралдә 4=нчи рәқәмдә ушбуни җәнабингизгә мә"лум әйлаб, биз сийаз қазиләри муҳрләримиз бастук (Қози рапортлари,24); Перавадчик мәзкур

www.ziyouz.com kutubxonasi

учäсткавай сайазд казиларидин илтимас килибдур (ТВГ,1904, 27); Сайазгä нарази болганлäр акружнай соднинг прукурарига барадур (ТВГ,1905,37); Сийазд казилäри, йа"ни народнäй содйäлäр (Тар., 1906,6); Сäмäркäнд сийазд=жäм"ийäт казиларига äлäлхусус жäнаб кази мулла Бäкагä äрзи тäшäкк‿р килинур (Ойина, 1914,24, 371); Сийезд казилäрининг берган гувахнамäлäригä бина койуб, уйезд хакимининг берган гувахнамäсини мäнзур килмäк керакдур (ССН, 7); Сийездгä келмаган... кази вä йа бей, уйезд хакимининг äмри билан он сом иштäрäфгä гирифтар боладир (ССН,9); Нарази болуб берган äризäсини хурмäтлик шäхäр хакими 1912=нчи йилдä 2446=нчи рäкäмдä сийазгä тапшурганлäр (САД,8,13).

**сийаз мäжлиси** سیاز مجلسی ~ سیازد مجلسی **сийазд мäжлиси** ~ **сийезд мäжлиси** سیزد مجلسی < рус.(эск.) "заседание съезда" (казиев,т.е. туземных народных судов) - козилар анжумани (хакими)нинг маслахат мажлиси. Ташкäнд шäхри казилäрининг сийезд мäжлиси (ТВГ,1884,46); Ушбу ишлäрни... сийаз мäжлисидä äйтубдурлäрки... (ТВГ, 1892,34); Хазирги сийазд мäжлиси лäгви килиниб, натäман хукмлäр... вилайäт мäжлисигä тапширулмаги керäк (Ойина, 1913,10,251); Бир нечä уламалäрни сийаз мäжлисларигä хазир äйлаб, äлäрни фäтвалäри бирлä хукм шäрий килсäлäр екан (САД,25,50).

**сийазбаши** سیاز باشی ~ **сийаз казилäри сäдрнишини** سیاز قاضیلاری صدرنشینی < рус. "председательствующий, председатель съезда туземных судей" - козилар анжумани (хакими)нинг раиси.

Нечä йиллäр сийазбаши болубан,
Йäнä болган еди кäйнäргä кази
(Завкий,ТА,51);

Ташкäнд шäхрини хурмäтлик хакими жäнаблäригä Ташкäнд сийаз казилäри сäдрнишинидäн рапорт (Кози рапортлари,1).

**сийасäт** سیاست < рус. "политика" - сиёсат.
Туркийäнинг хазирга кäдäр туткан сийасäти (палитикäси) ози учун зäрäрли вä Русийä учун файдäсиз болди (С.Фарг.,1914,11); Шуни билмак керäкки, бул дин мäхарäбäси емас, сийасäт мäхарäбäсидур (Сйина,1914,3,67).

**сийасäт сози** سیاست سوزی < рус. "нота" (дипл.) - нота.
Йапунийä Американинг ноти (сийасäт сози)ни бежäваб калдурибдур (С.Фарг.,1915,123).

**сийасий**[1] سیاسی < рус. "политик" - сиёсий арбоб, сиёсатдон.
Рус сийасийлäри Бухаристдä шундай е"лан етибдурлäр (Сам., 1913, 30).

**сийасий**[2] سیاسی < рус. "политический" - сиёсий.
(Улäр) бутун Росийäгä йер хäм еркинлик сорарлäр, сийасий озгарувлäрини тäлäб етäрлäр (Тар.,1906,4); Сийасий äйбликлäр (Тар., 1906,13); Кечäси турмäдин икки нäфäр сийасий бäнди, торт нäфäр угалавной бäндилäр качибдурлäр (Туж., 1907,4); Турк вäкили Галибкäмалбек илä бирлашуб турк=йунан муахäдäсини йазиб имза етäрлäр вä икки мäмлäкäт арасидä сийасий мунасäбäт башлатурлäр(Сам.,

www.ziyouz.com kutubxonasi

I913,3I); Бу тäшкилатлäрнинг ҳеч бири сийасий (палитичиский)болмäс (Турон,I9I7,I).

сийасий анг  سیاسی آنگ < рус. "политическое сознание" - сиёсий онг. Мäнä бу кун Сäмäрқäнд хäлқининг сийасий анг"лäри тоғрисидä бир фикр алған болурмиз (Хур.,I9I7,37).

сийасий кураш  سیاسی کوراش < рус. "политическая борьба" - сиёсий кураш. Җäм"ийäтлäр йäсадиқ, бузулди, сийасий курашлäргä киришдик, йиқилдик (Хур.,I9I7, 34); Бу думä ҳäқиқäтäн бир сийасий кураш мäйданидурки, ҳäр миллäт вä ҳäр фирқäнинг сийасит қäҳрäманлäри оз миллäт вä фирқäлäрининг ҳуқуқини арттирмақ хусусидä кучлäри бäричä башқäлäр илан тартишурлäр (Турон,I9I7,8).

сийасий мухтарийäт  سیاسی مختاریت < рус. "федерация" - федерация. Федиратсийä (сийасий мухтарийäт) äсослäрини тузиш... ҳäм нäвбäтдäги муҳим мäсäлäдур (Кенгаш, I9I7,8).

сийасий мухтарийäтчилар  سیاسی مختاریتچیلر < рус. "федералисты" - федералистлар.

Федиралистлäр (сийасий мухтарийäтчилäр) сийездгä иштирак учун Кийуфгä... йубарилди (Кенгаш,I9I7,8).

сийасий шиар  سیاسی شعار < рус. "политический лозунг" - сиёсий шиор. Мäмлäкäтдä усули идарä алмашинув илä äсрлäрчä қарä куч астиндä қапланиб йатқан сийасий шиарлäр (лозунглар) мäйданғä атилди(Наж., I9I7,I0).

сийасийä тäлäб  سیاسیه طلب < рус. "политические требования" - сиёсий талаб.

Бул партийäнинг сийасийä тäлäби I7=нчи октабирдäги алий мäнифестдä вä"дä қилинганлäрни, ҳукумäтдарлäрни орнигä келтурмақлäрини сорайдурлäр (Тар.,I906,I4).

сийезд  سیزد ~ سیئزد ~ исийезд  اسیزد ~ сийазд  سیازد ~ сийаз سیاز < рус. "съезд" - съезд, қурултой.

Ҳäр икки уйазнинг ҳакимлäри мäзкур сийазгä ҳазир болған едилäр (ТВГ,I900,27); Бул хусусдä фуқäралäрнинг инабäтлик адäмлäрини чäқириб, җäм қилиб, сийазд бäрпа қилган едим (Тар.,I906,8); Петирбургдä I5 кун дäвам еткан мусулман исийезди тубандäги тилäк (арзу)лäрни бäйан етубдур (С.Фарг.,I9I4,38); Ҳäр хил җäм"ийäтлäри вäкиллäрининг йиғини (сийази) қилмаққä рухсäт алибдурлäр (С. Фарг.,I9I4,9I); Кандидатлäр тä"йин қилу учун йасалған исийездлäримиз ҳеч бир нäтиҗä бермäди (Эл бай.,I9I7,8).

сикундä  سیکوند < рус. "секунда" - секунд.

Минутä бир дäқиқä вä сикундä бир санийäдур (МС,I907,I24).

силахлик  سلاحلیک < рус. "вооруженный" - куролланган. Силахлик кишилäр почтä вäгонини тäлäб, äқчäлäрини алиб кетди (Хурш.,I906,I).

сим қақмақ  سیم قاقماق < рус. "телеграфировать" - телеграф (телеграмма) бермоқ.

Ушбу мäзмундä қақди сим хоҗäйин
(Муқимий,ДМ,I03).

симсиз тилиграф  سیمسز تیلیگراف ~ симсиз тилграф  سیمسز تیلگراف ~ симсиз тил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

граф سیمسز تیلگراف < рус. "радиотелеграф" - радиотелеграф.

Симсиз хавада тилграф йургузди илму фан илан (Ўзб.ад., 309);Симсиз тилиграфга охшаш ушбу вактда йана бир аламат таажжублик... (ТВГ,1912,86); Хазир дунйада 1100 сабит симсиз тилграф санАлмакда (Ойина,1914,1,21).

симсиз тилифон سیمسز تیلیفون < рус. "радиотелефон" - радиотелефон.

Симсиз тилифон ила 1200 чакирим масафатдан сойлашмак мумкин болубдур (Сам.,1913,5); Илгари симсиз тилифон ила факат 45 чакиримдан сойлашмакнинг мумкинлиги тажриба ила билинган екан (Ойина,1913,35,844).

синаг سیناغ < рус. "испытания, экзамен" - синов, имтихон.

Букун жамаат учун биринчи синаг (имтихан) сайлав кунидир (Хур., 1917,37).

синатофон // синатофун سیناتوفون < рус. "синетофон" - синетофон (овозли кинонинг Элиссон томонидан ихтиро килинган дастлабки варианти).

Машхур мухтара" "Едиссон" синатофон исминда йанги бир синаматограф ижад килубдур (Ойина, 1914,3,98); Бу синатофон сурат корсатган аснасида табиий тавушлари ва хакикий мусикий садаларни ешиттирур (Ойина,1914,3,98).

синиматограф سینیما توگراف ~ синаматограф سیناما توغراف ~ синаматограф سینهما توغراف < рус. (эск.) "синематограф" (кинематограф) - кинематограф (кинотеатр ва аппарати).

Тасаввур килиб болмайдурган хикмат ва сан"ат билан ...синиматограф ва грамафон... пайда болган (ТВГ,1897,23); Мазкур тамаша бағда Истанбулдан келган пахлаванлар кураши ва синаматограф тамашаси... болар емиш (ТВГ,1908,56); Йахудийлар тарафидан синаматографлар ачилиб... корсатилур (Ойина, 1913,42,1003).

синф // синиф صنف ~ سنف < рус. "группа; союз; класс" - гурух, тоифа; иттифок; синф.

Тараккий килган ва йа енди тараккий килгучи миллатларнинг ахвалига диккат килинса, мазкур икки синф мухтарам улама ва агнийаларни оз миллатларига соз ваакча ила хизмат етканлари фавран захир олур (Сам.,1913,31); Йерли халкнинг йашрак ва англирак синифлари (С.Турк.,1917,1); Хар хил фирка ва синиф намайандалари (Турк эли,1917,1).

сипариш سپارش ~ сифариш سفارش ~ сифариш=заказ سفارش زاکاز < рус. "заказ" - буюртма, заказ.

Мина карханасига йарим миллион мина-кемаларни тешгучи асбаб сипариш килинибдур (Ойина, 1913,10,284); Заказ, йа"ни (сипариш) кабул килинадур (С.Фарг., 1914,66); Гирманийага торт отхана (паравоз) сифариш=заказ килган, хазир хабар келганки, отхана шул шарт илан тафшириладур (С.Фарг.,1915,117).

сипахийлик سپاهیلک < рус. "служба в войске" - сипохийлик.

Сипахийлик ишига махир еркан,
Коп ишлар дағи андин захир еркан
(Фуркат,ТВГ,1891,44; ТА,П,34);

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сипахийлик Суваруф тарк етти,
Бар ерди ози қишлақиға кетти
(Фуркат,ТЬГ,1891,44; ТА,П,35).

сифир سفر < рус. "цифра" - рақам; ноль.
Озләрининг Русийә сифирини биладурган мирзаләриға... коп ишанмай, озләри кориб, билиб турадурләр (ТЬГ,1911,43); Хусусән, мусулманийә мәнсәбдар адәмләр Русийә мәмләкәтиғә табе" болғаниғә қирқ йилдин копрақ болуб, падшаҳлиқ зәбани вә хәтини вә сифирләрини билмақ әлбәттә лазим вә лабатдур (ТЬГ,1911,43).

Скандар سکندر < рус. "Александр Македонский" - Искандар, Александр Македонский.

Скандарким, җәханғә шаҳ ерди,
Сипаҳ әнҗум, фәләк хиргаҳ ерди
(Фуркат,ТВГ,1890,19; ТА,П,7).

скарлатинә سکارلاتینه < рус. "скарлатина" - скарлатина, қизилча.
Ташкәнд шәҳридә ушбу кунләрдә скарлатинә намлик кәсәл пәйда болубдур (ТВГ,1898,42).

скәмикә سکامیکه < рус. "скамейка" - скамейка.
Кочәнинг нәриги йузидә (скәмика)дә олтурган әҳбабимғә козим тушди (С.Фарғ.,1915,116).

скрипкә سکریپکه ~ скрибка سکریبکا < рус. "скрипка" - скрипка.
Ушбу издиҳамдә вә мәмаликләр ҳузурләриндә тәнҳа туруб, қолиғә скрипкәни алиб вә бир зәифә сәнтурғә мутәсәдди болуб ҳәр иккиси нәғәматләрини җор қилиб, чунан мәшқ қилдиләрким... (ТВГ,1894,2); Ошәл вәқтдә рәйал әсбаби вә скрибка әсбаби вә йәнә бир йәнги әсбаб илан уч торә нәғмә чалибдурләр (ТВГ,1899,42).

славанләр سلاوانلر < рус. "славяне" - славянлар, славян халқлари.
Славанләр коп кәмбәғәл ердиләр, либасләрини ҳәр хил ҳәйванләрнинг терисидә: қилар ердиләр (МС,1903,96); Ҳәммә җәмаәт славанни бир қилиб, бир улуғ киназ сайламақғә вә әнғә итаәт қилмәқғә вә шул ҳукмғә ҳәммәләри рази болдилар (МС,1903,98).

смет سمیت ~ исмета اسمیته ~ اسمت < рус. "смета" - смета.
Йазған нәрсәләрнинг ҳәмәсиғә вә йа мәзкур сметғә йазилған нәрсәләрни бә"зисиғә озиғә боләк әлаҳидә сәвда қилинсә боладур (ТВГ,1894,25); Мәзкур падратни алмәкни хаҳлаган адәмләр смет бойинчә йазған нәрсәләрнинг ҳәмәсиғә вә йа мәзкур сметғә йазилған нәрсәләрни бә"зисиғә озиғә боләк әлаҳидә сәвда қилинсә боладур (ТВГ,1897,26); Тә"йин болған тәқсимчиләр мәҗлиси шәҳәрләрғә бул тәриқә тәқсим вә исметә қилибдурләр (Тар.,1906,1); Оз уйиғә ози иҗәрәғә олтурган вә озининг берадурган исметә ақчәсиғә пени деган иштәрафни толайдурган адәмләр киралмайдур (ТВГ,1906,47); Курсға оид дәрамад ҳисаби (исметәси) әрз қилинур курс учун 3340 сом ақчә кераклиги әнглашиладур (Кенгаш,1917,6).

сод // суд سود ~ صود ~ сот سوت ~ صوت < рус. "суд" - суд.
Туркистан вилайәтидә җарий болуб турган икки нәв" сод бардур (ТВГ,1891,19); Җәнаби сод чиланләри бәләнд дәрәҗәдәги әқл вә

www.ziyouz.com kutubxonasi

фäрасатлäри илан... (ТВГ,1902,17); Сäлдатни содгä чақирдилäр(МС, 1903,45); Ахири мужик äччигланиб сотгä сäлдатни устидин äризä бериб, андин коп пул тäлäб қилди (МС, 1903,45); Сод бирлан соралиб, сод ҳукми бойинчä ҳäбс болмагин тäлäб қиладур (Тар., 1906, 7); Ҳукумäтдарлäр мäзкур фукäралäрнинг ҳеч бирини сод ҳукмисиз мäҳбус қилмагäйлäр (Тар., 1906,9); Сод (ҳукм) икки айчä дäвам етäр екан (С.Фарг.,1914,22).

сод башлиги سود باشلیغی < рус. "судья" - судья.

Сод башлиги нимäгä мунчä кеч қалдинг деб андин соради (МС, 1903, 45).

сод мäҗлиси سود مجلسی < рус. "судебное заседание" - суд мажлиси.

Туркистандäги сод мäҗлислäрини ҳäр ким билурки, бир рäис вä икки ä"задäн ибарäтдур (Сам.,1913,43).

сод мäҳкäмäси سود محکمه سی < рус. "суд" (здание) - суд, суд маҳкамаси.

Ҳурмäтлик прокурор сод мäҳкäмäлäрининг мутäсäддилäри. Ушбу ҳукмни мустäҳкäм äйлäбдурлäр (Тар.,1906,II); Äризäлäрини... сод мäҳкäмäсигä тапшурурлäр (Дума,5).

сода سودا < рус. "сода" - сода.

Глитсирин кучлик вä коп ачитадур, сода коп ачитмайдур (ТВГ,1892, 3).

сол сатсийалистлäр фиркäси سول ساتسیالیستلر فرقه سی < рус. "партия левых социалистов" - сўл социалистлар партияси.

Кабинет тäшкил қилиниб еди, лакин сол сатсийалистлäр фиркäси тäрäфидäн унгä коп тавуш илä ишанчсизлик бäйан етилди (С.Турк., 1914,38).

солкäвай سولکه وای ~ صولکه وای ~ солкавай سولکاوای < рус. "целковый" - сўлкавой, бир сўмлик (танга пул).

Иетмиш минг солкäвай мäрҳäмäт қилиб бäгишладилäр (ТВГ,1870, 1); Ахчäданнинг ичидä 15 солкавай вä йäнä 9 солкавай қирқ тийинлик пäттä бар екан (ТВГ,1871,6); Ҳäр айга 10 солкäвай тäйин айладилäр (ТВГ,1873,6).

сом سوم ~ صوم < рус. "рубль" - сўм.

Қойуб қол дума буйруқ қилсä торä,
Алурлäр иштäрäб уч сом җорä
(Муқимий,АГ,П,158);

Бухара ифäги 175 сомдин то 180 сомгäчä... (ТВГ,1871,4); Бир сомлик иҗäрäлäр äқäлли торт сомгä алинадурган болгандур (ТВГ,1904, 36); Иетимханä файдäсигä бир минг сом ҳäд"йä қилибдурлäр (ТВГ, 1911,38).

сомкä // сумка صومکه <рус. "сумка" - сумка.

Ошал йердäги орманлäрдä пäлисäлäр бир данä сомкä тапмишлäр (Тар.,1906,16); Гимназгä бариб оқуйдурган бир орусийä бäлäси арқасиндä сомкäси илä йоқаридин тайиб йиқилиб, ҳäммäси лайгä булганиб йиглäб=йиглäб җонаб кетди (Туж.,1907,10); Чунончи, дурбин, сомкä, шафқä, балтä, пичақ, тешä, икки äдäд сäндуқдä оқлäрни алиб, пул хäзинасинä кирдим (Робинзон,15).

www.ziyouz.com kutubxonasi

сорав سوراو <рус. "допрос" - сўроқ.

Хазирдӓ Андиҗандӓ Миркамилнинг ишлӓри ҳӓқиндӓ прокурор тӓрӓфиндӓн соравлӓр вӓ тӓҳқиқат болуб турубдур (Хур.,1917,II); Мӓзкур ушбу сорав вӓқтидӓ йоқлуқ сӓбӓбли... (САД,II,23).

соткӓ // суткӓ سوتكا ~ صوتكه ~ бир соткӓ, йӓ"ни бир кечӓ=кундуз برسوتكه یعنی برکیچه کوندوز <рус. "сутки" - сутка.

Ҳӓр бир соткӓда, йӓ"ни бир кечӓ=кундузда... машинӓдӓ 25 пуддан то 30 пудгӓчӓ йаг чиқар екан (ТВГ,1902,14); Соткӓ 24 саӓт боладур (МС,1903,39); Ташкӓндӓн Петирбургга ушбу аййамлӓрдӓ темир йол вӓ параход билан тӓхминӓн 15 вӓ йаки 18 соткӓдӓ йетиб боладур (МС, 1903,88); Биз бир неча соткӓ (бир соткӓ бир кечӓ вӓ кундуз) йолдӓ болдик (ТВГ,1911,89).

спӓрафкӓ سپرافكه - қ. испӓрафкӓ.

спиктакил سپیکتاکل - қ. испиктакил.

ссуднай кассӓ سسودنای کاسسه ~ ссудний кассӓ سسودنی کاسسه <рус. "ссудная касса" - қарздор касса (қарз берувчи касса).

Ссудний кассӓ деган мӓзкур уйездӓги фуқӓралӓргӓ қӓрзгӓ бериладурган пул турӓтургӓн хазинадур (ТВГ,1886,9); Ташкӓнд уйездининг ссуднай кассӓсини... ҳисаби (ТВГ,1892,7).

стансийӓ ستانسیه ~ стансӓ ستانسه - қ. истансӓ.

стачка "стачка"[x] ستاچکه <рус. "стачка" - стачка, иш ташлаш.

Чунки, "стачкӓ" вӓ забастофкӓлӓр демуқирӓтлӓрнинг сийасий зулм вӓ жабрлӓригӓ қарши закун курӓшларидур (Эл бай.,1917,12).

стакан ستاکان - қ. истӓкан.

стӓршинӓ ستهرشینه - қ. истӓршина.

стӓтийӓ ستهتیه - қ. истатийӓ[1].

страхават ستراخاوات - қ. истархавай.

студент ستودینت -қ. истудент.

стун ستون <рус. "столб" - симёгоч, столба.

Хазирдӓ тилиграф симлӓри тартмак учун стун (исталбӓ)лар отқӓзмаққӓ башлацилӓр (С.Фарг.,1914,15).

сув асти кемӓси سو آستی کیمه سی ~ сув кемӓси سوکیمه سی ~ сув тегидӓ йурадурган кемӓ سوتگیده یورادورغان کیمه ~ сув асти қайиги سوآستی قاییغی ~ сув астидӓ йурадурган қайиқ سوآستیده یورادورغان قییق <рус. "подводная лодка" - сувости кемаси.

Франсийӓ карханӓлӓригӓ торт ӓдӓд... сув кемӓси сипариш қилди(Ойина,1913, 32,636); Бир нечӓ ӓдӓд сув астида йурадурган қайиқлӓр пайлашиб турган едилӓр (ТВГ,1914,99); Немислӓрнинг сув асти кемӓси... руслӓрнинг уруш кемӓсини гӓрқ қилибдур (Ойина,1914, 1,20); Мӓрмӓр денгизигӓ муттафиқ хукумӓтлӓрнинг 7 ӓдӓд сув тегидӓ йурӓдурган кемӓлӓри келди (ТВГ,1915,60); Ӓнгилтӓрӓ мӓҗлиси миллийсидӓ (Гӓрсон) байан қилибдурким Алман сув асти қайиқлӓрининг ӓдӓди кундӓн=кун артмӓқдӓдур (Хур.,1917,2); Русийӓнинг "Валгӓ" нам параходи... (Рамануф)гӓ комир ташир екан, Алман сув асти кемӓси тӓ-

[x] Бу сўз арабча ёзма текст ичида русча ҳарфлар билан айнан "стачка" тарзида ёзилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

рафиндан гарқ болгандур (Хур.,1917,3).

сув кесими  سوکیسیمی < рус. "тоннаж" - тоннаж.
Ушбу уч ай ичиндӓ алманлӓр Йунанистаннинг 17 параходини гӓрқ қилгандурлӓрким, ӓлӓрнинг сув кесими 57 минг тон болиб, бӓҳаси 40 милйонгӓ йақиндур (Хур.,1917,3).

сув машинӓси  سوماشینه سی < рус. "пожарный насос" - ўт ўчиргич насос.
Пайда болган ортлӓрни очурмақ учун беш йуз йитмиш алти киши тӓ"йин қилингандур. Вӓ ортлӓрни очурмақ учун қирқ бир каттӓ сув машинӓси вӓ бир йуз он беш кичкинӓ машинӓлӓр бардур (ТВГ, 1884,42).

сув падшаси  سوپادشاسی < рус. "русалка" - сув париси.
Мужикнинг йиглаганини сув падшаси ешитди вӓ унинг мужикгӓ рӓҳми келди (МС,1903,24).

сув салдати  سوسالداتی < рус. "матрос" - матрос.
Тортинчи флотиский екипажнинг (матрослӓри) сув салдатлӓри (Тар., 1906,11).

сув фантани  سوفانتانی < рус. "фонтан" - фонтан.
Атрафи чирайлик бақчӓ болиб, дӓрӓхтлӓр ӓрасидӓ... сув фантанлӓри (машинӓ булаглӓр) бар (Кенгаш,1917,11).

•сувара  سوارہ ~ суварий  سواری < рус. "всадник, конник, кавалерист" - суворий.
Ҳӓмидийӓ суварisi мингбаши Мӓшҳуруф (Ойина,1913,10, 261); 16 полк пийадӓ, 9 полк суварӓ, 6 полк топчи турк ӓскӓрлӓри йубармақлигини зӓрур корибдур (Ойина,1913,26,491).

суд  سود ~ صود - қ. сод.

суд мӓҳкӓмӓси  سود محکمه سی - қ. сод мӓҳкӓмӓси.

судебний палатӓ  سودیبنی پالاته ~ سودیبنی پالاته ~ صودیبنی پالاته ~ судебний пӓлата  سودیبنی پلاتا ~ судебнай палатӓ  سودیبنای پالاته ~ судебнайӓ палата  سودیبنایه پالاته ~ судебний пӓлат  سودیبنی پلات < рус.(эск.) "судебная палата" - суд палатаси (инқилобгача округ судлари устидан назорат қилиб турган олий суд муассасаси).
Улуг гиниераллӓр вӓ судебнайӓ палатӓ вӓ ҳӓм сод мӓҳкӓмӓнинг башлуқлӓри вӓ прукурорлӓри (ТВГ,1902, 22); Ҳӓрқуф шӓҳридӓги судебнай палатӓгӓ чиланлик мӓнсӓбигӓ тайинланибдур (ТВГ,1902,34); Судебний пӓлатдӓ қилинмиш ҳукми бойинча... (Тар.,1906,2); Шайӓд судебний палатӓ каби улуг мӓҳкӓмӓ бойлӓ сӓриҳ хилаф шӓриӓт болган фӓтва бойинчӓ тӓфтишсиз ҳукм қилмӓсӓ керӓк (ТВГ,1909, 6); Акружнай судлӓрни устидан қӓрайдурган судебний пӓлат... (Ойина, 1913,5, 107); Муҳӓммӓдрӓҳимбай жӓнаблӓрини судебний палатӓ мӓҳкӓмӓйи тӓмиздӓ ишлари корилиб, ӓйбсизликгӓ қӓрар тапилди (Ойина, 1915,10,266).

судебний пристуф  سودیبنی پریستوف ~ судебнай пристав  سودیبنای پریستاو < рус. "судебный пристав" - суд ижрочиси.
Ташкӓнднинг судебнай пристави (ТВГ,1875,3); Судебний пристуф (ТВГ,1877,14); Шул ӓснадӓ судебний пристуф илӓ бир палискӓ кирар (Туж.,1914,45).

судйӓ  سودیه ~ صودیه ~ صدیه < рус. "судья" - судья.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен қуварман, ул қачар, емди чаритди, найлайин,
Судийасиға арз етарман: "Дад, қоймас, пашшалар!".
(Муқимий,АТ,II,83);

Секритар Покалуфни уйазнай судийа қиламан (ТВГ,1870,1); Ташканд шаҳрининг судийасини(нг) ҳукмиға рази болмай берган арзаси мазкур кунда сораладур (ТВГ,1877,6); Ҳасил ул ким, судийанинг ҳукмиға нарази болғанда аризани икки нусхаға таҳрир қилиб бериладур(ТВГ, 1882,7); Фармайишимнинг учинчи масаласини мансуғ қилиб... судийанинг қолидин алмақға амр қилдим (ТВГ, 1892,30); Масалан, судийалар раст ҳукм қилаалмай, наинсафлик илан ҳукм қилур едилар (ТВГ, 1915,15); Давамни тийишли русийа судийаларида қилурман (САД, 7, 12).

сужат ﺳﻮﺭﺕ < рус. "сюжет" - сюжет.
Драмма ойналуб биткач, саҳнада чапанлар турмушиндан сужат алинуб тартиб қилинган (С.Турк.,1914,54).

сумка ﺻﻮﻣﻜﻪ - қ. сомка.

супирфасфат ﺳﻮﭘﻴﺮﻓﺎﺳﻔﺎﺕ < рус. "суперфосфат" - суперфосфат (ўғит).
(Бир батман йерга)... двайнай супирфасфат деган дару қошуб салиб ғозани екмак керак (Деҳқон,1915,3,3).

сурат ﺳﻮﺭﺕ ~ ﺻﻮﺭﺕ < рус. "картинка, фотоснимок; портрет; кинокартина" - сурат; портрет; кинокартина.
Ва ҳам Пушкин шаирни(нг) суратларини қилиб қойубдурлар (ТВГ,1899, 44); Павлодар синаматаграфида "Муҳаммад жаннати" деган бир сурат корсатмакчи еканлар, амма 40-50 мусулманлар имза қилиб, уйазд ҳакимиға муражаат етуб, мазкур суратнинг корсатишни ман" қилдирубдурлар (Сам.,1913,34).

суратгар ﺻﻮﺭﺗﮕﺮ - қ. суратчи.

сурати курра ﺻﻮﺭﺕ ﻛﺮﻩ < рус. "глобус" - глобус.
Сурати курра айлантурулған вақтда анинг устидаги иқлим ва мамлакат ва башқалар дарйа гаҳ йаруғ ва гаҳ қарангу болуб турадур (ТВГ,1889,41).

суратхана ﺻﻮﺭﺕ ﺧﺎﻧﻪ ~ ﺳﻮﺭﺗﺨﺎﻧﻪ < рус. "фотография" - фотография (сурат оладиган ишхона).
Пивахана ва суратхана важҳидин аҳали жанаби Валиға ва шаҳар маҳкамасиға ружу" етсалар боладур (Сам.,1913, 26); Мусулман бирадарларимизнинг мусулман суратханасинда келишлари маржудур (Сам., 1913,41).

суратчи ﺻﻮﺭﺗﭽﻰ ~ суратгар ﺻﻮﺭﺗﮕﺮ < рус. "фотограф" - фотограф.
Бир мартаба мазкур суратгар ундин сорабдур (ТВГ,1900,20); Думанинг аввалги мажлисидин сурат тушуруб алмаққа, енг маҳир суратчиға заказ қилмаққа иттифақ қилибдурлар (Тар.,1906,7).

суруг // сурук // суроғ ﺳﻮﺭﻙ ~ ﺳﻮﺭﻭﻙ ~ суруг=муҳлат ﻣﻬﻠﺖ ﺳﻮﺭﻭﻙ ~ муҳлат=суруг ﻣﻬﻠﺖ ﺳﻮﺭﻭﻙ ~ суруг, йа"ни муҳлат ﺳﻮﺭﻭﻙ ﻳﻌﻨﻰ ﻣﻬﻠﺖ < рус. "срок" - муҳлат.

Деманг ушбу созларни сиз отрук,
Отиз икки айға алишди сурук
(Муқимий,АТ,II,22);

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу муддäт сурукни учдäн бир ҳиссäгä қисқартуб... (ТВГ, 1884, 19); Хизмäтлäрини суруглäри битиб... (ТВГ,1896,35); Бир ай суруг =муҳлäт ичинда думäгä жäваб бермақлäри лазим екан (Тар., 1906, 16); Агäрчи кантрäкдä иш тäмам қилмақгä муҳлäти=суруги тä"йин болған болсä=дä, äмма бу суруг=муҳлäтини риайä қилмаған фурсäтдä шäҳäргä ихтийар берилубдур (Туж.,1907,1); Пуллäрини толäнмаги хусусидä суруг, йä"ни муҳлäт илан кейинчалик берибдурлäр (Туж., 1907,2).

суткä سوتکه ~ سوتکه - қ, сотка.

суфлийор // суфлийур سوفلیور ~ سوفلیور < рус. "суфлёр" - суфлёр.

Режиссор Байазидиски, суфлийор Қудратилла Йунусуф едилäр(С.Турк., 1914,54).

сухари سوخاری ~ сухари нан سوخاری نان < рус. "сухарь" - сухари.

Орусийä äскäри учун 544 пуд сухари нан (ТВГ,1879,19); Äскäр учун 80 четверт сок, 400 четверт сухари, 600 четверт äрфä йä сули (ТВГ, 1880,18); Нанни қуритуб (сухари) қилуб алмақ йäхшидур (С. Фарг.,1914,35).

суҳбäт صحبت < рус. "беседа" - суҳбат.

Суҳбäт йеримиз болди номир, рестуранлар
(Авлоний,МШ,I,14);

Тäнавул äйлäб бир=икки истакан ичиб, суҳбäтни тамам қилиб, жайлäридин турдилäр (ТВГ,1909,50).

Т

тавар طاوار ~ تاوار ~ тäвар طوار < рус. "товар" - товар, мол, газлама.

Мäзкур йäрмäнкä вä гäзлäмä таварнинг ҳäридарлäри отган йилгä қийас қилгандä азгинä болубдур (ТВГ,1894, 29); Фäрäнгистан мал=ақнасигä қäрагандä русийä тäвар вä мäтаидин бизлäргä мäнфääт копрақ йетадур (ТВГ,1895, 44); Мал вä таварлäргä толанган пуллäр (Тар., 1906,3); Чунанчи мäшҳäд вилайäтидä бул мал таварлäрни тäмами сäвдаси Русийäгä таб"е äрмäнлäр қолидäдур (Тар.,1906,8); Чума агриқлäри болуб тургани сäбäбидин Мисргä келадурган тавар (маллäр)ˎ ҳрантин қилинар екан (С.Фарг.,1914,34).

таварний вагон تاوارنی واگون ~ таварнай вагон تاوارنای واگون < рус. "товарный вагон" - юк вагони.

Вагонлäр арасидä бир äдäд вä йаки икки äдäд таварнай вагон болсун (ТВГ,1906,66); Таварний вагон (С.Фарг.,1914,1).

таварний пайизд تاوارنی پایزد ~ таварнай атäш äрабä تاوارنای آتش عرابه < рус. "товарный поезд" - юк поезди.

Таварнай атäш äрабäгä олтурäдурган адäмлäр 4=нчи класгä олтурсä керäк (Тар.,1906,3); Йолчи пайизди таварний (йук) пайизди билан урунубдур (С.Фарг.,1914,22).

тавуш طاووش ~ تاووش < рус. "голос; голосование" - овоз; овоз бериш; овозга қўйиш.

Тавушгä салинган бä"зи мäсäлäлäр (С.Турк.,1914,5); Коп тавуш

www.ziyouz.com kutubxonasi

илä ишанчсизлиқ байан етилди (С.Турк.,1914,18); Хукумäти мувäққäтä сизнинг хазирги сäдангизни кутадур; хукумäти мувäққäт миллий, диний ишлäрдä хäр қайси дин вä миллäтни озини тавушига қулақ салмақни äсос тутадур (Хур.,1917,11); Мусулман хатин=қизлäрини(нг) тиллäрини тутган, äлäрни қäттиқ қисиб турган, äлäрнинг фикрлäрининг тäрäққийлäринä мане" болган жäхалäтгä қарши тавуш котариш керак (Наж.,1917,9); Шунинг учундä мусулманлäр тавушлäрин йоқатмасқа, еру хäм хатинлäр қатушäргä керäкдур (Эл бай., 1917, 1); Испискалäргä берилган тавушлäрнинг миқдаригä мутäнасиб сурäтдä хисабланиб болинур (Дума,11).

тавушли ä"залиқ تاوشلی اعضالیق < рус. "член с решающим голосам" - хал қилувчи овозга эга бўлган аъзо.

Ахмäд äфäндини сäркатиб муавинлигиндä хäмдä шораи исламнинг тавушли ä"залигигä умумий мäжлис бир агиздäн қабул етди (Наж., 1917,8).

тай تای < рус. "тюк" - той.

Каракол бу йил учун 10 минг тай (тук)дäн ашиқ келтурилубдур (С.Фарг.,1914,44).

таксä تاکسه ~ тäксä تکسه < рус. "такса" (расценка)- такса, қатъий бахо.

Оз уйимгä қäйтиб ердим, тäксä гäрчи 70 тийин болсä хäм мäзкур извашчик мендин 1 сом 50 тийин алди (ТВГ,1906, 66); Äзбäраи ески куштханäдä йäнги таксä бирлан мал соймақгä жäваб берадурган иттифақнамä чиқардилäр (Туж.,1907,1); Фаргäнä областной губирнатурининг тäрäфлäридäн тäсдиқ қилинган бäха (таксä)гä мувафиқ бугдай илан унни сатмақ мумкин емäс (С.Фарг.,1915,110); Таксä бäхасига нан бериб турмақдадурлäр (Турк эли, 1917,1); Қäрарнамäнинг мухим маддäлäри мäнä шундäн ибарäт: "бундäн сонгрä қäт"ий бäха (таксä)лäр бутун битириладур"(Кенгаш,1917,9).

тактикä تاکتیکه < рус. "тактика" - тактика, хатти=харакат. Сайлав ишлäриндä тактикä (хäтти хäрäкäт) (Кенгаш,1917,11).

талибат طلبات < рус. "ученики, школьники" - талабалар, мактаб ўқувчилари.

Русийä мусулманлäридäн хäм талибат вä муäллимäлäр қäбул етилäдур (Сам.,1913,32).

таможний تاموژنی < рус. "таможня" - божхона.

Фирмäлäрни таможний, йä"ни бäж мäхкäмäлäридин дахилийä министирини ижазати бойинчä алинган гувахнамäлäри болмäсä қäттиг мäн" вä тäхқиқ қилинсун (Тар.,1906,1).

тансä تانسه ~ танс تانس ~ танитс تانیتس ~ тансавäйт ойуни تانساویت اویونی < рус. "танец" - танца, рақс, ўйин.

Шагирд балäлäр... губирнатурнинг уйлäридä кейин қалиб танитс қилдилäр (ТВГ, 1892,1); Гимназийäнинг огул вä қиз шагирд балäлäри танс деган нихайäтдä қизиқ ойун вä тäмашани қилиб, саат 3 дä хäмäлäри оз вäтäнлäригä баз гäшт қилдилäр (ТВГ, 1898,9); Ошäл ойуни тäмам болгандин кейин мусулман хатинлäри вä хäм ер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

каклäри тансавäйт ойунигä тушубдурлäр (ТВГ,1910,10); Бир адäм айтдики, емди тансä болäди деб, ушбу тансä дегандäри қандäй нäрсä болур екан деб туруб ердим (ТВГ,1910,11).

танург تانوغ < рус. "свидетель" - гувоҳ, шоҳид.
Тäрихнинг ҳäр йапраги муддäанинг ачиқ бир дäлили вä айдин бир тануги (шаҳиди)дир (Ҳур.,1917,25).

топограф تاپوگراف < рус. "топограф" - топограф.
Йäнä топографлäр (йä"ни илми жуграфийä вä ҳäндäсä вä нужум вä мäсаҳäт вä ҳäй"äт вä нäққош äккаслик) билгучи торäлäр (ТВГ,1895, 36).

таргавай депутат تارگاوای دیپوتات ~ торговай депутат تارگووای دیپوتات < рус. "торговый депутат" - савдо депутати.
Туркистан шäҳрининг торговай депутати Мусаäли Äмин оглигä... (ТВГ,1892,12); Шäҳрихан базарининг таргавай депутати Ҳäкимжаннинг Йақубжан исмли бир оглилäри вä башқäлäр (ТВГ,1916,30).

тарилкä تاریلکه - қ. тäрилкä.

тарихий жäрäйан تاریخی جریان < рус. "исторический процесс" - тарихий жараён, тарихий процесс.
Бурундäн келган тäрихий жäрäйан еллик йиллиқ орусий идарäси бизнинг тäбиäтимизни, кучимизни зäифлäтуб, инқилаб тугдурган сäваллäргä жäваб берувгä ҳазирликсиз бир ҳалдä қалдирган (Эл бай., 1917,1).

ташишкä تاشیشکه < рус. "насилщик" - ҳаммоллик, юк ташувчилик; ҳаммол.
Бир киши мäгазингä кирсä (ташишкä) ҳäммоллик қилиб йурган äвлади=мискинлäр ул мäгазин ешикигä он=он бошлäб йигилибдур (Тар., 1906,4); Шунчä оқуганинг йетар, пул тап деб (ташишкä) ҳäммоллик қилдиришни йäхши корурлäр (С.Турк.,1914,52).

тäавун жäм"ийäти تعاون جمعیتی < рус. "общество взаимопомощи, касса взаимопомощи" - ўзаро ёрдам кассаси.
Тäавун жäм"ийäти (Сам.,1913,31).

тäбää تبعه < рус. "подданный; подданные" - фуқаро; фуқаролар.
Биз русийä тäбääси вä гражданимиз... (Ойина,1913,13); Китайдä - ҳукумäт тилиграфгä сензур тä"йин етди, душман тäбääсининг йазувлäри текширилуб турадур (Турон,1917,2).

тäбиб طبیب < рус. "врач, доктор" - доктор, врач.
Гäзäли уйазининг тäбиби (ТВГ,1870,3); Марҳум олмäсдин он йетти саäт илгäри Йаврупа тäбиблäри тäклиф қилинубдур (ТВГ,1892, 2); Шäҳäрдäги бир нечä тäбиблäр илан инженерлäрни мäҳбус қилибдурлäр (Тар.,1906,5).

тäбиблик тä"лим берадурган кäттä мäдрäсä طبیبلیك تعلیم بیرادورگان کته مدرسه < рус. "медицинский институт" - медицина институти.
Отган йиллäрдä бир нечä қäзақийä балäлäри Ташкäнд гимнäзийäсида оқуб хäтм қилиб, Петирбург шäҳридä тäбиблик тä"лим берадурган кäттä мäдрäсäгä барибдурлäр (ТВГ,1895,43).

тäбибханä طبیب خانه < рус. "лечебница, амбулаторная лечебница, амбула-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тория" - шифохона, амбулатория.

Тäбибханä бина қилмак вä анинг тäмами харажатлари Сäмäрқäнд шäхрининг шäхäр пулидин боладур (ТБГ,1885,35); Мен Хоқäнд шäхридä мусулман хатинлäри вä балäлäри оз кäсäллäрини корсатиб вä керак дарулäрни алиб турмак учун тäбибханä ачмаққä рухсäт äйлäдим(ТВГ, 1887,23); Шäйхавäндтäхур дäхäсида барпа болинган тäбибханä вä дäваханäлäрни коруб... (ТБГ,1892,22).

тäблигат تبليغات <рус. "пропаганда" - пропаганда, тарғибот.

Йäпонийäдä хäм тäблиғат ишлäри кäмали мувäффäқийäт илäн бариб-дур (Ойина,1913,89).

тäвар طوار - қ. тавар.

тä"жилий тилграф تعجيلي تلغراف <рус. "срочная телеграмма" (молния= телеграмма)- тезқор телеграмма, молния=телеграмма, шошилинч телеграмма.

Йäнги Бухара ижраийä комитäсининг тä"жилий шорасиндä Сäмäрқäнддäн тä"жилий тилграф илä äскäр чақирилмаққä қäрар берилди(Хур., 1917,5).

тäзкирä تذكره <рус. "протокол" - протокол.

Мäзкур қарайдурган тäбиб палитсийä хузурида пуртакол, йä"ни тäзкирä қилиб, мäзкур кäсäл хäйванни билатäвäққуф закундä корсатган тäртиб илан олдурадур (ТВГ,1897, 26); Хäр қäйулäриғä мунасиб жäваблäридäн рапуртлäр йазиб вä хäр хил хадисäлäр тоғрисидäн протокол, йä"ни тäзкирä вä äктлäр йазиб... салиқ пуллäрни бäқäдри äхвал йазадур (ТВГ,1909,2).

тäзминати хäрбийä تضمينات حربيه < рус. "контробуция" - контробуция.

Балқанлилäрғä тäзминати хäрбийä (уруш мусрифи) учун беш пул хäм бермäдилäр (Ойина,1913,28,536).

тäййарä طياره<у.=турк. tayyare ( <рус. "аэроплан, самолёт")- аэроплан, самолёт.

Туркийä учун бир тäййарä инша қилмақғä қäрар беруб, пул жäм"ламäқғä машру" қилубдурлäр (Ойина, 1913,9,214); Ушбу йил ийун башидä йенгил почтäлäрни тäййарä (äйруплан) билан йурғузмак тажрибäлäрини қилиб корар екан (С.Фарг.,1914,17); Бизнинг топханäмиз Алманийäнинг бир тäййарäсини уруб тушурди (Хур.,1917,5).

тäййарäчи طياره جي <у.=турк. tayyarece ( <рус. "лётчик") - учувчи.

Бäйрутғä... тäййарäчилäр кетибдурлäр (Ойина,1913,27,516); Мусин деган тäййарäчи хäвадä учқанидä машинäсидан йиқилуб тушуб олубдур (С.Фарг.,1914,15); Тäййарäчилäрдäн Сäлимбек бирлан Кäмалбекнинг... тäййарäлäри набуд болуб озлäри сағ вä саламäтдурлäр(Ойина,1914,27,516).

тäййарäчилик кулуби طياره جيلك كلوبي < рус. "клуб лётчиков" - учувчилар клуби.

Тäййарäчилик кулубининг призиденти "Анатра", оз сäрмäйäларидан тäййарäчиликгä мäхсус мäктäб тä"сис қилубдур (С.Фарг.,1914,21).

тäксä تاكسه - қ. такса.

тäқауд мäаши تقاعد معاشي < у.=турк. tekaiit maas <рус. "пенсия")-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пенсия.

Гинирал=майор Ҳашимбекуф кäсäллик сабäбли хизмäтдäн чиқибдур,äскäрий либасдä туриб ҳäм (пенсийä) тäқауд мäаши аладур (Сам.,1913, 32).

тäқвим تقويم <у.=турк. takvim <форс. ( <рус. "календарь") - календарь.

Мундäн уч йил илгари... Ёран тäқвимлäридä ушбу җäҳан муҳарибäси хусусидä бир коп ишарä вä ифадäлäр бар еди (Ҳур.,1917,1).

тäқсимнамä تقسيم نامه < рус. "распределение" - тақсимот.

1349=нчи рäқäмдäги тäқсимнамä бойинчä тийишли болган мäзкур сатилган җайни тäҳдиди шулки... (САД,25,51).

тäқсимчи تقسيمچى < рус. "распределитель" - тақсимловчи.

Тä"йин болған тäқсимчилäр мäҗлиси шäҳäрлäрғä бул тäриқä тäқсим вä исметä қилубдурлар (Тар.,1906,1).

тäлäбä طلبه < рус. "ученик, учащихся, школьник; студент" - талаба, шогирд; студент.

(Истудент) тäлäбä формäсиндä бир киши... (Хурш.,1906,9); 19 йашлик бир Серб тäлäбäси туфäнгчä илä вäлиäҳдни... атуб олдурубдур (Ойина,1913,36,867); 7 йашдäн йигирмäғäчä тäлäбä вä талибатлäрғä қоллäриндä онлаб нусхä китаб вä ҳäр бири сур"äтлик йуруш илä гуруҳ=гуруҳ мäктäблäрғä кетарлäр (Сам.,1913,41).

тäлäбнамä طلبنامه < рус. "ультиматум" - ультиматум.

Гирманийä ҳукумäти Бäлчиқа қираллиғиғä ултиматум (тäлäбнамä)тапшуруб... (Ойина,1913,42,100).

тäлинкä تلنكه ~ تلينكه - қ. тäрилкä.

тäма" طمع < рус. "перекупщик, спекулянт" - олибсотар, чайқовчи.

Тäма" (алубсатäрлäр) шу дäрäҗäдä инсаф вä намуслäрин йоқатдилäрки, гунаҳлäрининг дäрäҗäсин йалғиз аллаҳ билур (Кенгаш,1917,15).

тäмаку تماكو < рус. "табак" - тамаки.

Тäмаку Америкäдäн кетурулган-табақум исмлик гийаҳнинг... йäфрақлäриға берилган исмдур (Ойина,1913,1,18).

тäмаша تماشا < рус. "зрелище, представление; народное гуляние;праздник весны" - томоша; сайил.

Йäнги йилчи келиши мунасäбäти илäн шäҳримиздä уч кун дäрйа лäбидä тäмаша (сäйил) болäр еди (С.Фарғ.,1915,112).

тäмашабағ تماشا باغ < рус. "парк" - парк.

Ул иликтричиски деган йаруғ мäзкур тäмашабағдäги бир нечä җайдä шишä фанусдек кäттä мудäввäр шишäлäрни асиб қойибдур (ТВГ, 1890, 12); Ташкäнд шäҳäр бағидä (тäмашабағдä) боладурган "виставкä" (серк)ни кориб... (Деҳқон,1915,4,8); 22=нчи априлдä қäҳрäман Ҳуррийäт фидаийлäрининг файдäлäриғä тäмашабағдä... кинаматограф сурати коргузилäдур (Наж.,1917,8).

тäмашабин تماشابين ~ тамашачи تماشاچى < рус. "зритель" - томошабин.

Муäттäр бағ сäҳни ачилиб гул,
Тäмашабинлäр ерди äндä булбул
(Фуркат,ТВГ,1890,35; ТА, II, 11);

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кисмӓн миллий вӓ йа йуксӓлтма миллий вӓ созлӓри у кӓдӓр тез сойлӓмӓклиги, тӓмашачилӓр анлӓринг на дедиклӓрини тӓмам англамасунлӓр (Хур.,1917,20).

**тӓнӓззул** تنزل <рус. "упадок, регресс" - инкироз, таназзул.

Бу йиллӓрдӓ Туркистандӓ тиҗарӓт вӓ зираӓт ишлӓри тӓнӓззул килиб кейин кетиб турмакдӓдур (С.Турк.,1914,18).

**тӓнӓззулпӓрвӓр** تنزل پرور < рус. "сторонник регресса, регресист, консерватор" - регресс тарафдори, мухофизакор, кӯхнапараст.

Тӓрӓккийпӓрвӓр фӓкӓт порма чапан илӓ тез=тез йурмак, тӓнӓззулпӓрвӓр фӓкӓт узун чапан илӓ кӓттӓ сӓллӓдӓн ибарӓт болсӓ, хӓргиз мундай емас... чунки тӓрӓккий деб хӓр ким оз жинсидӓн озиб бариб, оз мӓтлубигӓ тӓмам еришуб вӓ тӓмам истифадӓ килмӓкни ӓйтилур. Ӓгӓр оз мӓтлубигӓ ӓсла еришмасӓ, ани тӓнӓззулпӓрвӓр дейилур (Наж.,1917,17).

**тӓнӓффус** تنفس <рус. "перерыв; антракт" - танаффус; антракт.

Тӓнӓффус (С.Турк.,1915,16); Хӓр йуз вӓкиллӓри озара англашуб,вӓкиллӓр тӓ"йин етуб бермӓклӓри учун тӓнӓффус е"лан етилди (Эл бай.,1917,8).

**тӓнзимат** تنظيمات < у.=турк. tanzimat ( <рус. "проект; реформа")- лойиха; ислох.

Вӓхабуф жӓнаблӓри почтӓ илан менинг намимгӓ ирсал килган мӓктуб вӓ хӓм тӓнзимат (прайект)лӓрини... ушбу гӓзитгӓ басдирамӓн(Тар., 1906,5).

**тӓрӓккий** ترقی < рус. "прогресс, подъем" - тараккий, юксалиш, прогресс.

Йилмдӓн озгӓ йокдир бизгӓ йолдаш,
Тӓрӓккийгӓ алиб бармакгӓ йолдаш
(Хамза,ЕА,1914,18);
Йухлӓмӓ коп озбек ӓсри тӓрӓккий вӓктидӓ
(Хамза,МШ,1916,7);
Тӓрӓккий йолинӓ йурмиш Йӓврупадин сен ибрӓт ал,
Фунуну илми Йапуну Ӓмркадин сен ибрӓт ал
(Авлоний,МШ,I,19);

Хӓр зӓман учун ӓсбаби ислах вӓ тӓрӓккий вӓ ианат башкӓдур (Сам., 1913,31); Мен ким Мӓхмудхоҗӓ Бехбудий йигирмӓ йилдан бери хӓрӓкӓт етамӓнким, тӓрӓккий пӓйда болсин, муни сизлӓр хӓм билурсизки, он вӓ йигирмӓ нӓфӓр илӓ тӓрӓккий болмӓди (Хур.,1917,10).

**тӓрӓккийпӓрвӓр** ترقی پرور <рус. "сторонник прогресса, новатор; прогрессивный" - тараккийпарвар.

Тӓрӓккийпӓрвӓр фӓкӓт порма чапан илӓ тез=тез йурмак, тӓнӓззулпӓрвӓр фӓкӓт узун чапан илӓ кӓттӓ сӓллӓдӓн ибарӓт болсӓ, хӓргиз мундак емӓс... чунки тӓрӓккийпӓрвӓр деб хӓр ким оз жинсидӓн озуб баруб, оз мӓтлубигӓ тӓмам ерушуб вӓ тӓмам истефа килмӓкни ӓйтилур. Ӓгӓр оз мӓтлубигӓ ӓсла еришмӓсӓ, ани тӓнӓззулпӓрвӓр дейилур (Наж., 1917,17); Улӓмалӓр билсунлӓрки, тӓрӓккийпӓрвӓр мусулманлӓр миллӓтнинг истикбалинӓ хадим вӓ амиллӓрдир (Турон, 1917, 4).

www.ziyouz.com kutubxonasi

тäрäфчетлик طرف چیتلیك < рус. "нейтральность; нейтральный" - бетарафлик; бетараф.

Руманийа кароли (падшаҳи) бул тäрäфчетликтä каршу турмакгä äлбäттä кадир болалмäс (С.Фарг.,1914,54).

тäрбийäи бäдäнийä تربیهٔ بدنیه < рус. "физкультура" - физкультура.

Ийун 23=нчи сäнäдä, кундуз саäт беш йäримдä Андиҗандä вä Хокäнд рус мäктäблäрининг шагирдлäрининг иштираки илä футбол (тäрбийäи бäдäнийä учун йасаладурган бир турли ойун) ойини пайгäси болди (ТВГ,1914,22).

тäрбийäт تربیت < рус. "воспитание" - тарбия.

Нäшри мäариф... тäрбийäти äтфал җäм"ийäти керäк (Ойина,1917, 7, 155).

тäрбийäтханä تربیت خانه < рус. (эск.) "пансион" - пансион (чор Россиясида ётокхонали ўрта мактаб).

Бäлäлäр учун тäрбийäтханä (пансион) ачмак керäк (Ойина,1913, 7, 155).

тäргиб килмäк ترغیب قیلمق ~ таргиб етув ترغیب ایتو < рус. "пропагандировать" - тарғиб килмок, пропаганда килмок.

Бу мäс"улийäтдин кутулмак учун миллäтни диний вä дунйавий илму фäнлäр окумак учун тäргиб килмäк керäкдур (Сам.,1913,31); Халкни иттифак вä иттиҳадгä тäргиб етув орнигä... канун вä шäриатгä мухалиф ишлäрни козгатиб, халк арасигä игва салмäкдäдурлäр(Наж., 1917,17).

тäрилкä تریلکه ~ тäрилка تریلکا ~ тарилкä تاریلکا ~ тäлинкä تالینکه ~ тäлинка تالینکا ~ тарилкä деган йäлпак тäбäк تاریلکا دیگان یاپلاق تبق < рус. "тарелка"- тарелка.

Тарилкä деган йäлпак тäбак (ТВГ,1871,23); Шул зийафäт барäсидä исте"мал килинган кумуш тäлинкä вä алтун истäканни җäнаби Нäсруллäханга зийафäтдин сонгрä хäдйä тäрикäсида йубарубдурлäр(ТВГ, 189,29); Кäдимги вäктлäримиздä сäмäвар, тäрилкä, кäбäт=кäбäт кäмзул, дäстурхандä ҳäр хил тäкäллуфлик мевä, кäнду кäндалäт йок еди (ТВГ,1900,21); Чинни чайнäк вä он данä тäлинкä-җäм"ини киймäти икки сом мäвсуф (САД,2,2).

тäрҗиман ترجمان < рус. "переводчик" - таржимон.

Агäр мäктäбханäни тäмам килсäлäр, натарийуслäргä тäрҗиман болиб ҳäм ишлäйдилäр (ТВГ,1915,2).

тä"рифнамä تعریف نامه < рус. "характеристика" - характеристика.

Йäхши шагирдлäргä тä"рифнамäлäр берилди (ТВГ,1887,23); Йäхши шагирдлäрни бäлäнд дäрсханäлäргä чикариб, äлäргä тä"рифнамäлäр вä китаблäр ин"ам берилди (ТВГ,1887,23).

тäрки хизмäт ترك خذمت ~ тäрки кар ترك کار < рус. "забастовка" - иш ташлаш, забастовка.

Биластокдä конкä хизмäтчилäри тäрки хизмäт етмишлäр (Тар.,1906, 3); Барчä булачниклäр тäрки кар килубдурлар (Тар.,1906,7); Рига шäҳäр конкäси забастофкä килибдурлäр, йä"ни тäрки хизмäт килибдурлäр (Тар.,1906,16).

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарки хизмат қилғучи تَرك خدمت قیلغوچی < рус. "забастовщик" - иш ташловчи; забастовкачи.

Петирбурғдä... дару завудлäриндаги ишчилäр тäрки хизмäт қилдилäр. Тäрки хизмäт қилғучилäрнинг хисаби 15 минг (Тар.,1906,16).

тäрсанä ترسانه < форс. ( <рус. "арсенал") - арсенал, аслаҳахона.

Петроград тäрсанäсидäн хäбäр берадурлäрким... тоққуз алман кемäлäрини ахтармақдäдурлäр (Сийна,1914,1,20).

тäртиб ترتیب < рус. "порядок" - тартиб.

Чунанчи, рабочи=мäрдикарлäр арасидä тäртиб җарий қилиниб, тинчлик вä хатирҗäмлик болмақлиғи хусусидä вä"дä бериб äҳд қилибдурлäр (Тар.,1906,14).

тäртибнамä ترتیب نامه < рус. "проект; программа" - лойиҳа; программа.

Бул камитет бир нечä мäҗлисдä ушбу минбä"д зикр болинадурган тäртибнамäлäр вä шäртнамäлäрни қилибдурлäр (ТВГ,1900,25); Äрхитиктурäни-Хевä мäмлäкäтигä боладурған кäсäлханäнинг планини вä тäртибнамäлäрини тäййар қилибдур (ТВГ,1911,47); Бизлäр ҳäм программа, йä"ни тäртибнамäгä қäрäб сäф болуб турдик (ТВГ,1911, 65).

тäртибсизлик ترتیبسیزلیک < рус. "беспорядки, бунт, смута" - исъён, ғалаён, ғулғула.

Ул ҳалдä мäмлäкäтдä тäртибсизлик башланыб, хäлқгä зäрäрлäр келиши ма"лумдур (Сам.,1913,33); Хäлқ арäсидä тäртибсизлик, коп йерлäрдä уй вä мäгазинлäрнинг айинäлäрини синдуруб вä башқä тäртибсизликлäр қилуб йурмақдäдурлäр (С.Фарг.,1914,24); Мäзкур нечä тинчлик илä отуб, ертаси кун йанä тäртибсизлик ва шоришлäр тазäлäнди (Ҳур.,1917,5); Камиссäрлäр, äскäр вä ҳäм демукиратически äрганизатсийäлäр бирлäн биргалашуб, äксилҳäрäкäт вä ҳäм тäртибсизликлäргä қарши турарғä... тийишлäр (Эл бай.,1917,1); Ҳукумäт ... äксилҳäрäкäт вä башқä тäртибсизликлäрни басуб, бу йолдä лазим болған қäт"ий чарäлäрни корув учун чеклäнмäгäн вäкалäт ҳуқуқигä маликдур (Кенгаш,1917,4).

тäрҳ طرح < рус. "план; чертёж, схема" - план, схема.

Гинирал губирнатур... имарäтнинг тäрҳини (планини) кордилäр(ТВГ, 1902,30).

тäсвир تصویر ~ тäсвират تصویرات < рус. "картина, рисунок; портрет, фотокарточка" - сурат, расм; портрет,фотосурат.

Бул тäсвирлäрни äлаҳидä фотографийä деган äсбаб илан аладурлäр (ТВГ,1898,50); Мäзкурни ортäсигä чойäндин ишлäб, äтрафигä полат пäнҗäрä қилиб, устигä Крилоф деган шаирни тäсвирини отқизиб қойибдурлäр (ТВГ,1899,37); Бизгä уч äдäд тäсвират туҳфä äйлäб берди (ТВГ,1908,13); Ҳäр хил äҗайиб вä ғäрайиб ҳäр хил рäнглик тäсвирлäрни корулуб илм ҳасил қилмақликдур (ТВГ,1911,71).

тäсвиратханä تصویرات خانه < рус. "фотография" - фотография.

Мäскависки кочäнинг тумшуғидä Нäзäруф намлик тäсвиратханäсидä адäмлäрнинг сурäтлäрини коп тазä вä пакизä тäриқäдä хели (хийла) äрзан баҳа илан алинадур (ТВГ,1906,35).

тäсхир تسخیر < рус. "завоевание" - истило қилиш, забт этиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Русийа хукумати Ташканд шаҳрини тасхир қилгандин кейин... (ТВГ, 1914,8).

та"сис етмак تأسيس ايتمك < рус. "учредить" - таъсис этмоқ.

Хуррийат мунасабати ила барча мамлакатлар диний ва сийасий хуқуқларини оз қолларига алмақ мақсади ила ишга киришдилар, җам"ийатлар, шоралар, та"сис етиб, заманга мувофиқ қарарлар чиқардилар (Хур.,1917,21); Ташканда та"сис етилган (шорайи ислам)нинг программин кенгайтув... матлубдур (Турон,1917,2).

та"тил تعطيل < рус. "каникулы" - каникул, таътил.

Ийун ва ийул та"тил айларидур (МС,1903,73).

тафтиш камисийаси تفتيش كاميسيه سی < рус. "ревизионная комиссия" - тафтиш комиссияси, ривизия комиссияси.

Сатсийал=демакратлар фраксийасига дахил болган 55 нафар чиланларни хукмга тапшурмақ ишларини тафтиш камиссийаларидин ташкил қилинмишлар еди (ТВГ,1907,49).

тафтишчи تفتيشچی < рус. "ревизор, расследователь" - ревизор, тафтишчи.

Мен бул ишда йана башқа тафтишчилар йубармакга қарши тураман (Турон,1917,11).

тахта تخته < рус. "доска" (школьная) - доска.

Ва ҳам учинчи җамаа балалар еҳҗаз забут (арифметика) хисабини катта тахтага битиб корсатдилар (ТВГ,1905,10).

таҳсил تحصيل < рус. "учение, учёба, обучение" - таҳсил, ўқиш, ўрганиш.

Ушбу йилдаги таҳсил мазкур тариқада тамам болди (ТВГ,1887, 23); Таҳсил башланадур биринчи августдан ва тамам боладур май айининг охирида (МС,1903,73).

ташвиқ تشويق ~ ташвиқат تشويقات < рус. "агитация" - ташвиқот, агитация, ташвиқ.

Миллат байларига ташвиқ ва таҳриз етар (Сам.,1913,31); Ташвиқат (Турон,1917,4).

ташкилат تشكيلات < рус. "организация" - ташкилот.

Хуррийат афтабининг аламга нур сачуви сайасинда Туркистаннинг турли шаҳар ва қишлақларинда, турли җам"ийатлар ачилмақла барабар, Ташканда ҳам 20-21 ташкилат (арганизатсийа) вужудга келуб... иш кора алмамиш еди (Турон,1917,1); Лекин бу җам"ийатлар ҳамаси ҳам жам"ийат (общество, кружок)ларгинадир, амма ҳар ҳалда ташкилат (организация)емас (Кенгаш,1917,3).

ташкилат маҗлиси تشكيلات مجليسی < рус. "учредительное собрание" - таъсис мажлиси.

Амма алдимизда сийасий мухим бир масала бар - улдирки ташкилат маҗлиси (учридителний сабранийа) мана бу масалада бизда ҳазирлик барму? (Турон,1917,5).

ташкилат шу"баси تشكيلات شعبه سی < рус. "организационный отдел, орготдел" - ташкилот бўлими.

Умумий шора (кенгаш)ларни тамам ислаҳ қилушмақ учун Туркистан

www.ziyouz.com kutubxonasi

мӓркӓз шораси оз хузуриндӓ тӓшкилат шу"бӓси (организационный отдел) исминдӓ бир қисм ачди (Кенгаш,1917,3).

тезатар топ تیزآتارتوپ ~ تیزآتارطوپ < рус. "скорострельная пушка" - тезотар тўп.

Айтибдурлӓрки, бизнинг хазирги тезатар топлӓримиз тӓхминӓн 5 чӓқирим жайдин урадур (ТВГ,1908,2); Мексика хукумӓти... 420 тезатар топ вӓ башқалар, йӓнӓ хариждан уруш ӓсбаби алиб турубдур (Сийина,1914,27,515).

текушчи исчоти تیکوشچی اسچوت < рус. "текущий счёт" - жорий счёт.

Ӓндӓ текушчи исчоти бардур (Сам.,1913,38); Текушчи исчотиғӓ мувӓққӓт мусулман камитети учун хӓт=хӓбӓр унвани (Сийина, 1915, II, 320).

тележка ӓрабӓ تیلیشکا عرابه < рус. "тележка" - тележка, аравача.

Чай ичкандин кейин тележка ӓрабӓлӓриғӓ озлӓри илан олтурғузуб хӓвлилӓриғӓ алиб келдилӓр (ТВГ,1909,34).

темир йол تیمریول - қ. темур йол.

темур йол تیمورپول~темир йол تیمریول < рус. "железная дорога" - темир йўл.

Йаврупа мӓмлӓкӓтидин келган икки инжинер Ташкӓнд шӓхрининг ичида ат билан йурадурған темур йолни бӓрпа қилмаққӓ керӓклик хӓрӓкӓтларни қилиб, Ташкӓндин Белгийӓгӓ қайтиб кетибдурлӓр (ТВГ,1897, 15); Ӓмма темир йол учун кочӓни кенгайткани кифайӓ қилмайдур (ТВГ, 1898,34); Хасили кӓлам, темир йол мусулманийӓлӓр билан русийӓлӓр мийанӓсидӓ боладурған муамӓлӓ бенихайӓ бӓр"авж болишиға баис болуб турибдур (МС,1903,67); Вӓ лекин темир йолнинг копруклӓри тӓмам бузулибдур (ТВГ, 1904,21); ... 1904=нчи йилдӓ темир йол бинаси жарий болмаған жайғӓ темир йоли бина болур емиш(Туж., 1907,4); Туркистан гинирал=губирнатурининг сӓвалиғӓ Хевӓ хукумӓти (биз Хевӓнинг темур йол илӓ Русийӓгӓ улӓшмақиғӓ разимиз) деб жӓваб берубдур (Сам.,1913,32); Дарданилғӓ темир йол (релс)-лӓр устиндӓн тофлӓр кетурӓдурлӓр (С.Фарғ.,1915,117).

темур йол машинӓси تیمور یول ماشینه سی < рус. "паровоз" - паровоз.

Бир саӓтдӓ тоқтӓмай 100 чӓқирим йурадирган темур йол машинӓси йердан афтабғӓ йуз еллик йил ичидӓ бариб йетӓр еди (Жуғрофия, 40).

темур йол мӓнзили تیموریول منزیلی < рус. "вокзал" - вокзал.

Темур йолнинг мӓнзили, йӓ"ни вагзал мӓвзуидӓ (ТВГ,1899,46).

темур кемӓ تیمورکیمه < рус. "броненосец" - броненос.

Ушбу вӓқтлӓрдӓ Петирбург шӓхридаги завуддӓ йӓнгидин жудӓ бир кӓттӓ темур кемӓ қилинибдур (ТВГ,1885,36).

темур қубур تیمورقبور < рус. "железная труба" - темир қувур, темир труба.

Темурсув мӓ"данидӓн сув... темур қубурдӓн шиддӓтлик сур"ӓтда атилиб ақмақдӓ (Сийина,1914,37,883).

темур пластинкӓ تیمورپلاستینکه < рус. "железная пластинка" - темир пластинка.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тафтиш қилинганда... бирар сомка ичинда бир кичикрак пресс, 4 дана темур пластинка... тапулубдур (Турон,1917,3).

тергав تیرگاو <рус. "следствие, дознание" - тергов.

Тергов ишлари дуру дараз болмай, тезлик илан битибдур (ТВГ,1880, 24); Озини тергавга тапширдилар ва анинг лавазимат ишларини башқа торага фармайиш етдилар (ТВГ,1880,24).

тергавчи تیرگاوچی < рус. "следователь" - терговчи.

Тергавчи торалар ва жанаби вайаннай губирнатур даф"атан келиб... (ТВГ,1892,33); Балаларингизни Русийа мактабханасига ва ушкол ва гимназийасига берингглар, таким балаларингиз окуб озларингиздин уйаздннай судийа ва доктур ва тергавчи болганин корарсизлар дебдур (ТВГ,1895,43).

термометир // термуметир تیرمومیتر ~ تیرمومیتیر ~ تیرموميتر ~ термометир деган алахида асбаб ~ تیرمومیتر دیگان علی حده اسباب ~ термометир, йа"ни кират تیرمومیتر یعنی قرات <рус. "термометр" - термометр.

Хаванинг иссиқлигини термометир деган алахида асбаб бирлан олчанадур (ТВГ,1887,20); Андин кейин термометирни йагач ва йа темур тахтага йапуштуруб, иссиқ ва савуқ даражаси учун ададлар қилинадур (ТВГ, 1887,24); Бул асбабнинг исми термометир, йа"ни киратдур ва ошал асбаб хар қайу халда боладурган иссиқ ва савуқни(нг) даражасини корсатадур (ТВГ, 1898,50); Қибланамага охшаш адамизадга наф" йеткурадурган башқа асбаблар хам бардур. Ул асбаблар барометир бирлан термометир, йа"ни киратдур (МС,1903,71); Иссиқ ва савуқнинг даражасини билмакқа термометир деган алахида асбаб бардур. Ул асбаб хавани оз теримиз бирлан сезилмайдурган даражасини хам билдирадур (Еднома,88).

техник تیخنیك < рус. "техник" - техник.

Исхакхан тора улуми динийада мударрисдур, фунуни дунйавийда, билашубха, инжинир, техник... ва йа"ни химик десак йана аздур,чунки бу илмларни билур (ТВГ,1908,56); Он йилда булардан акалли мартаба 200 мухандис, доктур, хуқуқшунас, муаллим, техник, замана тажири ва улуг... чиқар (Сам.,1913,26).

тижарат تجارت < рус. "торговля, коммерция" - савдо; коммерция.

Тижаратнинг равиш рафтарини билган арманилар алмаларини йашчук алиб, аташ араба арқали хар қайси вилайатларга алиб бариб сатмақдадурлар (Туж.,1907,1).

тижарат мактаби تجارت مکتبی < рус. "коммерческая школа" - савдо (тижорат) мактаби.

Тижарат мактабининг шагирди Назир Торақул огли... йазадур (Ойина,1913,17,304); Йақинда йана Қаркидаги русча тижарат мактабига дин ва тил муаллими та"йинланди (Ойина,1913,18,330).

тижаратхана تجارت خانه < рус. "торговый дом, торговая фирма" - савдо уйи, савдо фирмаси, тижоратхона.

Тижаратхана ва банклар... керак (Ойина,1913,7,155); Биз, сиз, гайри насарага иш ва сипариш бералмаймиз (тижаратхана озидан айтадур) (Ойина,1913,10,231).

www.ziyouz.com kutubxonasi

тийатир[1] تیاتر ~ тиатир تیاتر ~ тийатир, йа"ни муқаллид ойуни تیاتر یعنی مقلد اویون < рус. "театр" (искусство) - театр.

Хусус икки тāмаша āввāл, ахир,
Бири нāғмā, бири ерди тийатир
(Фурқат,ТВГ,1891,II; ТА,П,30);

Тез фурсāтдā Ташкāнд шāҳридā тийатир, йа"ни муқаллид ойуни ойнайдурған мусулман җāм"ийāти ачилур емиш (ТВГ,1910,8); Тийатир мāс"улийāтини Мāҳмудхоҗā Беҳбудхоҗā оғли қабул қилиб, ҳукумāтдин рухсāтини алиб еди (ТВГ, 1911,21); Йāнги йилнинг биринчи куни 9=нчи мартдā Сāмāрқāндā биринчи дāф"ā мусулманий тийатир ойналди (ТВГ,1911,21); Тийатир... тāмашагаҳ, йаинки конгул ачгучи миллий вā āдāбий җāм"ийāтлāрнинг баисидур (Ойина,1913,28, 550); Тийатир... тоғри сойлагучи вā āччиқ ҳāқиқāтни билдиргучидир(Ойина, 1913,28,550); Тийатир... урф вā тā"амилнинг зāрāрини āйнāн корсатгучидур (Ойина,1913,28,552); Җāм"ийāтнинг файдāсиғā тийатир ҳāвāскарлāридāн мурāккāб бир "сāййар дāстā" тāшкил етуб... шāҳāрлāрдā болсун āқчā тапмақ арзуси ҳāм бар (Ойина, 1914, 42, 995); Тийатир вā āдабийат кечалāридā сāҳнāдā қуйида йазилмиш миллий шеърлāрдāн бир бāйт бир йаки икки киши тāрāфидāн оқилиб, сонгидāн коп кишилāр тāрāфидан хор, сазлāр илā жор қилуб, иккинчи бāйт оқулур (Авлоний,МШ,Ш,15).

тийатир[2] تیاتر ~ тийатирханā تیاترخانه ~ тиатирханā تیاترخانه ~ тийатир нам тāмашаханā تیاتر نام تماشاخانه < рус. "театр" (здание, сцена) - театр (биноси, саҳнаси).

Нечā мāртāбā тийатир нам Русийā ҳāлқининг тāмашаханāсиғā бариб, āндāги ойун=тāқлид тāртиблāрини кордум (Фурқат, ТВГ,1891,5; ТА, П,131); Āндин кейин мā"лум болубдурким, ул курси тийатирханā башлиғининг āмри бирлан қойилмāған екан (ТВГ, 1883,20); Мāзкур тийатирханā шул тāриқā кāттāдурким, āнинг ичиғā торт минг адāм бāхузури тāмам сиғадур (ТВГ, 1892,93,83); Пушкин он икки йашғā киргāндā ози тийатирханā учун ше"р вā кичик āбйатлāрни тāсниф қилибдур (ТВГ, 1899,17); Ҳурмāтлик елчилāр тийатирханāғā бариб, тийатирдāги ойунлāрни корубдурлāр (ТВГ,1900,49); Āнинг бā"зи тāснифатлāри тийатир учун коп йāхши оңғайлик болиб ... тийатирханāлāрдā корсатса боладур (ТВГ, 1902,9); Мāзкур шāҳāрдā тийатирханāлāр ҳāм ачилиб, ошāл шāҳāр ҳāлқининг зиндāгарчиликлāри дурустлик бирлан отуб турубдур (Тар.,1906, 5); Вā бā"зи тāмашаханā вā тийатирханāлāр барки, āндā тāмаша қилмақ учун икки кун илгари белат алинур (ТВГ, 1911,10); Āввāл мāртāбā университит вā гимназийā = мāдрāсā ачиб вā тийатирханā бāрпа қилиб, Русийā фуқāралāри ичидин бир нечā мā"лум вā мāшҳур алим вā āдиб Ламаносуф заҳир болуб еди (ТВГ, 1913,16); Тийатир тā"зир уйидир (Ойина, 1913,28, 550); Тийатирханāлāр мāсхāрāбазханā болмāй, бāлки ибрāтханāдур (Ойина,1913, 28,552); Атāш кемāлāр... ичидā басмāханā, тийатирханā вā карханāлāр болуб сув устиндā... бир шāҳāр ҳикмāтиндāдур (Ойина,1913,28,554).

www.ziyouz.com kutubxonasi

тийатир бäзми تیاتر بزمی - қ. тийатир ойуни.

тийатир дäстäси تیاتر دستهسی < рус. "театральная труппа, драмкружок" -театр труппаси, драмкружок.

Тийатир дäстäлäри, қираäтханäлäр... русчä оқутмақ учун (фонд)-лäр бäрпа етмақ керäк (Ойина,1914,30,590).

тийатир жäм"ийäти تیاتر جمعیتی < рус. "театральное общество" - театр жамияти.

Мусулманлäр тийатир жäм"ийäти келäдурган вäқтлäрдä тäрäққий қилиб, йäхши риваж тапсä äжäб емäс (ТВГ,1910,8).

тийатир ойуни تیاتر اویونی ~ тийатир тäмашаси تیاتر تماشاسی ~ тийатир деган ойун тäмашаси تیاتر دیگان اویون تماشاسی ~ тийатир бäзми تیاتر بزمی <рус. "спектакль, театральное представление" - спектакль, театр тамошоси, тамошо.

Тийатир бäзмини абад қилғил,
Тäмаша äҳли конглин шад қилғил
(Фурқат,ТВГ,1891,45; ТА, П,34);

Ташкäнд шäҳридäги мужискайä гимназийä деган оғил балäлäр оқуйдурган мäдрäсäдä тийатир деган ойун тäмашаси болди (ТВГ,1898,9); Мäзкур мусäнниф йазган тийатир ойунлäрини корсатадурлäр (ТВГ, 1902,8); Тийатир тäмашалäри Қафқаз мусулманлäри арасиндä копдäн ойналуб, тäрäққий тапмақдä (Тар.,1906,1);

тийатир рисалäси تیاتر رسالهسی ~ рисалäи тийатир رسالهٔ تیاتر ~ тийатир тäртиби تیاتر ترتیبی < рус. пьеса" - пьеса.

Тийатир учун йазган тäртиблäрни тийатирханäдä корсатубдурлäр (ТВГ,1902,9); Тийатир рисалäсини... йазиб тäб" етдуриб ойнамäқиғä рухсат алиб еди (Ойина, 1913,5,114); Рисалäи тийатирни алиб оқусäлäр ибрäт алурлäр (Ойина,1915,7,157).

тийатру تیاترو < у.=турк. tiyatro ( <рус. "театр") - театр.

Та"лили иттифақä муäллим тийатру,
Алҳäқ бу сäҳнäханäйи тä"лим тийатру
(Ойина,1913,31,618);

Тäмаша вäқтидä ул бағдä ҳäр хил ойун вä тийатру вä башқä тääжжуб нäрсäлäрни корсатадурлäр (ТВГ,1886,14); Тийатру имарäти тäмашабинлäр илä толä еди (Ҳур.,1917,11); Ҳукäма вä мутäфäккирлäр - "тийатру... äдäб вä тäрбийä мäктабидур" демишлар (Ҳур., 1917, 20); 11=нчи йäнвардä Хоқанддä мусулманчä испиктакил (тийатру кечäси) боладур (С.Фарғ.,1915,100).

тийатру тоғäрäги تیاترو توگرهگی < рус. "драмкружок, театральный кружок" - драмкружок, театр тўгараги.

Қäзан шäҳриндäги бухаралик йашлäр тäрäфиндäн "тийатру тоғäрäги" деган жäм"ийäт қурулған еди (Ҳур.,1917, 42).

тикадурган машинä تیکادورگان ماشینه < рус. "швейная машина" - тикув машинаси.

Мäзкур базардä ҳäр хил ширинлик канфитлäр вä тикадурган машинä вä боз тäййарлайдурган машинäлäр ҳäм сатилäдур (ТВГ,1897, 14).

тиканлик сим تیکانلیک سیم < рус. "колючая проволока" - тиканли сим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мäзкур мушäкни тиканлик симгä йубариб, ул симни бузубдур (ТВГ, 1904,46).

тикғучилик تیكغوچیلیك <рус. "профессия или занятие портного или швеи" - тикувчилик.

Ўрганмақни хаҳлаган адäм йäхши устад болиб, тикғучиликгä шäҳадäтнамä (атистат) алур (Ҳур.,1917,32).

тил تیل - шоир Муқимий русча "телеграмма" сўзини қисқартиб, тил тарзида ишлатган:

Хожайин берди Ташкäнддин тил,
Той қилсäнг=да қой озингга кäфил
(Муқимий,БХ,1912,194).

тилграф агентäси تیلگراف آگینته سی (<у.=турк. telgraf acentesi (<рус. "телеграфное агентство") - телеграф агентлиги.

Орунбург мусулманлäрининг 30 чарпайäлик хäстäханä ачганлäри... тилграф агентäси тäрäфидäн нäшр қилинди (Ойина,1914,I,43); Мусулманлäрнинг... илтимаслäри Петроғрад тилграф агентäси тäрäфидäн нäшр қилинди (Ойина,1914,I,48).

тилграф устуни تیلغراف اوستونی - қ. тилиграф устуни.

тилиграм تیلیگرام ~ тилграм // тилиграм تیلگرام тилиграмнамä تیلیگرام نامه <рус. "телеграмма" - телеграмма.

Нечä иш илм илä бунйад қилди,
Хусусäн тилграм ижад қилди
(Фурқат,ТВГ,1890,19; ТА,П,9);
Хлеб деб тилграм барғил ишигä,
Ошäл алäмни титратган кишигä
(Завқий, ТА,89);

Шäҳäрлäргä беш минутдä... хäбäр йеткуриб турган тилиграмлäр... пäйда болган (ТВГ,1897,23); Бир саäт ичидä бир мингдäн копрақ тилиграмнамä йубарсä мумкин боладур (ТВГ,1900,9); Äмерикäдä турғучи кишигä Йаврупадäн кундузи тилиграм йубариб: ҳазир сизни жайингиздä нимäдур деб соралсä, мäзкур Äмерикäдäги киши кечäси деб жäваб äйтадур (Жуғрофия,26).

тилиграм қақмақ تیلیگرام قاقماق ~ тилиграм қақмақ تیلیغرام قاقماق <рус. "послать телеграмму, телеграфировать" - телеграмма юбормоқ, телеграмма бермоқ.

Андай болсä муäллимä Нäҳийаханимгä тилиграм қақсақ (С.Турк., 1914,21).

тилиграмнамä تیلیگرام نامه - қ. тилиграм.

тилиграмханä تیلیگرام خانه <рус. "телеграф" (учреждение) - телеграф.

Ҳукумäт тилиграмлäрини II=нчи нойабирдä йäнги тилиграмханäдä алур еканлäр (ТВГ,1913,87).

тилиграф[I] تیلیگراف ~ тилгираф تیلگیراف ~ тилграф // тилиграф تیلگراف ~ тилграф // тилиграф تیلغراف ~ тилгираф, йä"ни хäбäр алиб турғудурган сим-темур تیلگراف یعنی خبر آلیب توراتورغان سیم تیمور ~ тилграф, йä"ни хäбäр йеткурадурған сим تیلیگراف یعنی خبر یتکورادورغان سیم <рус. "телеграф" (аппарат) - телеграф (телеграф аппа-

рати, телеграф қурилмаси).

Ушбу йил май айида Туркистан вилайатида тилиграф, йа"ни хабар алиб турадурған сим-темур қилмакқа рухсат болди (ТВГ,1870, 4); Орус газитлариди йазибдурларки, отган йил ийун айида Туркистан мамлакатига тилиграф йеткурмакға рухсат болуб еди (ТВГ, 1871,12); Ташканд шахридин Алмати тарафи билан тилгираф, йа"ни хабар йеткурадурған сим тартилса керак (ТВГ,1871,22); Ушбу хабар тилграф бирлан келди (ТВГ, 1873); Ташкандшахриға тилиграф келиб орнади (ТВГ, 1875,5); Бир адам бир шахарда ва болак адам башқа шахарда оз ватанида туриб тилиграф бирлан бир лахзада хабар йеткурадур (ТВГ,1899,1); Гинирал=губирнатурға тилиграф илан ма"лум қилсангиз деган илтимасни қиламиз деб... (ТВГ,1902,10); Тилиграфнинг хаммаға, хусусан хукуматдарлар билан ахли туҗжарға зарурлиги ма"лум ва равшандур (МС,1903,68); Адамлар ушбу айиамларда тилиграф билан бир шахардан бир шахарға бир лахзада хабар йеткурадурлар (МС,1903,68).

тилиграф[2] تیلیگراف ~ тилграф // тилиграф تلگراف ~ تیلگراف ~ тилғраф // тилиғраф تیلغراف ~ تلغراف < рус. "телеграмма" - телеграмма.

> Бир тилграф бирла тутди җаханни аскар,
> Қилған тамами дарбар тиру, туфангу, ханҗар
> (Нодим,ДН,228);

Ушбу хабар ба"зи кишилар ашналариға йубарған тилграфдин ма"лум болғандур (ТВГ,1875,5); Тилиграф йубарибдурлар (ТВГ,1877, 18); Җанаб Тафкилуфдан таклиф тилиграфи ва суалнамалар келди (Ойина, 1914,599).

тилиграф агентстваси تیلیگراف آگینستواسی ~ тилиграф ширкати تیلیگراف شرکتی < рус. "телеграфное агентство" - телеграф агентлиги.

Серб тилиграф агентствасининг алған хабариға қарағанда булғарлар йунан аскариға бутун фронт бойинча хуҗум етибдур (ТВГ,1913, 49); Софийа муттафиқларининг фуқараларга корсатган вахшати тоғрисида булғар тилиграф ширкати хабар берибдурки (ТВГ,1913, 59).

тилиграф йағачи تیلیگراف یغاچی ~ тилиграф устуни تیلیگراف اوستونی ~ тилиграф устуни تیلغراف اوستونی < рус. "столб, телеграфный столб" - столб, телеграф столби.

Пишкак истансаси арасидаги тилиграф йағачини темур илмаги копрақ йоқ боладур (ТВГ,1876,32); Снг тарафдаги тилиграф устунининг башидин уч темур гайкани ва астидин уч катта темурни оғурлаб алинғандур (ТВГ,1888,21); Ташкандға қараған тарафида 14 адад тилиграф устунларини йиқитиб ва синдириб ташлабдур (Тар., 1906, 1); Тилиграф йағачлари, денгиз астидин йурадурған тилиграф йоллари қаттиқ зарарланибдур (С.Фарг.,1914,33).

тилиграф машинаси تیلیگراف ماشینه‌سی < рус. "телеграфный аппарат; телеграф" - телеграф аппарати, телеграф.

Ушбу вақтларда икки улама таҗриба қилибдурким, йанги тилиграф машинаси иҗад қилиб, бир сайт ичида бир мингдан копрақ тилиграф-

намäни йубарсä мумкин боладур (ТВГ,1900,9).

тилиграф сими تیلیگراف سیمی < рус. "телеграфный провод" - телеграф сими.
Русийä келмасдин муқäддäм Туркистан вилайäтида почтä йоли вä тилиграф сими йоқ еди (ТВГ,1898,40); Ҳазирдä тилиграф симлäри тартмақ учун устун (сталба)лäр отқäзмақғä башлäдилäр (С.Фарғ.,1914, 15).

тилиграф устуни تیلیگراف اوستونی - қ. тилиграф йäғачи.

тилиграф ширкäти تیلیگراف شرکتی - қ. тилиграф агентстваси.

тилиграфнамä تیلیگراف نامه у. =турк. telgrafname ( <рус. "телеграмма") - телеграмма.
Тилиграфнамä ҳäқи тäнгä мири (ТВГ,1883,1); Бу хусусдä тилиграфнамä бирлан... хäбäр бердилäр (ТВГ,1892,4); Тилиграфнамäлäр 10=нчи февралдäн 17=нчи февралғäчä (ТВГ,1892,7); Ташкäнд ҳакими... намиғä Русийä шаҳриғä äввäл мäртäбä тилиграфнамä йубарибдурлäр (ТВГ,1894,16); Шäҳäрдäги тилиграфнамäнинг башлуқлäри ул елчиғä иззäт қилиб, ул тилиграфнамäни йубарадур (ТВГ,1897,46); Тилиграфнамäлäрдä йазилган созлäр шул тäриқä қисқä вä наравшäн боладур (ТВГ,1904,27); Ул зати мунäввäрғä бул тäриқä тилиграфнамäни йубарибдурлäр (ТВГ,1907,17); Шäҳäр тилиграфини ҳäр бир кäлимäси учун бир тийиндäн вä ҳäр бир тилиграфнамä учун он беш тийиндäн мäркä пули толäмäк лазимдур (Ёднома, 30); Пайтäхт гäзитлäридä диққäт вä тääжжубга қалурлиқ икки тилиграфнамä бардур (ТВГ,1913, 58).

тилиграфханä[1] تیلیگراف خانه < рус. "телеграф" (учреждение, здание)- телеграф (муассаса ва унинг биноси).
Ташкäнд шäҳрини тилиграфханäси (ТВГ,1879,1); Ташкäнд тилиграфханäсидä икки хил тилиграф бар (ТВГ,1900,9).

тилиграфханä[2] تیلیگراف خانه - қ. почтä.

тилиграфчи تیلیگرافچی <у.=турк. telgrafci ( <рус. "телеграфист") - телеграфист, телеграф ходими.
Почтäханäнинг фäқäт бир хäтчиси бирлан биргинä тилиграфчиси бар екан (ТВГ,1908,1).

тилиграф تیلیغراف - қ. тилиграф.

тилиграф устуни تیلیغراف اوستونی - қ. тилиграф устуни.

тилископ تیلیسکوپ ~ тилископ تیلسکوف ~ тилискоб تیلسقوب ~ тилископ деган дурбин تیلسکوف دیگان دوربین ~ тилископ, йä"ни расадханä дурбини تیلسکوب یعنی رصدخانه دوربینی < рус. "телескоп" - телескоп.
Ушбу вäқтдä мунäжжим уламалäр илмлäри хасийäти бирлäн тилискоф деган дурбин қилингандурким, ҳäр бир äшйани уч йуз ҳиссä йäқинрақ козгä корсäтäдур (ТВГ,1884,39); Äлäрнинг ҳäммäсини тилископ билан муäййäн кормäк мумкиндур (Ойина,1914,19); Дунйанинг буйук вä қимматли йуз дуймалиқ айинäли тилископ, йä"ни рäсäдханä дурбинининг иншаси тäмам болуб, Вäйлäсун тағи тепäсиндäги рäсäдханäгä чиқарилур (Ҳур.,1917,36).

тилифон // тилифун تیلیفون ~ тилпон تیلپون < рус. "телефон" - телефон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу икки шаҳәрнинг арасиғә тилифон сән"әти бәрпа қилибдурләр (ТВГ,1881,20); Мәсәлән, мәсафәти уч йуз гәзлик жайғә тилифон бирлан хәбәр йубармақ җуда асандур (ТВГ,1883,38); Иккәлә баши йәлфақ, бир тәрәфиғә қулақ ушлаб, бир тәрәфиғә агзини қойуб созләшди,ани тилифон деган созләшган адәм (ТВГ,1892,10); Хәбәр йеткурадур вә ҳәм тилпон сурнәйи илан тоғри созләшадурләр (ТВГ,1899,1); Тилиграф вә тилифон әсбабләрини корсатмәк керак (ТВГ,1889,1); Мен дедимки, тилифон илан хурмәтлиқ пристуфни чәқирамен (ТВГ,1908, 7); Искобилуф, Хоқәнд, Әндиҗан, Нәмәнган, Ески Мәрғилан мийанәләриғә тилифон ачилибдур (ТВГ,1913,60).

тиллә медал ﻣﯿﺪﺍﻝ ﻃﻼ ~ алтун медал ﺁﻟﺘﻮﻥ ﻣﯿﺪﺍﻝ < рус. "золотой медал" - олтин медал.

Артуқ деган Султанчәвақнинг оглиғә йәхши оқуғани учун тиллә медал тегди (ТВГ,1878,18); Әләрнинг ичидин икки русийә шагирд қизләрғә вә йәнә бир мусулмандин Әминә дегән шагирд қизғә йәхши оқуб чиққанләриғә әламәт учун алтун медал берилди (ТВГ,1883,35); Шаҳмурад Әлимәт оглиғә кәттә алтун медал... бердиләр (ТВГ,1892,2).

тинтув ﺗﻨﺘﻮ < рус. "обыск" - тинтув.

Қрим муфтиси вә қомандани қәмалган саәтләрдә Қримдәги милләт гәзитәсининг идарәсиндә тинтув болган (Турон,1917,11).

тисар ﺗﯿﺴﺎﺭ ~ тисәр ﺗﺴﺮ < рус. "царь" - подшо.

Чунанчи Қәзан вә Әштәрхан ханлиқләри 1552=нчи сәнәи меладийдә тисар Иван Грозныйнинг әсридә фәтҳ болмишдур (МС,1903,104); Мундин миқдар икки йуз сәнә муқәддәм русийә тәхти сәлтәнәтиғә тисәр Петир Великий отирди (МС,1909,104).

тогәрәк ﺗﻮﺭﮔﺮﻙ ~ ﺗﻮﮔﺮﻭﻙ < рус. "кружок" - тўгарак (театр тўгараги).

Қәзан шәҳриндәги бухаралиқ йашләр тәрәфиндән "тийатру тогәрәги"-деган бир җәм"ийәт қурулган еди (Хур.,1917,42).

толав ﺗﻮﻻﻭ < рус. "налог" - солиқ.

1914=нчи йилдән е"тибарән Туркистан вилайәтидә йәнги налуг (толав) салмақ лайиҳәси малийә вәзарәти тарафидән илланган еди (С. Фарг.,1914,8).

топ[I] ﺗﻮﭖ < рус. "пушка, орудие" - тўп, замбарак.

Руманийәнинг топләри ҳәммәси йәнги усул болуб, тез атиләдур(Сам., 1913,30); Топ фабрикәси (С.Турк.,1914,42); Сахил топләриғә қараб, оз топләридән аташ ачмақғә башләдиләр (Хур.,1917,19).

топ[2] ﺗﻮﭖ < рус. "бомба" - бомба.

Әйруплан бир данә топ ташләб, унчә зәрәр қилмасдән кетибдур (С. Фарг.,1914,55).

топ атишмәси ﺗﻮﭖ ﺁﺗﯿﺸﻤﻪﺳﻰ < рус. "артиллерийская перестрелка" - тўп отишмаси, артиллерия отишмаси.

Бутун хәт бойи шиддәтлик топ атишмәси барадур (Хур.,1917,5); Бә"зи нуқтәләридә кичик тоқушмәләр вә топ атишмәләри дәвам болсә... (Турон,1917,4).

топ оқи ﺗﻮﭖ ﺍﻭﻗﻰ < рус. "снаряд; граната" - снаряд, ўқ, гранат.

Топ оқләри (С.Турк.,1914,22); Қол илә атиладурган топ оқләри( гра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

натлäр) (С.Турк.,1914,22).

топханä توپخانه ~ توپخانه < рус. "артиллерийский парк; артиллерия" - тўпхона, артиллерия парки; артиллерия.

Душмäннинг атишига бизнинг топханäмиз ғäйрäт илä җäваб берур еди (Хур.,1917,5); Бизнинг топханäмиз Алманийäнинг бир тäййарäсини уруб тушурди (Хур.,1917,5).

топчи äскäр توپچی عسکر < рус. "пушкарь, артиллерист" - тўпчи, артиллерист.

